




4 / 89

# ФАКТИ ТУРМУШ





● Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ҳозир энг долзарб муаммолардан бири эканлиги ҳаммага маълум. Қишлоқ хўжалик ходимлари етиштирган сабзавот, мева-чеваларни нес-нобуд қилмай аҳолига янглигича етказиш, маълум қисмини эса узоқ вақт сақлаш чораларини топиш олимларимиз зиммасига юкланган. Бу муҳим масалани ҳал этишда Ўзбекистон ССР ФА Илмий асбобсозлик марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюросининг ижодкорлари мева ва сабзавотларнинг намлигини қочириб, уни узоқ муддат сақлаш усулини кашф этишди.

Суратда: юқорида конструкторлик бюросининг катта инженери А. Қосимов мева ва сабзавотларни қуритиш камераси олдида.

Унда эса шу камерада қуритилган ва махсус ишлов берилиб, полиэтилен пакетга жойланган мева-чевалар бир неча ойдан буён худди янгидек сақланиб турибди.

С. ДАВИДОВ фотоси.



## БОШ РЕДАКТОР

Комилжон ЗУФАРОВ  
Редколлегия:  
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ

Аҳмадали АСҚАРОВ

(бош редактор ўринбосари)

Камол БОБОМУРОДОВ

Галина МАТВИЕВСКАЯ

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ

(масъул секретарь)

Атоўлла ОҚИЛОВ

Уктам ПРАТОВ

Уткир РАСУЛЕВ

Асом РАФИҚОВ

Зокиржон САЛИМОВ

Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ

Елқин ТУРАҚУЛОВ

Нурислом ТУХЛИЕВ

Раҳим УСМОНОВ

Файзулла УСМОНОВ

Комил ХОЛМУҲАМЕДОВ

(бош редактор ўринбосари)

Шабот ХУЖАЕВ

Эркин ЮСУПОВ

БЎЛИМ редакторлари:

Рустам ОБИДОВ

Оқилхон ОДИЛХОНОВ

Сандмурод ХУЖАЕВ

Редактор:

Маҳфуза АСАДУЛЛАЕВА

## БУ СОНДА:

АСҚАРОВ М. Ҳамиша навқирон . . . . .	2
РАҲМАТУЛЛАЕВ Х. Қадимдан маълум эди . . . . .	2
ГОЛОВACHEВ В. «Бўрон» — Бўрон арафасида . . . . .	4
КНАЗБОЕВ У. Учмасин фазовий уйлар чироғи . . . . .	6
АЮПОВ А. Қайдан келдинг майнахон . . . . .	7
НОСИРОВ П. Республикамиз «қарздор»ми! . . . . .	8
Элимиз дарду қувончи — тилимиз . . . . .	10
КУБАЕВ О. Баҳорги дармонсизлик нимадан! . . . . .	14
ҚУРАМА . . . . .	16
Жуна Давиташвили мўъжизалари . . . . .	18
ҚОРАБОЕВ С., КОЛЕСНИКОВА Е. Тоғдаги арвоҳлар. Арвоҳлар сири . . . . .	22
ЕДГОРОВ Т. Ғалати бақалар . . . . .	24
ЖУРАЕВ М. Сехрли рақамлар . . . . .	26
Мулла Хандон Кулгу кошонаси . . . . .	28
ЖУМАНИЕЗОВ Р. Машқини олинг . . . . .	30
АБДУЛЛАЕВА С. Парвоз . . . . .	31

## МУҚОВАДА

1-БЕТ. Ҳар кўкламининг миёнасида нишонланадиган космонавтика байрами янгидан-янги зафарлар билан бойиб, ўзгача мазмун касб этмоқда. «Энергия» универсал ракета-космик системаси билан кўп марта фойдаланиладиган «Бўрон» орбитал кемасини синаб учирish программаси ҳам муваффақиятли бажарилиб, космонавтикамизни янада юқори босқичга олиб чиқди. Журналнинг ушбу сонигадаги мақолада ана шу программа хусусида ҳикоя қилинади.

## КЕЛГУСИ СОНДА:

● Энгиллашунослик ва шаҳарсозлик ● Рақамлардаги тақдиримиз ● Шифобахш ичимликни уйда тайёрлаш ● Мерос ва меросхўрлар ● Вольтер ва Улуғбек ● Утмишда ўзбеклар саводсиз бўлганми! ● Доктор Цзян мўъжизаси ● Япон мучалини билмасизми! ● Ғаройиб фантастик ҳикоя

# ҲАМИША НАВҚИРОН

Қадимий ва ҳамиша навқирон химия фанининг Ўзбекистонда илдам қадамлар билан равақ топганлиги аллақачон тан олинган. Ҳозирда Фанлар академияси институтлари, республика олий ўқув юртлари, саноат корхоналари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида 110 фан докторлари, 1200 дан ортиқ фан кандидатлари ва яна минглаб ёш мутахассислар фаол хизмат қилмоқдалар. Улар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларига сазовор сиймолар бор. Шу боисдан ҳам, қардош республикалар ва бир қанча ажнабий давлат талабалари, аспирантлари ўзларига ўқиш маскани қилиб Тошкент институтлари ва ўқув юртларини танлаганликлари бизни қувонтиради. Ўзбекистон кимёгарлари ўз кашфиётлари, илмий ютуқларини жаҳоннинг турли чеккаларида ўтаётган илмий кенгашларда намойиш қилибгина қолмай, ўз юртларида ҳам шундай олий анжуманларни уюштирмоқдалар. 1978 йили кетма-кет ўтган биоорганик химия ҳамда полимерлар бўйича халқаро симпозиумлар республика химия фанини дунё миқёсида танитибгина қолмай, уни яна ҳам янги зафарларга чорлади. Бутуниттифоқ Менделеев номи химия жамияти таъсис этилганлигининг 120 йиллигига бағишланадиган съездини Тошкентда ўтказиш олимларимизнинг эзгу нияти эди. Бу илмий жамият ташкил топиши ва ривожланишида Д. Менделеев, Н. Зинин, В. Вернадский, А. Ферсман, А. Бутлеров, Н. Семёнов, С. Вольфович каби буюк сиймолар фаол қатнашган. Химия фани ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилган съездлар Москва, Ленинград, Киев, Боку, Олмаота шаҳарларида ўтказилган. Тошкент шундай съездини ўтказишга деярли 20 йил давомида даъвогар бўлиб келди. Ниҳоят, СССР Фанлар академияси Бутуниттифоқ Кимёгарлар жамияти билан ҳамкорликда навбатдаги XIV съездини Тошкентда 1989 йилнинг сентябрь ойида ўтказишга қарор қилди. Бу биз учун катта ишонч, ҳам катта масъулият.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Полимерлар химияси ва физикаси институти ушбу анжуманни муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кўрмоқда. Жумладан, институтимизнинг ёш олимларидан, химия фанлари кандидати Ж. Авлянов анилиндан электрохимиявий оксидланиш воситасида полианилинни синтез қилди ва кўпчилик олимларнинг электр токи ўтказмаслик хусусиятига эга деган қарашларига зид ўлароқ, унинг ўтказувчанлигини исботлади. Полианилиннинг бу ажойиб хусусиятидан саноатда фойдаланиш навбатдаги вазифа, албатта. Зеро бу полимер асосида органик электроцит, сувсиз электролит ток манбалари — батареяларини яратиш электроника соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлса, сунъий тола ва пластмасаларни парчаланишдан асраш, уларнинг электрланишини йўқотиш халқ ҳўжалигига катта фойда келтиради.

Сўнгги йилларда ТошДУ олимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган тадқиқот ишларимиз ҳам диққатга сазовордир. Яқинда институтимиз қошида университетнинг Сунъий полимерлар кафедраси филиали очилди. Бу тадбир Фанлар академияси ва Халқ таълими министрлигининг яқдиллик билан иш олиб боришида янада янги имкониятлар яратади. Чунончи ТошДУ Умумий физика кафедрасида М. Маърупов ва факультет талабаларининг магнитлаш хусусиятига эга бўлган органик полимерлар — ферромагнитлар олиш устидаги тадқиқотлари шулар жумласидандир. Зеро гарчи шу соҳадаги тадқиқотлар мамлакатимиздаги турли илмий даргоҳларда олиб борилаётган бўлса-да, энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган ферромагнитлар Тошкент Давлат университетида ихтиро қилинган. Бу усулнинг тугал ечими олинган, келгусида юқори ечимли магнит ёзувлари, электрон ҳисоблаш машиналарининг янги авлодларини яратишда тенги йўқ ва ноёб материаллар бўлса ажаб эмас.

Умуман, полимерлар соҳасида сўнгги йилларда компо-

Юнонлар «Осрушана», «Согдиана», араблар «Мовароуннаҳр» деб атаган қадимий ўлкамиз — Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон замини жаҳонгир фотиҳларни ўзига жалб этиб келгани бежиз эмас. Зеро, нафақат бой маданият ўчоғи, шунингдек, турли давлатлар ўзаро иқтисодий алоқаларининг чорраҳаси бўлган бу юртда ҳунармандчилик, деҳқончилик равақ топиши асносида ибтидоий кон саноати ҳам ривож олди. Унинг «тупроғи олтин бўлиб чиқди».

Юнон тарихчиси Геродот Орол денгизидан то Нуротагача чўзилган Қизилқум чўлларида яшаган кўчманчи массагет қабилалари тўғрисида хабар берар экан, уларнинг турли тақинчоқ ва уй-рўзгор асбоблари олтиндан ясалганлигини ёзади: «Улар темир ва қумушни сира ишлатмайдилар, бироқ олтин ва мислари мўл». Ундан беш аср кейин яшаган географ Страбон ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

V—VI асрларга доир Хитой солномаларида Кан (Самарқанд) вилояти ва ундан шарқроқдаги тоғликларда олтин конлари борлиги таъкидланадики, бу Зармитон, Қорақўтон каби конларга ишорадир. Мазкур конлар

## ҚАДИМДАН

хусусидаги маълумот X—XI аср араб ва эрон олимлари Абу Исҳоқ Истаҳрий ва Ҳамдуллоҳ Қазвиний асарларида ҳам учрайди.

Умуман, ўрта асрларда кон саноати ривожланди. Қадимги Илоқ вилоятининг Шош шаҳри атрофида қўрғошин ва қумуш маъданли Лашкарак ва Оҳангарон водийсидаги темир, мис, қўрғошин ва олтин маъданли конлари ишлаб турган. Сартабуткон, Қўрғошинкон, Ақча конлари, Олмаликдаги ғор ва ўйиқлар ўша ибтидоий конлар ўрнидир. Чирчиқ, Қосон ва Сандалаш манзилларида эса сочма олтин конлари ишлаб турган.

XVII—XVIII асрларда ҳам ўлкамизда кон саноати ривожланган ва баъзи жойлардан олтин қазиб олинган. Масалан, Амударёнинг юқори ҳавзасидаги Дарвоза ҳамда Кўлоб манзилида, ўша даврларда 6000—7000 киши олтин ювиш билан банд бўлган ва йилига 40—50 пуд олтин ишлаб чиқарилган.

Туркистоннинг тоғ ва дарёларидан олтин зарралари элаб олинаётгани хусусидаги «миш-мишлар» савдогар ва элчилар орқали хорижий мамлакатлар, жумладан Россияга ҳам етиб боради. Рус элчиси Флорно Беневе Пётр I га йўллаган ахборотида шундай дейди: «...тоғларда олтин ва қумуш қидириш қатъиян ман этилган ва барча конлар яқинида доим қоровуллар туради». Бошқа бир хабарда, Туркистоннинг Россиядаги элчиси Хожя Нафас шундай деган: «Амударё суви ўзи билан соф олтин зарраларини Орол денгизига олиб келиб қўяди. Орол бир вақтлар Ўзбой орқали Каспий денгизи билан туташган эди. Бу туташиш жойи кейинча, дарё сувидаги олтинни ўзгалардан сир сақлаш учун маҳсус дамбалар билан бекитилган». Пётр I бу маълумотларни аниқлаштириш мақсадида Бухоро ва Хива хонликлари тасарруфидаги Қизилқум чўлига 1716 йили князь А. Бекович—Черкасский бошчилигида 6 минг



ТошПИ талабалари амалий машғулот ўтказишмоқда.

зит материаллар соҳасида кўзга кўринарли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бизнинг институтда ёш олим, физика-математика фанлари кандидати Н. Ашуров томонидан олиб борилаётган тадқиқот капролактандан анорганик тўлдиргичлар қўшиб ёки анион полимерланиши воситасида полиамидлар олиниши эътиборга сазовордир. Бу сифатли, иссиқ ва химиявий барқарор конструкцион материаллар Тошкентдаги Лак-бўёқ Тўқимачилик машинасозлиги ва «Алгоритм» корхоналарида яратилаётган янги техникалар учун асос бўла олади.

Химия фанлари кандидати Н. Абдувалиев иккиламчи хом ашёлардан полимер буюмлар олиш борасида яхши натижаларга эришди. Маиший турмушда ҳамisha асқатадиган полимерлардан бири — поливинилхлорид ишлаб чиқарилиши 2000 йилга бориб 15 миллион тоннага етказилиши



## ЎЗССРФА ИНСТИТУТЛАРИДА

кўзда тутилган. Ундан водопровод ва канализация қувурлари, сунъий чарм, рангдор линеолеум каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Унга қўшилаётган моддалар зарарсиз ва иқлим ўзгаришларига бардошли бўлиши ҳам керак. Абдувалиев шундай қўшилмани ёғ-мой заводларининг чиқиндиси — саобетондан олиш усулини яратди.

Шу йўналишдаги ишларнинг катта бир қисми Тошкент Политехника институти олимлари профессор А. Жалилов, химия фанлари кандидати Э. Фатхуллаев томонидан амалга оширилди. Шу бондан ҳам илмий изланишлар ва амалий ишларни тезлаштириш, малакали инженерларни тайёрлашда бор имкониятлардан фойдаланиш мақсадида институтимиз ва Тошкент Политехника институти ўртасида кўп томонлама илмий ҳамкорлик шартномаси тузилди. Эндиликда олий ўқув юрти ўқитувчилари, илмий ходимлари тадқиқотларни, юқори курс студентлари ўз практика ва диплом ишларини илмий тадқиқот институти қошида ўтказишмоқда.

Полимерлар химияси устида сўз борар экан, унинг истиқболлари ҳақида шунини айтиш керакки, Д. И. Менделеев Даврий жадвалининг бор-йўғи 8—10 элементидagina полимерлар ҳосил қилиб келингани ҳолда ўша жадвалнинг камида яна 70 таси полимерлар химияси қаторидан ўз ўрнини олишини пойлаб турибди.

Яқин келажакда ҳали кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган янги композит материаллар ва химиявий бирикмалар топилса ажаб эмас, унда замонавий техника учун янгидан-янгини хом ашёлар яратилади ва улар ишлаб чиқариш корхоналарида ўз ўрнини олиши шубҳасиздир.

Мирҳожик АСҚАРОВ,  
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг  
муҳбир аъзоси, Полимерлар химияси ва  
физикаси институтининг директори.

## МАЪЛУМ ЭДИ...

кишидан иборат ҳарбийлашган экспедиция юборади. Ана шу экспедиция ҳозирги кунда Каспий бўйида қад кўтариб турган Красноводск шаҳрига асос солган. Лекин Черкасский мўлжалдаги манзилга етиб келолмайди. Чунки уни Хива хони Шерғоziхон ўта айёрлик билан қўлга тушириб бошини танасидан жудо қилади, экспедиция барбод бўлади. Лекин, Каспий билан Орол ўртасидаги «дамбалар» сирини олимлар ошкор этишга улгуришади. Мазкур «дамбалар» ҳосил бўлиши қуйидагича кечган. Табиий куч — ер қимирлашлари тўфайли Ўзбойни кесиб ўтувчи ёриқлар бўйлаб ер қатламларининг силжиши натижасида Каспийнинг шарқий қирғоғи Орол атрофида нисбатан кўтарилган.

XIX асрда Урта Осиёда дастлабки геологик изланишлар бошланади. Машхур рус олимлари И. Мушкетов, П. Семёнов-Тяньшанский, Н. Северцев, Г. Романовский Урта Осиёнинг

геологик тузилишини тадқиқ этишди ва геологик харитасини тузишди.

А. Андреев 1912 йили тузган «Рус Туркистони фойдали қазилмалари каталоги»да Туркистон ерида туб олтин конлари топилиши мумкинлиги қайд этилади ҳамда Чирчик, Косонсой, Фарғона, Самарқанд атрофларидаги бир неча сочма олтин конларини таърифлайди. Бошқа бир рус олими В. Вебер 1917 йили яратган «Туркистон қазилма бойликлари» асарида шундай деб ёзади: «Ҳозирги вақтда биз билан маъдан конларининг деярли барчаси ерлик аҳолига руслар келмасидан аввал маълум эди ва... бундан кейинги янги конларнинг топилиши эҳтимолдан узоқдир». В. Вебер бир жиҳатдан маҳаллий аҳолининг қазилма бойликлари билан қадимдан шугулланиб келганини яна бир бор тасдиқласа-да, айни вақтда янги олтин конлари топилишига шубҳа қилади. Яъни, у қадимгиларга маълум бўлган конлардан бўлак конлар


очилиши мумкин эмаслигини таъкидлаб, Туркистон ер ости бойликлари хусусидаги маълумоти нақадар тор ва юзаки эканлигини билдириб қўяди.

Дарвоқе, эллигинчи йилларга келиб Ўзбекистон геологлари қадимги олтин конларини топиб ишга тушириш билангина чекланиб қолмай, балки мутлақо янги конларни ҳам топишди. Д. Богданович, А. Соседко, Н. Петров, Б. Грозин, И. Ҳамрабоев, Р. Бадалова каби тадқиқотчилар, шу жумладан ушбу сатрлар муаллифи бу борада жонбозлик кўрсатишди. Бу вақтга келиб Ўзбекистонда олтин конлари борми ёки йўқми, деган муаммо кўндаланг турарди.

Кези келганда шунини айтиб ўтиш зарурки, Б. Наследов, А. Королев, Ҳ. Абдуллаев каби олимларимиз Тяньшань тоғ системасида конларнинг камар ҳосил қилиб жойлашиш қонуниятини кўрсатиб бердилар. Жумладан, А. Королев Урал тоғида Тяньшанга қадар Буюк олтин камар мавжудлиги тахминига асос солди. Мазкур камарнинг ғарбий Ўзбекистон қисмини тадқиқ ва таҳлил этиш академик Иброҳим Ҳамрабоев зиммасига тушган эди. Олим чу-

(Давоми 13-бетда)

# “БҮРОН”-БҮРОН АРАФАСИДА



Игорь Петрович Волк ҳозиргина тез учар самолётдан тушди. Унинг эғида увадаси чиқиб, титилиб кетган жигарранг чарм камзул. У барча кўрсатмаларда қатъиян тақиқланган бўлишига қарамай, самолётни «жони чиққунча» роса учирди, хатарли парвозлар қилди.

У менга қовоғини осилтирганча, ер остидан, жаҳл аралаш тикилиб қолди. Волкнинг кўзидан ниҳоятда чарчагани ҳам, асабийлашаётгани ҳам шундоқгина кўриниб турарди. Гарчи, бу учрашувага норизолиги нигоҳидан яққол акс этаётган бўлса ҳам, у менга индамади: матбуот юзини ҳеч қачон кўрмайдиган шу суҳбатнинг нима кераги бор ўзи! Борди-ю, мақола эълон қилинган тақдирда ҳам унга яна бир ташвиш, фақат дилхираликдан бошқа нарса бўлмайди. Космонавт мен билан учрашишга ваъда берган экан, сўзининг ўстидан чиқмаслиги мумкин эмасди. Саволларга эса очиқ-ойдиқ, ҳеч бир нарсани яширмай жавоб қайтара бошлади.

Волк ўзини аямайди, қора терга ботгунча ишлайверади, ишлайверади, деб айтишгани менга. Назаримда, бу таъриф тўлиқ эмасди бу одамга исбатан. У нафақат ишда, балки ҳаётда ҳам шунақа, тиниб-тиничмаган. Унинг иш куни кўпича 14—15 соатга чўзилади. Аэродром, заводлар, конструкторлик бюроси, турли ташкилотлар, командировкалар. Шиддаткор замон, серташвиш ҳаёт. Ҳар ҳолда ёши ҳам бориб қолди — эллики қоралай бошлаган. Бу одам гўё ўз организмни, ўз-ўзини, қанчалик қийинчиликка бардош бера олиши мумкинлигини синаётгандек — қанча зўриқини кўтариши мумкин, бунинг чегараси борми ўзи!

Волк билан кўп марта парвоз қиладиган «Бўрон» космик кемализ тўғрисида сўзлашамиз. Игорь Петрович «Бўрон»да парвоз этишга тайёргарлик кўраётган космонавтлар группасига раҳбарлик қилмоқда. Мазкур группа бундан ўн бир йил олдин — 1978 йили ташкил этилганди. Ушанда И. Волкдан ташқари А. Левченко, А. Шчукин, Р. Станкявичюс, О. Коконенко каби синовчи-учувчилар бу группада бор эди. Афсуски, шулардан уч нафарининг ҳаёти фожиа билан тугади. Самолётни синаш пайтида 1978 йили О. Коконенко ва ўтган йили А. Шчукин ҳалок бўлишди. Бултур отряднинг яна бир аъзоси, СССР космонавт-учувчиси А. Левченко космик парвоздан бор-йўғи сакинз ой ўтганидан кейин оғир хасталик туфайли оламдан ўтди.

— Ҳозир бизнинг группамизда, — деб ҳикоя қила бошлади Волк, — етти киши бор: булар синовчи-учувчилардан Р. Станкя-

● Коинотни забт этиш ҳамон давом этмоқда.  
● Мақолада айтилган кўп гаплар яқингача сир эди  
● «Бўрон»дан олдин қанча кема учирилган! ● Янгилек қурбонсиз бўлмайди ● Янги кема қанчага тушди!

вичюс, М. Толбоев, У. Султонов, В. Заболотский, С. Тресветский, Ю. Шеффер ва мен. Тайёргарлик программасига нималар кирарди! Ҳозирча аниқ экипаж, яъни асосий ва дублёрлар ёки эндиликда биринчи ва иккинчи деб юритиладиган группа тайинланган эмас, ҳаммамиз самолётни синаш билан бандмиз. Бу кўп марта парвоз қиладиган кемада учишга тайёргарлик ишида энг муҳими ҳисобланади. Фақат шу зайлдагина иш қобилиятини сақлаб туриш, малакани сайқаллаш, синовчи-учувчиларга хос сифатларни йўқотмаслик мумкин.

Синов чоғида қутилмаган шундай ҳодисалар ҳам содир бўладики, машқ пайтларида буларни олдиндан билиш мумкин эмас. Учувчи мураккаб ҳолатларни бошидан кечирар экан, тажриба ва малака орттиради, оғир шаронгдан чиқиб кетиш йўлларини тезда топишга ўрганади.

Одатда оғир шаронгга тушиб қолган учувчи қандай бўлмасин ундан тезда қутулишни ўйлайди. Бу, табиий ҳол. Биз синовчиларда эса аксинча: қандай қилса вазият яна мураккаблашади, чигаллашади! Бироқ бу ҳаракатлар сохта ботирлик, ўйламасдан таваккалчилик қилиш эмас — бу гирт телбалик бўлур эди. Мақсадимиз — аниқ ҳисоб-китоб, техникани ўрганиш, уни эгаллаш, шиддат билан ўзгараётган шаронгнинг тездан таҳлил қилиш ва кейин нима содир бўлишини тасаввур этиш, — шунинг учун биз оқилона таваккалчиликка борамиз, яширин сир-асрорларни очиб, уларни бартараф этиш йўлларини излаймиз. Шунинг учун «Бўрон»да парвоз қиладиган синовчининг тажрибаси ниҳоятда асқатади.

Бизнинг группамиз назария билан ҳам шугулланади, кўп марта парвоз қиладиган кеманинг конструкциясини ўрганади, махсус машқларни бажаради, ҳуллас ҳаммаси рисоладагидек. Лекин синов ишларига алоҳида эътибор бераймиз.


— Бироқ, бу қўшимча хаф-хатар-ку! Кўп марта парвоз қилувчи кемада учишга тайёргарлик кўраётганлар учун шу керакми!

— Парашютда одатдаги сакраш чоғида ҳам хатар бор... Синовчининг касби шунақа — у самолётни синаши керак. Бу унинг учун ҳаёт мазмуни. У қанақа синовчини, янги техникани синай олмаса! Албатта, экипаж аниқлангандан кейин, улар синов учишларидан вақтинча дам олишади. Вақтинча, холос...

Волк «шунақа гаплар» дегандек тиззасига уриб қўйди. Мен эса унинг синов парвозларидан бирини эсладим. Ушанда янги самолёт учиб йўлиқсидан гизиллаганча кетиб, осмонга кўтарилганда ғилдиракдаги резина ажралиб, ерда қолганди. Ердагилар Волкни сакрашни буюришди. Резина қопламаси бўлмаган темир ғилдирак билан самолётни қўндириш мумкин эмасди. Ҳар домидагидек ўжар Волк бутун масъулиятни бўйнига олди ва самолётни эсон-омон қўндирди. Э-ҳе, бунақа воқеалардан қанчаси бўлган.

Яна «Бўрон»га қайтайлик. Афсуски, бизда кўп марта учадиган кема яратилган қачон яришилгани тўғрисида олдинлари хабар қилинмаган эди. Шу ҳақда сўзлаб беришни И. Волкдан сўрадим.

— Олтмишинчи йилларнинг биринчи ярмида мамлакатимизда янги аппарат яратишга киришилди, бу кўп марта учадиган кема яратиб йўлидаги дастлабки қадам эди. Мана шундай тажриба самолётларидан бири, айттайлик, анча катта машинага тиркаларди, 8—10 километр баландга кўтарилганда самолёт ажраларди-да, мустақил парвоз қилиб, кейин ўзи қўнарди. Мен ҳатто мана шунақа моделда учиб кўрганман, аэродром атрофида бир оз парвоз қилиб, бир неча секунддан кейин қўнганман.



Жуда кўплаб жумбоқлар бор эди. Шулардан бири — иссиқликдан ҳимоя воситаси. Айтилик, самолётнинг тумшуги бир ярим минг даража ҳароратга ҳам бардош бериши керак. Ерда ўтказилган талай тадқиқотлар ва тажрибалардан кейин аниқ шаронтувчи текширув ўтказилди. «Бўрон»нинг ҳозиргидан анча фарланувчи дастлабки модели 1982 йилнинг 4 июнида учирилди. Кейин космосга шунча кемалардан бири-кетин, аниқроғи 1983 йилнинг март — декабрь ойларида, 1984 йил декабрида учирилди. Шулар натижасида энг мақбул ечим топилди. Кема кўриниши сигаретсимон, узунчоқ бўлиб, охирида уч бурчакли қанот бор. Кема корпусига «СССР» деб ёзилган.

Булар биринчи совет ҳаво-космик ўқиш аппаратлари бўлиб, фанда талай янгиликлар, кашфиётлар тўғилишига сабаб бўлиши билан баробар, иссиқликдан ҳимоя қилишда плиткалардан фойдаланиш усули яратилишига туртки берди.

— «Бўрон» парвозига қадар шунга ўхшаш аппаратлар атмосферага бир неча маротаба парвоз қилган. Уларни ким бошқарган! Парвоз қандай ўтган!

— Маълумки, «Бўрон»да Американинг «Спейс Шаттл» кемаси сингари атмосферада ўқиш учун самолёт двигатели йўқ. У Ерда худди планёр сингари қўнади. «Бўрон»нинг ракета двигателлари атмосферадан ташқарида, фақат космосда ишлайди. Шунинг учун кемани ҳавода синаш учун унга тўртта турбореактив двигатель ўрнатилди, улар кема оддий самолёт сингари аэродромдан кўтарилиб яна қўниши учун имкон туғдирди.

«Бўрон»нинг мана шунга ўхшаш нусхасини ҳавога кўтариш биринчи бўлиб мен билан Римас Станкявичюсга топширилди. Бу воқеа, эътибор беринг-а, ноябрь байрамидан олдин эмас, балки кейин содир бўлди. Назаримда синовни атайлаб тантанали кунларга эмас, балки байрамнинг эртасига белгилашганга ўхшайди, биласиз-ку, олдинлари атайлаб шунча қилинарди. Хуллас, 1983 йилнинг 10 ноябрида биз Римас билан «Бўрон»нинг «аждоди» кабинасидан жой олдик.

— Бундай машина ҳали бирон марта парвоз қилмаган, ўзини қандай тутати деб ҳаяжонлангандирсиз, эҳтимол!

— Ҳаяжонланиш ишга фақат ҳалақит беради. Боя айтдим-ку, янги машинани парвозда синаш меннинг вазифам. Уйлайманки, бизнинг роса омадимиз бор экан. Тажриба самолётини биринчи бўлиб учуриш — бу ҳамма синовчиларнинг орзуси, лекин бундан амалий иш давомида бундай бахт nasib этмайдиганлар ҳам талай.

Учишга рухсат олганимиздан кейин, ўқиш йўлкасидан кутарилдик, минг метр баландликка чиққанимиздан кейин бир марта айландик ва яна ўз жойимизга қўндик. Парвоз ҳаммаси бўлиб 12 минут давом этди. Бизни жуда илқиб кутиб олишди. Ҳатто қизлар гулдаста тақдим қилишди. Умуман, ҳар донм ҳам бундай кутиб олишармайди.

— Иккинчи парвоз-чи!

— У ҳам байрам тантаналаридан кейин, 1986 йилнинг 3 январда рўй берди. Парвоз бу гал 36 минут давом этди. Учинчи гал 27 май кунини парвоз қилдик. Ҳаммаси бўлиб 24 марта учдик. Охириги ўтган йилнинг 15 апрелида, «Бўрон»нинг ҳақиқий парвозидан етти ярим ой олдин бўлганди. Бу давр ичида «Бўрон»га ўхшаш кемада Толя Левченко, Саша Шчукин, Иван Бачурин, Алексей Бородайлар учушди.

Мана шу парвозлар чоғида, энг аввал, кўп марта парвоз қиладиган кема системалари билан аэродром радиотехника воситаларининг ўзаро боғлиқлиги синаб кўрилдики, булар кеманинг автоматик қўниш системасини текширишда жуда зарур тадбир эди.

— «Бўрон»га ўхшаш кемада парвоздан ташқари бошқа синовлар ҳам ўтказилдим!

— Албатта, жуда кенг кўламда. Масалан, махсус синов стендаларида «Бўрон»нинг асбоб-ускуналари, мосламалари ўрнатилганди. Бу ерда худди парвоз пайтидаги ўхшаш аниқ шаронтувчи яратилди. 1400 дан зиёд марта мана шундай «парвоз»ларда учдик.

Бошқа стендада экипаж машқ ўтказди. Бундай машғулотларга жами 3200 соат вақт кетди. Учувчилар «Бўрон»ни бошқариш сирларини ўрганибгина қолмасдан, кўп марта парвоз қиладиган кеманинг бошқарув органларини синовдан ўтказишди, уларни баҳолашди ҳам.

Учар лабораториялардаги синов парвозларининг кенг программаси ҳақида алоҳида тўхталмоқчи эдим. Худди мана шу лабораторияда автоматик қўнишнинг мураккаб системаси ҳаётга йўланма олди, учмиш — қўниш йўлкасига яқинлашганда манёврчанлик имкониятлари, шунингдек, ер комплекси билан борт аппаратларининг ўзаро уйғунлигида ишлаши текшириб кўрилди. Бу ишларни амалга ошириш учун ТУ-154 ва МИГ-25 самолётлари танлаб олинди. Шаклига кўра, шунингдек, парвоз пайтида ўзини туттиши билан ҳам ТУ-154 «Бўрон»дан кескин фарқланади. Кўп парвоз қиладиган кема Ерда анча яқинлашганга қадар тик тушаверади ва қўниш йўлкасига яқинлашиб қолгандагина текис уча бош-



## ИНСОН ВА КОИНОТ

лайди. ТУ-154 бундай уча олмайди. Шунинг учун унинг аэродинамик кўрсаткичларини бутунлай ўзгартиришга тўғри келди.

Синов пайтида учар лабораториялар ҳавога минг мартага яқин кўтарилди. Бир неча маротаба автоматик режимда қўндирилди. Учар лаборатория иккунта бошқарув системасига эга — биттаси ўзиники, яъни самолётники, иккинчиси «Бўрон» системасиники. Кўп марта парвоз қиладиган кеманинг автомат системасида синаш пайтида кўтилмаган қийинчилик пайдо бўлиб қолса, биз оддий самолётнинг бошқарув системасига ўтардик.

Синов училари Парвоз-тадқиқот институтида ва Бойқўнғир космодромида, «Бўрон» қўнган худди ўша йўлкада амалга оширилди.

И. Волк оdatи бўйича иш моҳиятини қисқа баён қиларди. Бироқ, ҳар қандай учувчи минг марта парвоз — бу жуда кўп деган бўларди. Ҳар бир ўқиш олдида пухта тайёргарлик кўрилар ва кейин у атрофлича таҳлил қилинарди. Бундай ўта зўриқиб ишлаш синовчи-учувчилардан фидойиликни талаб этарди. Парвознинг муваффақияти уларнинг ишбилармонлиги, маҳорати, тажрибаси, парвоз чоғида мураккаб системалар ишини аниқ бошқара олишига боғлиқ эди. «Бўрон»нинг муваффақиятли парвози самолётсозлик саноатимизнинг, синовчи-учувчиларимизнинг галабаси эди.


И. Волк — нафақат биринчи даражали синовчи, СССР космонавт-учувчиси [1984 йили 12 суткалик парвозда қатнашган], айни чоғда юқори малакали ижтимоий, кўп марта парвоз қиладиган кема тузилишининг барча сир-асрорини, ҳамма икки-чакирини билладиган мутахассисдир. Шу бонсдан ҳам «Бўрон»нинг кейинги парвози бошқариладиган ёки бошқарилмайдиган бўлиши тўғрисида Волкнинг фикрини биллиш аниққа муҳим эди.

— Дастлабки ютуқдан эсанкираб қолмаслик керак, турли система, агрегатлари баҳолашда талабчанликни бўшаштириб юбориш ярамайди, — дейди Игорь Петрович. — Маълумки, коинот лоқайдлики кечирмайди. Назаримда, «Бўрон»ни одам бошқарадиган даражага кўтариш учун яна талай ишларни амалга ошириш зарур. Эҳтимол, парвознинг мураккаб программасини олдинга автоматик режимда синаб кўрган маъқулдир. Шунда одам бошқарадиган пайтда алоқада бўладиган барча системаларни синаб, текшириб кўриш керак.

— Баъзида, «Бўрон»га ўхшаш ўта қиммат кемалар нима учун керак! — деган фикрлар қўлоққа чалиниб қолади.


— Тараққиётни тўхтатиб бўлмайди. Кўп марта парвоз қиладиган кема сўзсиз керак. Фақат, ундан оқилона, аниқ мақсадда фойдаланиш зарур.

В. ГОЛОВАЧЕВ  
(«Труд» газетасидан олинди.)



### «БҮРОН» ҚАНЧА ТУРАДИ!

Универсал «Энергия» ракета-космик транспорт системаси билан «Бўрон» орбитал кемасини учуриш Давлат комиссиясининг раиси шундай дейди: «Шаттл» программасини ишлаб чиқиш 10 миллиард доллар, ҳар бир парвозни амалга ошириш тахминан 80 миллион долларга тушади. Бизнинг «Энергия» ва «Бўрон»ни тайёрлашдаги харажатларимиз америкаликларники билан деярли баробар».



# ЎЧМАСИН

## ФАЗОВИЙ

## УЙЛАР

## ЧИРОҒИ

### ЕХУД КОСМИК СТАНЦИЯЛАРДА ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ

Космик техникага Ер атрофи орбитасида жуда оғир шароитларда ишлашга тўғри келади. Ута юқори вакуум, ҳароратнинг юзлаб даражага кескин ўзгариши, метеорит хавфи, вазнсизлик ва ҳоказо шу жумладандир.

1984 йил октябрида учинчи асосий экспедиция (Л. Кизим, В. Соловьев, О. Атьков) ўз ишини тугаллаб, Ерга қайтишда «Салют-7» станциясини консервация қилиб келган эди. Бундан кейин беш ой мобайнида станция билан Учишни бошқариш маркази ўртасида фақат назорат радиоалоқаси олиб борилди. Сўнг бирданига станция «гойиб бўлди». Ердан йўлланган ҳар қандай сигналга ундан ҳеч қандай жавоб йўқ эди. Қисқаси, улкан илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга мўлжаллаб орбитага чиқарилган станциянинг буткул «йўқолиши» аниқ эди.

Ҳар хил тахминлар туғилди. Умуман, станцияга энергия бериляптими! Енгин ёки герметизация бузилиши оқибатида радиоаппаратлар ишдан чиқиб қолганмикан! Мутахассислар кенгашиб, станцияни топиш учун Ердан кема юбориш керак, деган қатъий қарорга келишди. Экипаж аъзолари қилиб В. Жонибеков ва В. Савиних танлаб олинди.

Станцияда юз бериши мумкин бўлган барча ҳолатлар кўзда тутилди. «Салют-7»ни «жонлантириш» юзасидан ҳар хил вариантдаги амалий иш-

лар программаси илмий асосда ишлаб чиқилди. Фазогирлар ҳам орбитада учраши тахмин қилинган барча вазиятларда ишлай олиш учун махсус тайёргарликдан ўтказилди.

Ва ниҳоят, 1985 йил 8 июнда «Союз-Т13» кемаси орбитага чиқарилди. Учишнинг иккинчи кунини Ер соясидан чиқиш пайтида фазогирлар 10 километр масофада қуёш нурида «Салют-7» станциясини кўра олишди. Оптик приборлар ёрдамида станциянинг аниқ координатасини белгилашга муваффақ бўлинди. Унга 2,5 километр қолганида экипаж кемани қўлда бошқаришга ўтади.

Жонибековга аввалига қуёш панеллари тўғри жойлашгандек туюлган эди. Лекин кейинчалик улар ўзаро 70—90 даражага (аслида улар битта текисликда жойлашиши керак эди) бурилганлигини пайқади. Демак, станциянинг энергия таъминоти ишдан чиққан экан. Кема яқинлашиб, станция айланиб туришига қарамасдан унга туташтирилди. Ичкарига кирган фазогирларни у сокинлик билан кутиб олди, лекин бу суқунат тажрибали экипажни хотиржам қила олмасди.

Станциянинг ишчи бўлмаси совуқ қоронғи, иллюминатор ойналари қиров билан қопланган эди. Розеткаларда кучланиш йўқ, аккумуляторлар зарядсизланиб қолган. Энергия билан таъминлаш ва автоматика системалари ишдан чиққан. Идишлардаги

сувгача музлаб қолган. Ҳаво янгилаш системасининг ишламаслиги ҳам аҳволни оғирлаштирарди, чунки бусиз станция ичида узоқ муддат ишлаш мумкин эмасди.

Аввалига вақтинча вентиляция системаси ишга туширилди, станция кема энергияси билан таъминланди. Космонавтлар исиниш ва тоза ҳавода нафас олиш учун кемага қатнаб туришди. Станциянинг энергетик системасини зудлик билан қайта тиклаш зарур эди. Лекин қуёш нурлари қуёш батареяларини ёритиб турса ҳам, станция аккумуляторларига ток келмасди. Саккизта аккумуляторнинг ҳаммасини ажратиб олиб, бирма-бир текшириб чиқишга тўғри келди. Натихада иккита аккумуляторнинг ишламаётгани аниқланди. Мутахассисларнинг маслаҳатига кўра, экипаж аъзолари аккумуляторларни тўғридан-тўғри қуёш батареяларига улашди. Совуқ станцияда бир сутка ўтгандан кейингина биринчи аккумулятор қуёш батареясидан зарядлана бошлади. Яна бир неча соатдан кейин радиотелеметрик система ишга туширилиб, Ерга дастлабки информация юборилди.

Бироқ фазовий уйни чинакамига «жонлантириш» учун янада кўпроқ энергия талаб қилинарди. Шу пайтгача ҳамма энергия кема ҳисобидан сарфланиб келган, станциянинг қуёш батареяларини қуёшга йўналтириш системаси ишга туширилмаган эди. Бата-



реяларни маълум даражада буриш орқалигина қуёш нури уларга энг кўп миқдорда тушишига эришиш мумкин бўлди.

Ниҳоят, борт аппаратларининг электр таъминоти системаси нима учун ишламай қолгани ҳам аниқланди. Ток қуёш батареяларидан аккумуляторларга узатилмаётган, сабаби — бу функция бажарилишини назорат қилувчи датчик ишдан чиққан экан.

Орбитал станция тўла қувватда ишлаб кетиши учун қўшимча асбоб-ускуналар ҳам зарур эди. Ерда дарҳол юк кемасини учирришга тайёргарлик кўрилди. «Прогресс-24» юк кемаси 1985 йил 24 июнда орбитага чиқарилиб, «Салют-7» станцияси билан туташтирилди. Сўнгра экипаж аъзолари транспорт аппарати бўлмиш «Космос-1669»ни ҳам кутиб олишди. Натижада «Салют-7»нинг фаолияти тўла қайта тикланди ва ҳатто фазогирлар илмий-тадқиқот ишларини бошлаб юборди. Экипаж аъзолари очиқ космосга чиқиб, юк кемаларида олиб келинган қуёш панелларини қўшимча равишда улашга эришишди.

Шундай қилиб, ҳатто ер шаронтида ҳам бажарилиши қийин бўлган мураккаб иш космосда муваффақиятли бажарилди. Лекин шу ўринда бир савол туғилиши мумкин: космик техникани энергия билан таъминловчи қуёш батареялари қандай ишлайди!

Қуёш батареялари асосан яримўтказгич кристалллардан йиғилади. Яъни, кристаллар алоҳида ток манбаи бўлиб, уларни бир-бирига улаш орқали батарея ҳосил қилинади. Ҳар бир кристалл бир неча квадрат сантиметрли ўлчамга эга бўлган юпқа пластинка тарзида ясалади. Ток ҳосил қилишда заряд ташувчилар (яримўтказгичларда булар электронлар ва тешиклар) мавжуд бўлиши асосий шарт эканлиги бизга маълум. Яримўтказгич (асосан кремний) кристаллида заряд ташувчилар ҳосил қилиш учун унга бошқа элемент атомлари киритилади. Масалан, кремний кристалли юзасига бор ёки бошқа элемент атоми юпқа қатлам кўринишида юқори ҳароратда диффузия қилинади. Натижада битта кристаллда ҳар хил ўтказувчанликка эга иккита қатлам ҳосил бўлади. Шу иккита қатлам чегарасига ёруғлик (космосда эса қуёш нури) туширилиб ва иккита қатлам бир-бирига ўтказгич орқали улашиб, ёпиқ контур ҳосил қилинса, бу контур орқали ток ўтишини кузатиш мумкин. Ток қатламларнинг бирида иккинчисига нисбатан заряд ташувчилар кўпроқ бўлиши эвазига вужудга келади. Бунинг масалан, тўғондагига нисбатан ундан тошган сувнинг ҳаракати билан таққослаш мумкин. Заряд ташувчилар ўз ҳаракати учун зарур энергияни қуёш нури ҳисобидан олади. Шундай қилиб, қуёш батареяларида қуёш нуридан тўғридан-тўғри электр энергияси олинади.

«Салют» станцияларининг қуёш батареялари 60 квадрат метр майдонга

эга бўлиб, учта батареянинг ҳар бири қуёшга алоҳида-алоҳида йўналтириш мумкин. Уларнинг умумий қуввати 4,5 киловаттни ташкил қилади.

Космик экспедициялар давомида «Салют-7» станциясининг батареяларига панелларни қўшимча монтаж қилиш ишлари олиб борилди. Бу ишлар 1983 йили космонавтлар В. Ляхов ва А. Александров, кейинги йили Л. Кизим ва В. Соловьевлар томонидан амалга оширилиб, иккита батареянинг ҳар бирига иккитадан қўшимча панель уланган эди. Яна бир йилдан сўнг В. Жонибеков ва В. Савинихлар учинчи қуёш батареясига умумий майдони 10 квадрат метр бўлган иккита панелни очиқ космосда 5 соат мобайнида монтаж қилишга эришишди.

«Союз» станцияларининг аппаратларини эса майдони 14 квадрат метрли иккита қуёш батареяси энергия билан таъминлайди.

1986 йил февралда орбитага чиқарилган «Мир» илмий-орбитал станциясида узунлиги 30 метрли иккита («Салют»ларда учта эди) қуёш панели ўрнатилган бўлиб, уларнинг умумий майдони 80 квадрат метрни ташкил қилади. Улар ёрдамида станциядаги электр системасини 28,5 вольтли ўзгармас кучланиш билан таъминловчи аккумулятор батареялари зарядланади. «Мир» орбитал комплексининг электр станцияси қуввати икки марта оширилди. Натижада станциянинг Ер атрофида ҳар бир айланиш давридаги Ер билан узлуксиз алоқа қилиш вақти 10—25 минутдан 50—60 минутга етди.

Ҳозирги вақтда панель кўринишидаги қуёш батареялари кенг миқёсда ишлатилмоқда. Улар ўзаро шарнирлар орқали бирлаштирилган бир неча панеллардан иборат бўлиб, ҳар бир панель капрон тўр тортилган металл каркасдан яратилади. Капрон тўрға юқорида айтиб ўтилган яримўтказгич пластинкалар ва уларни бир-бирига улайдиган ўтказгичлар маҳкамланган.

Станция бортида қўшимча энергия билан таъминлаш мақсадида, масалан, асосий батарея ишдан чиққанида ёки Ерга қайтиш пайтида, резерв батареялар ишлатилиши мумкин. Шунингдек, электрохимиявий генераторлар — химиявий реакциялардан электр энергияси ишлаб чиқарувчи қурилмалар ҳам ишлатилмоқда.

Келгуси ўн йилликда 15—20 йил ишлашга мўлжалланган орбитал космик станцияларни учирриш белгиланганки, уларнинг вазни 150 тоннагача, узунлиги эса 100 метргача етади («Мир», «Квант» ва «Союз-ТМ2») орбитал комплексининг вазни 51 тонна, узунлиги эса 35 метр эди). Келажакда космик техника янада мукамаллашиб бораверади, инсон меҳнат қилиши учун янада хавфсизроқ шартшароит яратилади. Бунда эса фазовий уйланишнинг энергия таъминоти янада ишончлироқ бўлавериши табиийдир.

Урозғали КНАЗБОВ,  
инженер-электрончи.



## ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА



## ҚАЙДАН

## КЕЛДИНГ

## МАЙНАХОН

Мана бир неча йиллардан бери, ўлка-мизда пайдо бўлган янги қуш — майна, ҳамманинг эътиборини ўзига қаратмоқда. Аввалига бу чиройли сайроқи қуш онда-сонда учраб тургани учун барчага манзур эди, кейинчалик у кўпайиб қолди ва гала-гала бўлиб атрофга шовқин-сурён сола бошлади. Энди кишилар «бу қуш қаердан ҳам пайдо бўлди-я!» деб ажабланидиган бўлиб қолишди.

Майна Ўзбекистонда дастлаб 1912 йили Термиз шаҳри атрофларида пайдо бўлган. Бу қуш Жанубий Осиёда яшайди ва биз уни афғон майнаси деб атаймиз. 1914 йили баъзи кишилар Термиз шаҳрида майнанинг бола очганини кўришган. Кейинчалик бу қуш Сурхондарё областининг ҳамма районларига тарқаб, 1927—29 йилларда кўп учрайдиган оддий қушлар қаторига кириб қолди ҳамда аста-секин ўз ареалини шимолга қараб кенгайтира бошлади.

Майналар кўпроқ аҳоли яшайдиган жойларга мослашса-да, шу билан бирга чўл ва тоғларда ҳам кенг тарқалиб, 1000—3000 метр баландгача кўтарилган ва ҳамма ландшафтларни эгалламоқда.

Майналар дархат қавагига ин қурувчи баъзи қушларнинг уяларини тортиб олади. Шу сабабдан қишлоқларда ва тоғлик районларда кўплаб учрайдиган бойўғли ниҳоятда камайиб кетди. Баъзи бир қушлар улар билан озуқавий рақобатга дош беролмай қолди.

(Давоми 21-бетда)

# РЕСПУБЛИКАМИЗ «ҚАРЗДОР»МИ?

Кейинги вақтларда матбуот саҳифаларида республикамизнинг иқтисодий ҳаётига доир кўпгина масалалар юзасидан мунозаралар олиб бориляпти. Маъхум бўлган айрим масалаларга аниқлик киритилляпти. Мухбиримиз Хусниддин Нурмухамедовнинг ЎзССР Фанлар академияси Экономика институтининг хўжалик механизми ва баҳо белгилаш бўлимининг мудирини, иқтисод фанлари доктори Пўлат Носиров билан олиб борган кўйидаги суҳбати ҳам худди ана шу мавзуда.

— Партияимизнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси экономикага раҳбарлиқни тубдан ислоҳ қилиш масалалари бўйича ижодий мунозараларни янада авж олдириб юборди. Конференция ҳужжатларида экономикани қайта қуришга оид янги қондалар ўз ифодасини топти. Конференция резолюциясидаги: «Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, токи меҳнатқашлар республика ёки область қанча маҳсулот ишлаб чиқараётганини, унинг мамлакат экономикасига қандай ҳисса қўшаётганини ва ўзи қанча олаётганини яхши билишсин» деган талаби мутлақо янги ва ғоят муҳим талабдир. Бу борадаги фикрингиз қандай?

— Тўғри айтасиз. Ҳақиқатан, бу масаланинг янгича қўйилишидир. Бу ерда гап аввало регионал хўжалик ҳисоби хусусида бораляпти. Мазкур масалада иқтисодий маълумотлар ва ўлчовларнинг ғоят муҳим роль ўйнашини тўла идрок этиш керак. «Идора қилмоқ учун... ишлаб чиқаришнинг ҳамма шарт-шароитларини мукамал ва аниқ билиш керак», деган эди В. И. Ленин. Бу фикр нарх-наволарга ҳам тўла тааллуқлидир. Халқ хўжалигининг барча даражаларида қисқай олинадиган асосий иқтисодий маълумот ва ўлчов бу — нарх-наводир.

— Маълумки, пахта комплекси республика экономикасининг асоси ҳисобланади. Сўнги вақтларда матбуот ва оммавий ахборот воситаларида пахта комплексининг мамлакатимиз халқ хўжалигида тутган ўрни ва роли ҳақида унчалик ишончли бўлмаган фикрлар билдирилляпти.

— Сирасини айтганда, республикамиз халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари пахта ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш билан бевосита ёки бавосита боғлиқ. Республикада мамлакатимиз ва бир қатор хорижий эллардаги пахта етиштирадиган регионлар эҳтиёжини қондирадиган даражада қудратли пахтачилик машина-созлиги барпо этилган; ўғитлар, шунингдек ўсимликларни ҳамоя қилиш воситалари ишлаб чиқариш қувватлари ортаятти; зарурий мелiorация ишхотлари барпо этилган, пахта толаси, газлама, момиқ ва бошқа маҳсулотлар жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларига юборилляпти; пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати учун ишлаб чиқариладиган ускуналар ҳам умумиттифоқ аҳамиятга эришди, пахта комплексининг бошқа тармоқлари ҳам ривожланыпти.

Муайян ютуқлар билан бирга унинг ривожидида 80-йиллар бошига келиб турдош тармоқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда эҳдиётлар кучая борди. Сифат кўрсаткичлари муттасил ёмонлашаверди; пахта тозалаш саноатида — тола, уруғ, момиқ чиқиши камайди, озиқ-овқат саноатида — ёғнинг кислоталилиги ортди; тўқимачилик саноатида — ип ўртача номерининг, толадан ип чиқишининг, хом сурп ўртача пишиқлигининг пайсийиш кузатилди ва ҳоказо.

Пахтачилик моддий-техника базасининг янада ўсиши баробарида ундан келадиган фойда камай борди. Ўз навбатида, хўжаликлар ишининг хўжалик ҳисоби шароитлари тобора нобарқарорлашаверди, чунки қўлланмаётган меҳнат воситалари, ўғит ва бошқалар ҳажми, таннархининг муттасил ўса бориши хом ашё таннархининг ортшига олиб келди, харид нархлари эса узоқ вақт ўзгаришсиз қолди, буларнинг бари пахта хом ашёси етиштиришга бўлган моддий манфаатдорлиқни сусайтириб юборди, мамлакатнинг кўплаб саноат тармоқлари хом ашё базасининг ривожланишида номутаносибликни келтириб чиқарди.

КПСС XXVII съездида пахта комплексидаги йирик камчиликларнинг ошқор этилиши бу камчиликларнинг туб, энг яшовчан илдизлари иқтисодий, умуман хўжалик механизми соҳасида эканлигини таъкидлади.

— Пахта комплекси халқаро аҳамиятга ҳам молик-да, тўғри эмасми?

— Шундай. Ўзбекистоннинг пахта комплекси — мамлакатдаги деярли барча тармоқ ҳамда регионлар билан ўн минглаб бевосита ўзаро алоқаларга эга бўлган мураккаб кўп тармоқли территориял-ишлаб чиқариш соҳасидир.

Дарвоқе, республикамиз бу ерда ишлаб чиқарилаётган толаннинг 40 фоизини [СССР экспорт қиладиган толаннинг 80 фоиздан эъдини] хорижий мамлакатларга чиқаради. ГДР, ПХР, ВХР, ЧССР, БХР, РСР, Югославия ва Куба сингари мамлакатларда истеъмол қилинадиган толаннинг 30 процентдан то 97 процентгачасини совет пахтаси ташкил этади. Франция, Бельгия, Австрия, Англия, ГФР, Финляндия, Япония [17 процентдан 30 процентга қадар] каби ривожланган капиталистик мамлакатларнинг, айрим ривожланаётган мамлакатларнинг тўқимачилик саноатида пахтаимизнинг роли ортиб борапти, пахта комплексининг — пахта ёғи, момиқ, пахта терши ва тўқимачилик машиналари, тўқилган пахталарини йиғадиган ва пахта тозалайдиган машиналар ва бошқа маҳсулотлари экспорт қилинапти.

— Ҳозирги вақтда нарх-наво билан қизиқмайдиган бирон одамни учратиш қийин, шундай эмасми?

— Тўғри. Бугунги кунда нарх-наво масаласи энг долзарб масала бўлиб қоляпти. Бу ўринда шунинг таъкидлаш керакки, бунда мазкур ислохотнинг илмий асосланган назариясини ишлаб чиқиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу проблема борасида тобора кучайиб бораётган мунозаралар фақатгина илмий қарашлар плюрализми ижобий жиҳатларининг намоён бўлишигина эмас, балки планли нарх-наво белгилашни ислоҳ қилишни амалий рўйбга чиқаришнинг умум эътирофи этилган методология ҳамда принциплари йўқлигининг эътирофи ҳамдир. Мен пахта комплекси мисолида фақат дастлабки ишлаб чиқариш звеноларининггина эмас, балки йирик регионал комплексларни ҳам [ҳатто иттифоқдош республикаларга ҳам] ўз харақатини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш имконини берадиган баҳо белгилаш механизмининг қайта қуришга принципал ёндошнинг таҳлил этмоқчиман.

Пахта комплексида тарихан тартиб топган улгуржи ва харид баҳолари, транспорт баҳоси ҳар вақт ҳам ҳақиқий сарфийёт ва натижаларини акс эттиривермайдди. Фикримча, мутлақо янгича тарздаги пахта тершиш машиналарини ишлаб чиқиш ва кенг жорий этиш, захарсиз дефоллантларини технологик ўзлаштириш, Орол денгизининг экологик проблемаларини ҳал қилиш, мамлакатнинг пахтакор регионлари учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган кўплаб техник ҳамда социал-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш йўлидаги бошқармавий ва маҳаллий тўсиқларни худди шу тарзда эзоҳлаш мумкин.

Шуни таъкидлаш лойиқки, мавжуд ва лойиқланаётган корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичлари аввало хом ашё, материал, асбоб-ускуна, ёқилғи ва ҳоказоларнинг баҳо даражасига боғлиқ. Бу фақат жойлаштириш масаласигагина эмас, балки амалга оширилиши қўшимча капитал ва жорий сарфийётлар билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай тадбирларга ҳам тааллуқлидир.

Шунинг учун даставвал пахта комплексининг биринчи соҳаси тармоқларига кетадиган бутун сарфийётни аниқлаш ва шу тартибга киритиш лозим. Чунки, пахтачилик хўжалиқлари қишлоқ хўжалик техникасини саноатнинг улгуржи баҳоларидан арзонроққа олади. Масалан, СХУ—4 маркали универсал пахта сезляксининг улгуржи баҳоси 1500 сўм бўлса-да, у пахтачилик хўжалиқларига 950 сўмга сотилади. ХНП—1 маркали пахта тершиш машинаси бирлигидеги шундай тафовут 1790 сўмин ташкил этади. Минерал ўғитлар отказиб бериш ва қурилиш хизмати кўрсатиш ҳам худди шундай аҳволда. Республика миқёсида «нархлардаги бундай тафовутлар» юз миллионлаб сўмин ташкил этади ва уллар бюджетда, яъни давлат маблағлари ҳисобига қопланади.

Сугориш учун текнига бериладиган сув ҳам пахтанинг таннархида ўз ифодасини топиши керак, яъни сувга ҳақ тўлашни жорий этиш зарур. Сувнинг пуллилиги ижтимоий сарфийётни тўлиқ ҳисобга олишнинг зарурий шarti сифатида халқ хўжалиги аҳамиятигагина эга бўлиб қолмай, балки сувдан тежамкор фойдаланишнинг хўжалик ҳисоби воситаси сифатида ҳам муҳимдир. Ахир 1950—1955 йилларда республикада сувга ҳақ тўлаш амалда бўлган эди-ку. Бунинг натижаси ўлароқ ўшанда бир гектар экин майдонига сарфланадиган сув қарийб 40 процентга камайган эди.

Дарвоқе, ҳар йили ирригация ва ерлар мелiorациясига бюджетдан миллиард сўмга яқин маблағ ажратилади, яъни экономиканинг энг йирик тармоқларидан бири — сув хўжалиги бюджет ҳисобига иш олиб боради. Сувга ҳақ тўлашнинг жорий этилиши сув хўжалиги ташкилотларини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш ҳамда уллар ишининг самарадорлигини ошириш имконини беради. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан пахта теримига қўшимча меҳнат ресурсларини жалб қилишга кетадиган



## ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

халқ хўжалиги сарфиёти ҳам тўла ҳисобга олинмайди ва ҳам ашё таннархида тўла-тўқис ўз ифодасини топмайди. Ҳозирги вақтда бу сарфиётлар пахтачилик харажатлари таркибида ҳисобга олинмайди, балки халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг таннархига киритилади. Бунақанги харажатлар йилга 400 миллион сўми ташкил қилади.

Пахта етиштириш ва уни йиғиб олиш сарфиётларини баҳо механизми орқали бундай тарзда сунъий «камайтириш» партиянинг тежамкорлик ва иқтисод қилиш юзасидан тутган йўлига мос келмайди, аксинча бундай тадбирларни амалга ошириш йўлида тўқислар ҳосил қилади, корхоналар, биринчи навбатда пахтачилик хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини йўқотади, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг ички резервларини излаб топшига бўлган интилишларини сусайтириб юборади.

Масаланинг моҳияти пахта таннархининг ижтимоий жиҳатдан асосланган барча сарфиётларини ҳисобга олиш ёки ҳисобга олмастикда эмас, балки уларнинг бундан камаймаслигидадир. Зеро булар реал ва мунтазам ҳукм суриб келяпти, улар шунчаки расмий [баҳо] қобилигагина эмас, балки моддий-ашёвий моҳиятга ҳам эгадир. Худди шу боисдан мазкур сарфиётларни ҳисобга олиш, улар қайси соҳада вужудга келса ўша ерда, яъни пахтачиликда қайд этилиши лозим. Бизнинг яхлитлаштирилган ҳисоб-китобларимизга кўра, мамлакат халқ хўжалигининг пахтачиликни ривожлантириш ва юритишга сарфлайдиган барча харажатлари ифодаси унинг ялпи маҳсулоти таннархини 40 фоизга «оширади». «Баҳолардаги тафовутларни қоплашга бюджетдан сарфлангандан харажатлар шунча суммага қисқаради. Шуниси ҳам борки, бунда давлат манфаатлари зиён кўрмайди.

— Бунақада хўжаликларнинг шундоғам ночор аҳволи янада беш бадтар бўлиб кетмайдими?

— Бунчалик эмас. Пахтачилик ялпи маҳсулоти таннархининг «ўсмиши» харид нархларининг тегишлича орттирилиши йўли билангина қопланиши мумкин, афтидан бюджет сарфиётлари худди шунча суммага қисқаради. Шу боисдан пахта ҳам ашёси таннархида барча ижтимоий сарфиётларнинг эътиборга олиниши ва акс эттирилиши давлат ҳисобидан қўшимча маблағ сарфлашга олиб келмайди. Тавсияларимизнинг нечоғли асосланганлиги жаҳон бозорида паختанинг баҳоси ва таннархининг қисқалиши билан ҳам тасдиқланади.

— Пахта комплекси маҳсулотларининг баҳолари системасида Сиз яна қандай камчиликларни айта оласиз?

— Менимча, пахта тозалаш заводларидаги сарфиётларни ҳисобга олиш методикаси масалалари ҳам долзарб ҳисобланади: ҳозирги вақтда барча харажатлар пахта толасидандир, уруғлик, момиқ сингари мамлакат иқтисодисига дағдат муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар заводларида баҳоланмайди ва «қўшимча» маҳсулотлар туркумига киритилади.

Улгуржи баҳоларда транспорт харажатларини ҳисобга олишда ҳам ҳали ҳал бўлмаган масалалар кўп. Масалан, Ўзбекистон шаронтида ишлаб чиқариш структурасига таъсир кўрсатувчи хом ашёларнинг кўп рақам турлари ишлаб чиқариш районидан истеъмолчи районига бўлган барча транспорт харажатлари бадалига келтирилади. Айни вақтда пахта толаси ва бошқа хом ашё ресурслари худди шу тарзда, лекин минтақалар бўйича ажратмасдан юборилаверади. Бунинг натижасида, УзССР ФА академиги Иброҳим Искандаровнинг таъкидлашича, хом ашё базаси ақинида тўқимачилик саноати ривожланишининг иқтисодий афзалликлари бараварлашади, транспорт харажатлари қисқаришидан ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, тола истеъмолчиларининг ҳам моддий манфаатдорлиги кескин пасаяди.

— Республика иқтисодисининг давлатдан «қарздорлиги» ҳақида қандай фикрдасиз? Ахир бу ҳақда матбуотда кўп ёзилапти ва юқори минбарлардан туриб сўзланапти-да. Хўш, бунақада республикани хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш нима бўлади?

— Сиз баҳо белгиланишининг энг мураккаб масалаларидан бирини ўртага ташладингиз. Пахта комплекси проблемаларини муваффақиятли ҳал этиш, уни ва умуман Ўзбекистон ССР иқтисодисини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш унинг халқ хўжалик натижалари тўғри белгиланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Пахтачиликда яратилгандан соф даромадининг асосий қисми ҳозирги вақтда пахтадан газлама, ёғ, совун ва бошқа ниҳоявий маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари оборотидан олингандан солиқларга тааллуқлидир. Бинобарин, соф даромадин етиштириш ва реализация қилиш жойлари номувофиқдир.

Хўш, бу ҳол амалда нималарга олиб келади! Агар капитал маблағларни асослашнинг лойиҳавий ишланмаларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мавжуд харид нархларигагина асосланган, давлатнинг пахта экиш учун Мирзачўлни ва бошқа янги ерларни ўзлаштиришга миллиард сўмлаб сарфлашни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Пахта комплексида яратилган барча соф даромад тўла-тўқис ҳисобга олинган тақдирдагина ҳаммаси жой-жойига тушади: бунда капитал маблағлар иқтисодий самарали ҳамда объектив зарур бўлади.

Фақат СССР Сув хўжалиги министрлиги СССР Давлат план комитети билан келишган ҳолда тасдиқлаган «Ерлар мелиорациясига сарфлангандан капитал маблағларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси» гина бундан иқтисодидир. Ана шу методика бўйича 1 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашдан ўрта толали пахта бўйича 1230 сўм, ингичка толали пахта нави оборотидан эса 1800 сўм давлат бюджетига келиб тушади.

Мазкур методикага мувофиқ оборот солиғи пахтачилик самарасидан олиниб, унинг ҳажми 1 тонна пахта хом ашёси бўйича қуйидагичадир:

ўрта толали навлар бўйича — 410 сўм,  
ингичка толали навлар бўйича — 600 сўм.

Бинобарин, 1987 йилда етиштирилган ҳақиқий ҳосил оборотидан олинган солиқ, яъни республика ҳақиқийда ҳосил қилинган соф даромад 2,093 миллиард сўмни ташкил этди. Ана шу далилнинг ўзиёқ республика иқтисодисининг гўёки давлатдан «қарздорлиги» ҳақидаги фикрларнинг мутлақо асосизлигини исботлаш учун кифоя қилса керак.

Соф даромадининг бундай миқдорга эга бўлиши ҳамда уни тўғри ҳисобга олиб бориш туфайли ҳозирда ҳал бўлмаган турган илмий-техникавий ва бошқа ишланмаларни амалга ошириш, шу жумладан Орол денгизи қуриб боришининг салбий экологик оқибатларини бартараф этиш мумкин бўлур эди.

— Хўш, бунинг учун, Сизнингча, нима қилиш керак?

— Проблемани ҳал этишнинг тавсия этиладиган йўлларида бири соф даромадининг ўша қисмидан давлат бюджети тузишидир. Лекин бу бюджет тайёр маҳсулотлар обороти баҳосидан олингандан солиқ тарзида эмас, балки пахтачиликнинг рента тўловлари сифатида ҳосил қилиниши керак. Пахтачиликка татбиқан шу мақсадларда барча асосий фондларни, ер, сув ва меҳнат ресурсларини иқтисодий баҳолаш масаласини амалий жорий этиш даражасигача етказиш лозим.

Оборот солиғи ўрнига ер майдони бирлигидан рента тўловлари жорий этиш бир қанча афзалликларга эга: давлат бюджетининг шаклланиши анчагина барқарор ва кафолатли бўлиб, халқ истеъмолчи молларининг нормадагидан ортиқча тўпганиб қолишига боғлиқ бўлмайди, хўжалик юритиш, тупроқ муҳофазаси, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишининг хўжалик ҳисоби стимуллари кучаяди; пахта комплекси бўйича барча шерикларнинг тенг иштироки учун етарли шарт-шароит таъминланади.

Оборот солиғи ўрнига пахтачиликда рента тўловлари тарзида ортиқча даромадин ажратиш илгариги ҳажмларда давлат бюджетини шакллантириш имконини беради, лекин қанча нархларнинг ортишига олиб келмайди. Шундай қилиб, пахта комплексида баҳоларнинг такомиллаштирилиши — бу маҳаллий, регионал эмас, балки муҳим умумдавлат аҳамиятига молки масаладир.

Мавжуд нарх-наво нисбатларида пахта комплексининг роли ва ўрни, унинг халқ хўжалиги жиҳатидан самаралилиги, гарчи, ҳақиқатан, юқори потенциалга эга бўлса-да, етарли даражада ишончли равишда ифода этилмайди ва баҳоланмайди. Масалан, барча сарфиёт ва натижалар тўғри ҳисобга олинганда республиканинг ялпи ижтимоий маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 18 фоиздан 30 фоизгача, миллий даромад эса 15 фоиздан кўпроқ ортаган бўлур эди. Шу муносабат билан капитал маблағлар, асосий фондлар ва янги техниканинг [бу пахта комплексининг барча учала жабҳасига тааллуқли] иқтисодий самарадорлигини белгиланиши тармоқ методикасига тегишли ўзгартишлар юритишни тавсия этамиз.

Улчанадиган миқдорларни аниқ ифода этувчи улгуржи баҳолар системасини тузиш — «юқоридан» — мақбул суръат ва структуралар, ривожланиш йўналишлари ва ҳоказоларни танлаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ўстириш учун шароит яратлади. Шу йўсинда регионни ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш учун шароит вужудга келади.

Тўғри, баҳолар системасини ислоҳ қилишнинг кўрсатиб ўтилган йўллари амалга ошириш анчагина мураккаб ва сертармоқ масалани, уни муваффақиятли ҳал этиш муайян вақт ва психологик қайта қуришни, халқ хўжалиги мутахассисларининг тегишли иқтисодий тафаккурини шакллантириш, уларнинг малакасини оширишни талаб қилади.

Ҳа, КПСХ VII съезиде таъкидланганидек, улкан ва мураккаб экономикали мамлакатимиз шароитида хўжалик механизмининг қайта қуриш учун вақт ва куч-қувват керак. Қийинчиликлар, янгилиқлар ҳам истисно этилмайди.

# ЭЛИМИЗ ДАРДУ

## ҚУВОНЧИ — ТИЛИМИЗ

Журналимизнинг ўтган со-нида «Муаллиф мулоҳазаси» рубрикасида илк бор таниқли драматург ва публицист Абдуқаҳор Иброҳимовнинг мақоласи ёритилган эди. Тилимиз муаммолари — бугун-

ги давра суҳбатиде қатнаша-ётган муаллифларимиз мулоҳазалари ҳам шу мавзуга қаратилган. Давра суҳбатиде республикамизнинг таниқли ижодкорларидан Абдулла ОРИПОВ, филология фанла-

ри доктори, адабиётшунос олим Бахтиёр НАЗАРОВ, республика Фанлар академияси Президиумининг етакчи мутахассиси Қўзвой ҚОРАБОЕВлар иштирок этишди.

**БАХТИЁР НАЗАРОВ:** «Янгидан-янгى за-фарлар қучилган» тургунлик йилларида нафақат халқ хўжалиги, социал-иқтисодий тараққиётда, шунингдек, юшларимиз маънавиятини тарбиялашда, ўтмишни, у билан боғлиқ бўлган маданий ва адабий меросни ўрганишда, миллатлараро муносабат масалаларида жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Хусусан, бу даврда миллий тиллар, шу жумладан, ўзбек тилига эътибор сусайди. Ўзбекистон аҳолисининг 70 фонддан кўпрогини ўзбек халқи ташкил этса-да, шунингдек, қардош халқлар — тожик, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, туркман, бухоро яҳудийлари, турк, қрим-татар, уйғур, татар, бошқирлар, қолаверса, бу ерда (айниқса қишлоқларимизда) кўп йиллардан буён яшаб келаётган рус, украин, белорус, арман ва бошқа халқларнинг бир қисми ўзбек тилида сўзлаша ёки тушуна олса-да, тилимиз минбарларда янграмади, расмий давлат ишларида қониқарли қўлланилмади, олий ўқув юртлирида унинг роли ниҳоятда сусайди. Илмий тадқиқот институтларидаги аҳволини сўзлашдан тил ожиз, ҳатто она тилимиз масалаларига бағишланган диссертацияларнинг рус тилида ёзилиши ёки бу тилга ўгирилишини қандай изоҳлаш мумкин! Бугунги ошкоралик туфайли, бутун мамлакатда ленинча демократия принципларини қайта тиклашга қаттиқ бел боғланган бир пайтда бу нуқсонларни очикчасига гапириш ва уларни тезроқ тузатайлик дея кенг жамоатчиликка, мана, масалан, неча юз минг сонли муҳтарам журналхонларимизга айтиш имкониятига эга бўлдик.

**ҚЎЗВОЙ ҚОРАБОЕВ:** Дарҳақиқат, социалистик жамиятимизга зориқиб кутилган ошкоралик кайфияти, демократиянинг ҳаётбахш шабадалари кириб кела бошлади. Бунинг натижасида ҳал этилишини кутиб турган ҳаётий муҳим муаммолар борлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Бошқа миллий тиллар қатори, ўзбек тилининг ҳаётимизда, кундалик турмушимизда тутган ўрнини, ролини аниқ белгилаб олиш, тилимизга бўлган муносабатларда масъулият-



Абдулла ОРИПОВ, ЎзССР Ёзувчилар союзининг секретари, СССР халқ депутати.

ни ошириш кабилар шундай муаммолар жумласига киради. Шунинг ҳам айтиш кераки, ҳар бир тил бошқа тиллардан ўзига хос жозибаси билан фарқланади. Бу ҳақда Алишер Навоий ҳам, Александр Пушкин ҳам, пролетариатнинг улуг доҳийси В. И. Ленин ҳам ҳаққоний фикрларни баён этишган.

**АБДУЛЛА ОРИПОВ:** Дунёда турли-туман қушларнинг мавжудлиги табиий бўлгани сингари турфа хил тилларнинг борлиги ҳам табиий ҳолдир. Тўғри, тарих саҳифаларини бир варақласак, баъзи тилларнинг айрим қуш турлари каби турли сабаблар туфайли йўқолиб кетганига гувоҳ бўламиз. Масалан, санскрит, латин ҳозирги пайтда ўлик тиллар бўлиб, тор илмий доираларда, тил тарихи ёдгорлиги сифатидагина ўрганилади. Шу бож ҳар бир халқ ўз тилини эъзозлайди, асраб-авай-

лайди, бойтади, бунинг учун курашади. Бу, масалан, қуёш чиқиши, майса униши, шамол эсиши каби табиийдир.

**БАХТИЁР НАЗАРОВ:** Демак, тилимизнинг аҳволи ҳақида жиддий ўйлайдиган пайт келди. Бугунги кунда ўзбек тилини ривожлантириш учун «Ўзбек тили» комплекс программасини ишлаб чиқиш зарурлигини чуқур ҳис этмоқдамиз. Республикамизда ана шундай «Рус тили» комплекс программаси ишлаб чиқилган. Кўплаб бундай муаммоларимизни кўнгилдагидек ҳал этиш мақсадида тилимиз, тарихимиз, маданий меросимизнинг ҳозирги аҳволи учун қайғурувчи олимлар, ёзувчилар, санъат аҳли, студентлар, исталган касб эгаларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи Ўзбек тили кўнгилли жамияти тузилса яхши бўларди. Энг муҳими, бу ишда халқимизнинг ўзи ҳам қатнашарди ва шунда чинакам демократик йўл тутган бўлур эдик.

**ҚЎЗВОЙ ҚОРАБОЕВ:** Сиз таклиф этган тадбирлар яна шунинг учун ҳам муҳимки, кейинги пайтда ўз она тилига — сут билан юрган тилига беписанд, нигилистик муносабатда бўлаётган кишилар пайдо бўлди. Бунга сабаб ўзбек тилининг роли сусайиб кетганлигидир. Уларга қарата халқимизнинг атоқли фарзанди, инқилобий-маърифатпарвар шоир Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзларини айтгини келади: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир... Рус тилини билиш эса ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби керак, лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак зарурдир. Зигир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилининг руҳини бузадур... Боболаримизга етушган ва яраган тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимиздан қидир-сак ва ахтарсак, йўқолганларини ҳам топамиз. Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди, деб Европо қалпоғини киюб, купги бўлмак зўр айб ва ўтдир». Бу сўзлар илк бор 1913 йилда чоп этилган «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» китобидан [1967 ҳамда



## ДАВРА СУХБАТИ

миллат вакиллари ва тилларига ҳурматсизлик рўй бериши мумкин, деган ҳадик асослими! Менимча, асосли эмас. Агар тегишли қонунларда: ҳамма тиллар тенг ҳуқуқли, қимда-қим бошқа тилга ҳурматсизлик қилса, ёхуд уни ҳақоратласа қонун олдида тегишлича жавобгарликка тортилади, дейилса, назаримда боғидаги каби ҳадикларга буткул ўрин қолмайди.

Зеро, ҳар бир республиканинг тили унинг номидаги тил эканлиги яқинда киритилган тўлдирish ва қўшимчалар билан тасдиқланган СССР Конституцияси (Асосий қонуни)да ҳам маълум даражада ўз инфодасини топган. Унинг 119-моддаси 15-қисмида (уни 15-банд дейиш ҳам мумкин) шундай дейилади: Совет Иттифоқининг Олий ҳокимияти, яъни СССР Олий Совети Президиуми «СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети, унинг палаталари, СССР Олий Советининг Президиуми, СССР Олий Совети Раиси қабул қилган СССР қонунлари ва бошқа актлари иттифоқдош республикаларнинг тилларида эълон қилади». Демак, улар Ўзбекистон ССРда ўзбек тилида эълон қилинади, яъни ўзбек тили республикамизда давлат тили статусига эга бўлиши учун қонуний асос бор.

Умуман, миллатлараро муносабатлар, шунингдек, тилга онд баҳслар қай тарихда ва нечоғли мураккаб, ечилмаган, зиддиятли масалалар атрофида юритилмагани, энг асосий мақсад халқлар ва миллатлараро инфоқ солишга эмас, аксинча, уларни бирлаштиришга, дўстлаштиришга, ҳамжиҳатликини кучайтиришга қаратилмоғи керак.

**ҚУЗИВОЙ ҚОРАБОЕВ:** Қонунларнинг ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳеч ким рад этмайди. Лекин бу қонунларга киритилмаган шундай ҳақиқатлар борки, улар ҳар бир инсон мансуб бўлган миллатнинг маънавияти, руҳияти, бир сўз билан айтганда, ҳаётини илдишларига бориб тақалади. Ҳар бир инсон мансуб бўлган миллатнинг ўз тупроғи, ўз ошённи, ўз маскани борки, буни ВАТАНИМ деб атайдим. «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жондан ортиқ суяр»,— дейди Авлоний. Еки бўлмаса, Алишер бобомизнинг мана бу машҳур рубойисини ҳар биримиз болаликдан ёдда тутамиз:

Гурбатда ғариб шодумон  
бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон  
бўлмас эмиш.  
Гар олтин қафас ичра қизил  
гул бутса,  
Булбулга тикандек ошён  
бўлмас эмиш.

Халқимиз ўз ошённида, ўз тупроғида наҳотки ўз тилининг қонуний ҳуқуқларига эга бўлишга ҳақиқ йўқ! Мамлакатимизда ошкоралик ва қайта қуриш жараёнининг такомиллашиб боришини бу ва шу каби масалалар ижобий ҳал этилгандагина чуқур ҳис этиш мумкин.

«Инсоннинг она тили битта, чунки онаси битта, Ватани битта бўлади»,— дейди таълиқчи файласуф олим, СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Эркин Юсупов. Лекин айрим зиёлиларимиз турғун-

мий терминология ишлаб чиқилмагани сабаблидир. Яна бир кузатиш: «зангори экран»да тез-тез кўриниб турадиган олимларимиздан аксариятининг иутқини тинглаб туриб, сўз «бойлиги» 100—150 тадан ортиқ эмас, деган ачинарли хулосага келаман...

**БАХТИЁР НАЗАРОВ:** Бу фикрларингизда жон бор, албатта. Шунинг учун ҳам тилимиз муаммоларига кенг жамоатчиликини, халқимизни жалб этишимиз зарур. Шу йилнинг 6 январь куни КПСС Марказий Комитетида фан ва маданият арбоблари билан учрашувда М. С. Горбачев қайта қуришнинг интеллектуал имкониятларини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор берди ва, хусусан, миллий муносабатлар ҳақидаги фикрларини яқинлаб туриб, шундай деди: «Бизнинг жамиятимиз халқининг овозига қулоқ солиши керак. Бизда кўпинча шундай бўладикки, ўз позициясини таъкидлаш керак бўлгандагина халқини рўқач қиладилар, халқ у ёки бу ўртоқнинг даъвосидан фарқ қиладиган ўз фикрини айтганида эса, халқ ҳамма нарсани тушунавермайди, деган гапни айта бошлайдилар. Йўқ, халқ ҳеч кимнинг адашишига йўл қўймайди». Уртоқ М. С. Горбачев худди шу ўринда яна қатъий қилиб



Қузивой ҚОРАБОЕВ, ЎзССР ФА Президиуми илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг илмий котиби.

қуйидагиларни айтди: «Уйлайманки, сиз билан бизнинг адашишимизга ҳам йўл қўймайди». Бу, мазкур учрашувда иштирок этган фан ва маданиятнинг улкан арбобларига, шунингдек катта-катта лавозимдаги барча партия ходимларига қарата айтилган фикрдир.

Ўзбекистон ССРда ўзбек тили давлат тили бўлиши керак, деган фикр эса хато эмас. Бу — чуқур ўйлаб, жиддий мулоҳаза юритиб, халқ фикрини, жамоатчилик фикрини теран ўрганиб, шундан кейингина бир хулосага келишга ундайдиган фикр. Шунини таъкидлаш керакики, рус тили миллатлараро восита тили сифатидаги ниҳоятда зарур бўлган мавқени бундан кейин ҳам сақлаб қолаверади. Бу муҳим вазифани бажарётган тилни ўрганишга эса эҳтиёж орта боради. Республикадаги бошқа халқларнинг вакиллари ва тилларига ҳурмат мутлақо сусаймайди. Бунга ленинчи социалистик ҳамдўстлигимиз, қардошлиқ ҳис-туйғулари йўл қўйиши мумкин эмас. Агар республикамизда ўзбек тили давлат тили сифатида белгиланса, бошқа



Бахтиёр НАЗАРОВ, ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти директори.

1979 йилларда ҳам нашр этилган — Ред.] келтирилди, асар ҳозирга қадар долзарб аҳамиятини йўқотгани йўқ, бу сўзларни ҳар биримиз қайта-қайта ўқишимиз керак!

**АБДУЛЛА ОРИПОВ:** Абдулла бобомиздан жуда қимматли мисолни келтирдигиз, Қўзивой ака. Мен бошқа Абдулла бобомиз — Қодирий романларининг тили ширалилиги, биз, адиллар ул муҳтарам зотдан ҳаммиша ўрнат олишимиз зарурлиги ҳақида айтмоқчиман. Бугунги кунда Қодирий романлари билан, айтайлик, ўз она тилини чала билладиган, асарларининг сўз бойлиги 100 тага ҳам етмайдиган бирор ёзувчини солиштириб кўринг. Бундай манзарага ўзингиз баҳо беринг.

Бадиятнинг биринчи белгиси — тил. Ижодкор [нафақат ижодкор!] сўз бойлигини кўпайтириб боришга интилиши зарур. Утган давр мобайнида бадий тилимиз қотиб қолмай, муттасил ривожланиб келди. Миртемир шеърятининг тилини бу фикримга далил қилиб келтириш мумкин. Бир пайтлар шеваларда ишлатиладиган сўзларнинг бадий адабиётга олиб кирилишига ингилистик муносабатда бўлинди, бу масалани ҳам ҳозирда кўриб чиқиш керак. Яқинда 548 йиллик юбилейи кўтаринки руҳда нишонланган бобомиз Алишер Навоий асарларини ўқишга ёшларда ишתיёқ банд, лекин барча сўзларни ҳам тушунаверинмайди, буни ҳатто ҳамма мутахассислар ҳам биллаверинмайди. Бунинг учун бирор тарихий тараққиёт босқичларини қоралаб бўлмайди. Данте тили ҳозирги замон италян тилидан узоқлашган. Еки бўлмаса славян халқларининг ҳозирги тили илгаригисидан анча фарқ қилади. Ўзимизда ҳам ўзгаришлар сезиларли. Масалан, Фурқат прозасида ўнлаб «ва» боғловчисини учратиш мумкин, ҳозирги стилистикада бу нараса хато ҳисобланади. Ёхуд 20-йиллар адабиётда «бўладир», «келадир» деб ёзилган, кейинчалик «р» ҳарфи ўз-ўзидан тушиб қолди. Демак, тили муттасон ўзгариб борадиган жонли организмга қиёслаш мумкин. Орада 50—100 йил ўтар, бизнинг бугунги иутқимиз ёки ёзувимиз қандай бўларкин! Не бўлса ҳам, тилининг камбағаллашиб кетишига йўл қўймагимиз зарур ва, айтиш керакики, тил ўз-ўзидан бойиб қолмайди.

Баъзан болаларимиз ўсимликлар номини билмайди, деб ўпкаланамиз. Ахир, боланинг бунга иши тушмаса, мия амборхона эмаски, унга турли терминларни тахлаб, қўлфлаб қўяверилса... Балки, бу, ил-

лик йилларидан мерос бўлиб қолган ҳа-диксираш, улуғ рус адаби А. П. Чехов-нинг қаҳрамонига ўхшаб, «бирор кор-хол бўлмасин-да, ишқилиб» деган позицияда туршибди. «Правда Востока» газетаси-нинг шу йил 26 январь сонидagi бош ма-қолада турғулик йиллари тил масаласида олиб борилган нотўғри сиёсат оқибатида рус тилига кўпроқ эътибор берилгани, миллий тилларнинг ривожланиши анча сустралгани айтилган. Бироқ, бу хатони тўғрилаш учун ошқинаслик, тайёргарлик даврини ўтиш керак, дейилган. Кейинги пайтда матбуотда икитиллилик ва кўптил-лилик ҳақида чиқишлар бўлди. Аммо, шу-ниси ажабланарлики, республика Марказ-коми қoшидаги тил бўйича комиссияга юборилаётган таклифларнинг 95 фоизи ўзбек тили Ўзбекистон ССРнинг давлат тили бўлиши кераклигини айтиётган киши-лардан келаётган бўлса-да, матбуот саҳи-фаларида бу борада бир оғиз ҳам гап йўқ!

Шу йил январь ойининг охирида ЎзССР ФА Президиуми мажлисида тилимиз муаммолари ҳақида жуда маъқул гаплар бўлди. Бу мажлисида ЎзССР ФА академик-лари, мухбир аъзолари, таниқли олимла-римиз ўз она тилларида нутқ сўзладилар, натижада мунозаралардаги жонлиши яқ-қол сезилди. Мажлисни Академиямиз пре-зиденти Маҳмуд Салоҳиддинов олиб бор-ди, тилшунос олимларимиз олдида турган вазифалар ҳақида сўзлади. Мажлисининг ўз она тилимизда олиб борилаётгани тўғри-ли ғурурланиш ҳиссидан энтикиб кетдим. Афсус, неча-неча йиллар мобайнида мана шу минбарга чиққан неча-неча ўзбек олимнинг қанчадан-қанча фикр-муло-ҳазаси, гоёлари ўз она тилида ифода этил-магани тўғрилик «гап эгасига етиб борма-ди» экан! Утган 31 йил мобайнида [мен бу даргоҳда 1958 йилдан буён хизмат қилиб келаман] Академиямизда уюштирилган катта-катта анжуманлар, мажлислар, или-мий кенгашлар, ҳатто таниқли ўзбек олим-ларини сўнги йўлга кузатиш митинглари-да ҳам ўз она тили — ўзбекчада нутқ сўз-лаганлар жуда оз бўлганига ғувоҳман. Бу мўътабар даргоҳнинг ташкил этилганига 45 йилдан ошибдики, унинг бирор бир фармони, қарори, мурожаати ўзбек тили-да чоп этилгани йўқ. Бу аҳволни тўғрилаш-нинг бирдан бир йўли ўзбек тилига давлат статуси берилишидир, деб ўйлайман.

**АБДУЛЛА ОРИПОВ:** XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида миллий тил-ларни ривожлантириш ҳусусида ҳам муҳо-камалар бўлиб ўтди. Яхши биламизки, рус тили миллатларро алоқа воситаси бўлиб хизмат этиб келмоқда. Умуман, у ўзбек тилининг республика доирасидаги ролини сира ҳам рад этмаслиги керак. Миллий тил масаласини, албатта, бутун халқ ҳал этади. Ўзбек тилига давлат статуси берилиши республикамизда яшаётган тур-ли миллатлар ўртасидаги байналминал му-носабатларга асло раҳна солмайди.

**БАХТИЕР НАЗАРОВ:** Албатта, ўзбек тили давлат тили бўлиши учун бу масалани ҳам-ма жойда: корхона ва ташкилотларда, колхоз ва совхозларда, турли ўқув юрт-ларида — республика жамоатчилиги то-монидан кенг муҳомама қилмаслик мум-кин эмаски, доно халқимизнинг «кенгаш-ли тўй тарқамас» деган мақоли бор.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 15 февраль сонида «Ўзбекча гапи-рай...» деган қизиқарли бир мақола эълон қилинди. Унинг муаллифи — Фаргона ша-ҳар саёҳатлар ва экскурсиялар бюроси экскурсоводи Л. Ходякова Ўзбекистонда

яшаб туриб ўзбек тилини билмаслики нормал ҳол эмас, деб баҳолаб, жумладан шундай ёзди: «Баъзан «Ўзбеклар русча гапиришяпти. Бизга ўзбекча ўрганишининг ҳожати бормикин», дегувчилар ҳам топи-лади. Бироқ икки халқнинг бир-бирини ях-широқ тушунишида энг яқин йўл — тилини ўрганиш демакдир...»

Ҳозирги пайтда Фарғонада яшаётган е-ропаликларнинг кўпчилигида ўзбек тилини ўрганишга иштиёқ катта. Улар орасида ёшлар ҳам, пенсия ёшига яқинлашиб қол-ганлар ҳам бор. Қурсларда шуғулланаёт-ганлар ўзлари учун ажойиб кашфиётлар қилишяпти. Маълум бўлишича, рус тилида туркий сўзлар жуда кўп. Ўзбек тили эса энгил ўзлаштириб олинадиган, бой, оҳанг-дор тил экан. Бу тилини билиш қозоқ, қир-ғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа туркий тилларга мансуб халқлар билан гаплашиш имконини бера экан. Ахир, ҳозир мамла-катнинг каттагина қисмида худди мана шу тилларда гапирувчи халқлар яшайди-да!»

**ҚУЗИВОЙ ҚОРАБОЕВ:** Мен ҳозир ўйла-ниб ўтириб, бир нобоп гоё жамиятимизга қанчалик маънавий зарар етказганининг ҳисобига ета олмадим. Бу, СССРда мил-латлар бир-бирига қўшилиб кетиб, ягона миллат, ягона тилга эга бўлади, деган гоё эди. У ҳақда докторлик диссертация ёқлаганлар бор, бу гоё узоқ йиллар тар-ғиб қилинди, у мамлакатимиздаги барча халқларнинг миллий манфаатларига зарба берди, тили ва маданияти тараққийтига тўсқинлик қилди. Қайғули томони шунда бўлдики, айтилики, бирор ёввойи мушук ёки ўсимлик тури йўқолиб кетаётганига айюҳаннос солиб, уларни дарҳол «Қизил китобга» киритиб, қўриқхоналарда кўпай-тириш ҳақида қарорлар чиқарилди, лекин қисқа тарихий давр ичида бутун бошли халқлар [гарчи майда халқлар бўлса ҳам] йўқ бўлиб кетаётганини қонуний ҳодиса дейилди. Мен, шахсан буни катта ҳарфлар билан ёзилганидан ИНСОНга, тили ва ма-данияти инқироз ёқасига келиб қолган ай-рим халқларга нисбатан ҳақорат деб ҳи-соблайман.

Бир воқеани айтмай ўтолмайман. Акаде-миямизнинг собиқ президенти Пўлат Ҳаби-буллаев Президиум мажлисларидан бири-да [мажлис одатгадигек рус тилида олиб борилганди]: «Академия нафақат илмий, балки маданий марказ ҳамдир. Идорамиз-да тайёрланаётган барча ҳужжатлар шун-дай юқори савияда, грамматик жиҳатдан бекамү кўст бўлиши керакки, бу иш хал-қимизнинг маънавий, маданий жиҳатдан юксалишига қўшган ҳиссамиз бўлсин», — деган баландпарвоз сўзларни айтганди. Бу талаб қайси тилда амалга оширилганда, халққа нафи қай даражада тегади, деган саволнинг туғилиши табиий эдики, Ҳаби-буллаев учун бундай муаммонинг ўзи бўл-маган ҳеч қачон. Уша «нафақат илмий, бал-ки маданий марказ» қўшган улушга бир мисол. 1987 йилда СССР Фанлар акаде-миясидан ЎзССР ФАга келган комиссия Тарих институти олимлари чоп этган кит-обларнинг бор-йўғи 4 фоизи (!) ўзбек тил-лида эканлиги [10 фоизи чет тилларда нашр этилган ҳолда!] фактини Ўзбекистон маданияти, илму фани учун ўта салбий ҳо-диса деб баҳолаганди. Шуниси ҳам борки, рус тилидаги [қолган 86 фоизи] китоблар муаллифларининг кўпчилиги ўзбек олим-ларидир [китобларни асосан ўзлари тар-жимма этишди], улар рус тилида диссер-тация ёзишга мажбур, бунинг устига кутуб-хоналардаги кўпгина манбалар ўша тил-да; сўнги пайтда эса институтда ўзбек тарихчи олимлари негадир камайди. Мана сизга «халқимизнинг маънавий, маданий юксалишига қўшилган ҳисса»! Ишонамиз-

ки, Академиямиз фаолиятидаги бундай нуқсонлар албатта тугатилади.

**АБДУЛЛА ОРИПОВ:** Ҳа, гапларингизга қараганда, бу даргоҳда ҳам ўзига яраша муаммолар бор экан. Китоб чоп этиш ма-саласида бизда ҳам муаммолар етарли. Масалан, кейинги йилларда ўзбек тилида китоб нашр этиш бирмунча камайди. Яна бир муаммо: ўқувчилар айрим бадий ада-биётларни дўқома-дўқон излаб юриша-дики, уларга бу масалада ҳатто Езувчилар союзи ҳам ёрдам беролмайди, яъни биз бундай китоблар тиражини оширишга ара-лашолмаймиз. Булар яқин пайтда ҳал бў-лиши зарур масалалардандир.

Энди, ижозатингиз билан салкам чорак аср илгари ёзилган бир шеъримни ўқиб берсам — «Она тилимга» рус тилига ҳам бир неча бор таржима этилган. Менмича, у ҳозир ҳам таъсир кучини йўқотмаган.

Минг йилдирким, булбул каломи  
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.  
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли  
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шакис  
Булбул куйин шеърга солурман.  
Сен йўқолган куйинг, шубҳасиз,  
Мен ҳам тўти бўлиб қолурман...

**БАХТИЕР НАЗАРОВ:** Раҳмат, Абдулла ака. Энди, суҳбатимиз якунида журнал-хонлар эътиборини институтимизда олиб борилаётган айрим ишларга жалб этмоқ-чиман. Институтимизда тил ҳақида жа-моатчилик фикрини ўрганивчи марказ [жа-моатчилик асосида] иш бошлади. Ўзбек тилини ўрганивчилар учун пуллик 2 йил-лик курс ташкил этилди. Араб графикаси асосидаги эски ўзбек тили ва ёзувини ўргатувчи йиллик пуллик курсларда ҳозир-да машғулотлар олиб борилмоқда [ўқиш-ни истовчилар институтимизга мурожаат этиши мумкин]. Келгуси режаларда қуйи-даги вазифаларни белгиладик: 10 жилд-дан иборат «Ўзбек тилининг изоҳли лу-ғатини» тузгилми; Ўзбекистоннинг этно-лингвистик атласини тузиш борасида иш бошладик; русча-ўзбекча бир жилдлик лу-ғат; ўзбекча-тожикча, тожикча-ўзбекча луғатларни тайёрлашни ҳам бошлаб юбордик.

Хуллас, бугунги суҳбатимизни фойдали бўлди деб ҳисоблаш мумкиндир; тили-миз, умуман, маданиятимиз муаммо-ларига бағишлаб мана шундай давра суҳ-батлари тез-тез ўтказиб турилса, деган ис-так билан сўзимизга якун ясаймиз.

Суҳбатни Саидмурод ХУЖАЕВ ёзиб олди.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Мухтарам журналхон-лар, мана, бугунги суҳбат иштирокчи-ларининг тилимиз муаммоларига бағиш-ланган фикр-мулоҳазалари билан танишиб чиқдингиз. Бу суҳбат сизда қандай таассу-рот қолдирди, муаллифларимизнинг му-лоҳазаларига қўшимча қилиб ёки тўлди-риб нисаларни айтган бўлур эдингиз, бал-ки айрим фикрлар сизни унчалик қониқ-тирмагандир ёки эътироз уйғотгандир сиз-да! Суҳбатда айтилганидек, тилимиз муам-молари кенг жамоатчиликнинг фикрлари-га таянилган ҳолда ҳал этилиши зарур. Ўз она тилининг тақдир учун қайғурувчи ҳар бир киши эса бу муаммолардан четда туриши мумкин эмас. Уйлаймизки, ушбу суҳбатдан олган таассуротингиз қўлингиз-га қоғоз-қалам олишга ундайди — мак-тубларингизни кутамиз.

кур илмий тадқиқотлар натижасида Ғарбий Ўзбекистоннинг металлогения схемасини яратишга муваффақ бўлди. Бу схемада полиметалл (қўрғошин, рух, мис), олтин ва ноҳир металл (вольфрам, молибден, қалайи) конларининг алоҳида ва ўзаро ёнма-ён камарлар ҳосил қилиши кўрсатиб берилган. Мазкур схемада, жумладан, «олтин камар» Жиззах районидан бошлаб, Шимолий Нурота тоғлари орқали Марказий Қизилқумдаги Томди тоғларигача давом этиши белги-ланган ва шу камар зонасида яна бошқа олтин конлари ҳам топилиши мумкинлиги қайд этилган эди. И. Ҳамрабоев топилажак олтиннинг кўпинча маргимуш билан бирга учрашини ҳам аниқлади ва Зармитон, Томди-булоқ каби олтин конларини излаб топди.

55—60-йиллар оралиғида Ўзбекистон ССР Геология министрлиги Геофизика трести ташаббуси билан Ю. Мордвинцев, П. Хромишкин, Н. Дегтярев каби олимлар олтин билан маргимушнинг боғлиқлик ҳодисасини назарда тутиб, И. Ҳамрабоев тадқиқ этган олтин камари ичида аввал маргимушга бой бўлган майдонларни аниқлашди ва шу жойлардан намуналар олишди. Лаборатория анализлари шу жойларда олтин мавжудлигини кўрсатди. Шу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар натижасида 1957 йили Ю. Н. Мордвинцев, П. В. Хромишкин бошчилигидаги бир гуруҳ геологлар Мурун-тов конини очишга муваффақ бўлишди. Коннинг шаклу шамойили, бойлик запаслари аниқланди.

Мурунтов олтин кони санотимиз тармоғига киритилди ва мамлакатимиз геологияси тарихига ёрқин саҳифа бўлиб битилди.

Қизилқум манзилида геологик тадқиқотлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, шу зонада янги-янги конларни очиш юзасидан ишлар олиб борилди. Жумладан шу манзилдаги бир қанча тоғларнинг олтин, кумуш, сурма, мис ва бошқа рудали конлари мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. Ғарбий Ўзбекистон учун сурма кумуш — олтинли руда формациясининг мавжуд эканлигини, Жанубий Тяньшань металлогеник зонаси учун олтин конлари кумуш ва сурма конлари билан алоқадорлигини тасдиқлади. Моргузор тоғидаги Токтерак белгиси очилиши унинг маъдан таркибидеги олтиннинг соф симоб билан ҳамкорликда ётишини кўрсатди. Бу хулосалар 1965—1968 йилларда тузилган Ўзбекистоннинг металлогеник районлаштириш схемасига асос бўлди. Ушбу схемада Шимолий Нурота, Султон Увайс — Нурота — Фарғона, Олтинтов ва Зарафшон—Ҳисор каби бир неча олтин камарлари мавжудлиги кўрсатилган. Бу катта илмий тадқиқот натижалари

Илм-фан иқтисодий муносабатлардаги ва аграр секторнинг моддий базасидаги туб ўзгаришларнинг узвий таркибий қисми бўлиб қолиши керак. Илм-фаннинг роли ўзгача бўлиши, унинг корхоналар билан ўзаро алоқаси ўзаро манфаатга, ҳўжалик ҳисобига асосланиши зарур.

Бизга айни шу нарса етишмайди, деб ўйлайман. Биз ҳамон ана шу масала атрофидагина иш олиб бораяпмиз. Амалиётни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг конкрет вазифаларини ҳал этишни назар-писанд қилмайдиган «шунчаки фан йўлидаги фан» ғояси жуда яшовчан бўлиб чиқди.

Шу боисдан яна бир бор таъкидлайман: илмий тадқиқот ташкилотларининг ҳўжалик ҳисобига, шартномавий муносабатларга ўтиши бунда энг муҳим масаладир.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КПСС МКНИНГ март Пленумида қилган докладидан.

сифатида эса ҳозирги кунда амалий ишлар олиб борилмоқда ва янги хил йўналишлар ишлаб чиқилмоқда.

Юқорида номлари тилга олинган тоғларда олтин сланец, қумтош, вулкан жинслари, гранитондлар ва оз миқдорда оҳақтош бағрида жойлашган. Тоғ жинслари таркибидеги ишлаб чиқаришга арзигулик миқдорда соф олтин бўлмай, аксинча, олтин уларнинг ичидаги кварц томири, темир, қўрғошин, маргимуш, сурма ва мис колчеданлари сингари минералларда учрайди. Колчеданли ёки колчедансиз кварц томири жойлашган тоғ жинслар жамаи «олтинли рудалар» ёки қисқача «руда» деб юритилади. Шу хил рудалар қазиб олиш учун қулай ҳисобланади. Агар бир тонна рудадан 4-6 грамм миқдорда соф олтин ажратиш олиш мумкин бўлса, бундай рудалар ишлаб чиқариш харажатларини қоплайди. Шундан кам олтин олинадиган бўлса, зарар кўрилади. Аммо баъзи бир хил конлардан жуда ҳам оз миқдорда олтин олинадиган руда очиқ усулда қазилгани учун олтинли руда деб қабул қилинади.

Бундан ташқари, республикамизда сочма олтин конлари ҳам бор. Сочма олтин конлари туб конларнинг емирилиши натижасида вужудга келади. Бу конлар оддий шағал қатламларидан иборат бўлиб, мазкур қатламлар, кўпинча, дарё ва сой водийлари бўлиб ётади.

Республикамиз олтин конларини тадқиқ қилаётган бир гуруҳ мутахассисларнинг роса 20 йил бурун рус тилида нашр этилган «Ўзбекистон олтин металлогенияси ва рудали формациясининг асосий белгилари» номли йирик монографиясида нафақат олтин конлари, балки олтиннинг ўзи ҳақида ҳам муфассал маълумотлар келтирилган. Масалан, олтин аслада саккиз қиррали—октаэдр шаклидаги кристаллар ҳосил қилади. Бироқ бу хилдаги кристаллар жуда ҳам сийрак учрайди, Кўпинча нотўғри шаклдаги булутсимон, скелетсимон доналар ҳолида кўп учрайди. Олтин ўзининг ўта ялтироқлиги, ёқимли сарик ранги, юмшоқлиги ва деярли ҳеч қандай дорининг таъсир қилмаслиги билан бошқа рудали минераллардан ажралиб туради. Шу сифатлари туфайли ҳам у олий маъдан

ҳисобланади ва қадрланади. Олтинни фақат икки хил модда — цианли калий ва ўта ўткир азот ҳамда олтин-гугурт кислоталарининг қўшилмасигина эрита олади. Бундай кучли реактивни кимёгарлар «шоҳ ароғи» деб атайдилар.

Олтинли маъданлардан соф олтинни ажратиш олиш йўли ҳақида ўрта аср алломаси Абу Райҳон Беруний шундай деб ёзган эди: «Баъзи вақтда олтин тоғ тошлари билан шундай бирикканки, худди қайнаб қотганга ўхшайди, шунда у майдаланиши лозим бўлади ва тегирмонда майдаланади. Олтинли маъдан майдалангандан сўнг ёки кукунга айлантирилгандан сўнг, сув билан ювиш йўсинида уни бўлак тоғ тоши зарраларидан ажратилади ва сўнгра олтин симоб билан тўпланади, кейин у бир парча тери орасида шундайин қисиладики, симоб тери ғовақларидан чиқиб кетсин, олтин билан қолган симоб кейинча оловда буғлантириш йўли билан ажратиш олинади».

Ҳозирги кундаги баъзи технологик усуллар соф олтин ажратиш олишда Абу Райҳон Беруний кўрсатиб ўтган усулга ҳам тўғри келади. Аммо қадимда маълум бўлмаган усуллар ҳам мавжуддир.

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотлардан республикамиз ер бағрида олтин бор экан, деган хулосага келиш мумкин. Лекин бу ҳаммаси деган гап эмас. Биз фақат ер юзидаги чиқиб турган олтин конлари тўғрисидагина сўз юритдик холос. Келгусида мезокайнозой эрасига мансуб қатламлар остида олтин конлари очилиши мумкин. Бундай муҳим масала барча геологлар олдида каттадан-катта муҳим вазифалар юқлайди. Зеро ҳар бир олтин конининг очилиши бу демак халқ фаровонлигининг ўсиши, давлат қудратининг ошиши, янги замонавий шаҳарларнинг бунёд бўлиши демакдир.

Хайрулла РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
геология-минералогия фанлари доктори (Ўзбекистон ССР ФА Геология ва геофизика институти).

# БАҲОРГИ ДАРМОНСИЗЛИК НИМАДАН?

Эрта баҳор кунлари — март ойида бозор расталарида харидорлар сезиларли даражада сийраклашиб қолади, айниқса мевалар сотиладиган расталарда сотувчи ҳам, олувчи ҳам камаяди. «Усти ялтироқ, ичи қалтироқ» олмалар «пахта» бўлиб қолган, узумлар буришган, майиз бўлиб қолай деганлари ҳам бор; кўпгина сабзавот маҳсулотлари ҳам сўлинкираб, табиийлик хусусиятини йўқота бошлаган. Бу, табиий, албатта. Баҳорда киши организми учун зарур кувватлантирувчи моддалар, витаминлар истеъмол қилинаётган озиқ-овқатлар таркибида сезиларли даражада камаяди. Шунда ўзимизни лоҳас, дармонсиз ҳис этамиз. УЗССР ФА Физиология институти овқат ҳазм қилиш физиологияси лабораториясининг илмий ходими Оқилбек КУБАЕВ билан муҳбиримиз суҳбати кўпчиликни қизиқтирувчи мана шу масалалар хусусида боради.

— Одатда фасллар алмашинуви нафақат табиатда, шунингдек унинг «эрка» фарзанди — инсон организмда ҳам қандайдир ўзгаришларга олиб келади, нима дедингиз!

— Дарҳақиқат, шундай. Фасллар алмашинуви инсон организмга у ёки бу даражада таъсир этади. Фақат, бу жараён қайси фаслда қандай кечади — шунга боғлиқ. Баҳор — ўзгаришлар, янгиланиш фасли. Бироқ, баҳорнинг бошларида, кечаги қаҳратон қишнинг захри кетиб, майсалар аста бош кўтараётган пайтда нима учун киши ўзини ланж, дармонсиз ҳис этади, тезда толиқиб, уйқу элтиладиган бўлиб қолади?

Эрта баҳор кунларида кишиларда кузатиладиган бундай ҳолатларнинг биринчи сабабини ташқи муҳит ўзгаришларидан излаш керак — куннинг узайиши, гоҳ булутли, гоҳ ҳаво очилиб кетадиган кунлар, яъни ўзгарувчан об-ҳаво, ҳаво босими ҳамда намлиги ва бошқа кўпгина омиллар шу жумладандир.

Киши организмда витамин ва бошқа ҳаётий зарур моддалар етишмовчилиги ҳам бундай ҳолатларнинг зўрайишига сабаб бўлади. Гиповитаминоз, яъни организмда витамин етишмовчилигига доим бир хил овқат ейиш, организмга углеводларнинг кўп, ҳайвон оқсилли ва ёғларининг кам тушиши, янги сабзавот ва меваларнинг бўлмаслиги, овқатни нотўғри тайёрлаганда витаминларнинг парчаланиб кетиши сабаб бўлади. Организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжи ортишига олиб келадиган омиллар, масалан, ақлий, жисмоний ва руҳий толиқиш, кислород танқислиги, айниқса ҳомилдорлик ва бола эмизиш даврида ҳам (гарчи организм витаминлар билан етарли таъминланиб турган бўлса-да) витамин етишмовчилиги кузатилади. Гиповитаминозда киши организмда физиологик, биохимик ва биофизик жараёнлар нормал кечмайди.

— Витаминларнинг киши ҳаётида муҳим роль ўйнаши маълум. Қайси витаминларга кўпроқ эҳтиёж сезилади!

— Киши организмда бирор-бир физиологик жараён йўқки, унда витамин иштирок этмасин. Витаминнинг биологик аҳамияти унинг модда алмашинувида ростловчи таъсир этишидан иборат. Бу нима дегани? Бу, витаминлар организмда узлуксиз рўй бериб турган химиявий реакцияларни кучайтиради, организмнинг озиқ моддаларини ўзлаштиришига таъсир кўрсатади, ҳужайраларнинг нормал ривожланишига ёрдам беради, демак. Организмимизда бирор витамин етишмаса, моддалар алмашинуви бузилади, унинг касалликларга ва ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирига бардош беролмаслиги шундан.

Витаминлардан С (аскорбат кислота), РР (никотин кислота), В<sub>1</sub> (тиамин), В<sub>2</sub> (рибофлавин), В<sub>6</sub> (пиродоксин), А (ретинол) кабиларга кўпроқ эҳтиёж сезилади, қиш ва баҳор фаслларида киши организмда етишмайдиган витаминлар ҳам кўпроқ шулар.

Энди бу витаминлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. С витамини организмда оқсил ўзлаштирилишида, бириктирувчи тўқималарни нормал ҳолатда тутиб туришда катта аҳамиятга эга; кўпроқ қарам, картошка, кўк пиез, помидор, қулупнай, шовул, лимон, қалампир таркибида бўлади. Аскорбат кислота айниқса наъматақда кўп. Барча мева ва сабзавотлар қишга сақланганда таркибидаги витаминни у ёки бу даражада йўқотади, наъматақ улардан фарқли ўлароқ, қуритилганда ҳам витаминларни тўлиқ сақлаб қолади. (100 грамм қуритилган наъматақ мевасида 1500 миллиграммга қадар С витамини бўлади.) Яна ёдда тутиш керак: картошка арчилганда йигирма фоиз С витамини йўқолади, совуқ сувга солинганда ундан ҳам кўпроқ парчаланиб кетади. Витаминлар қай-



натма овқатда димламага нисбатан кўпроқ сақланиб қолади, лекин иситма овқатда витаминлар янада камаяди. РР витамини ҳужайраларнинг нафас олиши, оқсил алмашинувида қатнашади, меъда ва жигар фаолиятини яхшилайди. У товуқ гўшти, мол гўшти ва жигаридан кўпроқ бўлади. Бу маҳсулотлардан тайёрланган овқатлар, хоҳ қайнатма, хоҳ қовурма бўлсин, улар таркибида РР витамини яхши сақланиб қолади. В группа витаминларининг организмдаги танқислиги турли касалликларга сабаб бўлади. Масалан, В<sub>1</sub> витамини етишмаслигидан полиневрит касаллиги келиб чиқиши мумкин, у ачитқиларда, айниқса нон таркибида, жавдар ёрмаси, маккажўхорида, пиво ва квасда бўлади, овқатда кам парчланади, қуруқ меваларда яхши сақланади. А витамини етишмовчилиги эса кўз касалликлари, хусусан шабқўрлик (қоронғида кўролмаслик), ёруққа қарай олмаслик дардига сабаб бўлиши мумкин, у ошқўқлар, қизил қалампир, сабзи, шовулда кўпроқ бўлади. Балиқ маҳсулотларини истеъмол этиб туриш ҳам бу витаминга эҳтиёжни қондиради.

— Эрта баҳорда қандай овқатланиш керак, витаминлардан ташқари, ёғ ва оқ-



силли моддаларга бўлган эҳтиёжни қандай қондириш керак!

— Бу эҳтиёжни қондириш озиқ-овқатларнинг турли-туманлиги, таркиби ва биологик қимматига боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳам кундалик истеъмол этиладиган озиқ-овқатлар тўйимли, оқсил ва ёғлар, углевод ва минерал тузларга бой бўлиши керак. Халқимизнинг ажойиб удумларидан бири сумалак, ҳалим тайёрлаш бўлиб, бу анъанавий неъматлар таркибида киши организми учун (айниқса қишдан эндигина чиққан пайтда) юқориде айтилган барча зарур моддалар бор, десак муболаға бўлмас. Анъанавий таомлардан холвайтар ва атала ҳам ота-боболаримиз томонидан асосан қиш ва баҳорда севиб истеъмол қилинган, буни ҳам унутмаслик керак.

Қуруқ мевалар дастурхонимизда мазали неъматлардандир. Ҳўл мевалар ҳали пишиб этилмаган бир пайтда уларнинг қиммати янада ортади. Айнақса, уларнинг таркибидаги моддалар яхши сақланиб қолган бўлади. Туршак, олма қоқи, майиз, анжир қоқи, қуритилган олча ва бошқа қуруқ мевалардан тайёрланган компотлар жуда фойдали. Минг бир хусусиятли ёнғоқ пўчоғигача дори, мағзида 50 фоиз мой, А, В, С, ҳатто Ф витаминларигача бор, таркибида темир, фосфор каби организм учун сув билан ҳаводек зарур моддалар сероб. Ёнғоқ қора майиз билан қўшиб истеъмол этилса, организмни қувватлантиради, анжир ёки унинг қоқиси билан қўшиб ейилса, асабини мустаҳкамлаб, ақлни пешлайди. Унинг таркибидаги Ф витамини тери ва қанд касалликларининг олдини олишда аҳамиятлидир.

Ёғ ва оқсилга бой маҳсулотлар — гўшт, айнақса жигар, тухум, сут-қатик, сарёғ овқат рационимизда кўпроқ бўлиши керак. Афсуски бу маҳ-

сулотларга бўлган эҳтиёж республика миқёсида қондирилмаяпти. Айнақса гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ҳал этилмаса, суҳбатимизда ўртага қўйилган, баҳорги дармонсизлик нимадан, деган саволга тўлиқ жавоб бериб бўлмайди.

— Баҳорий мавзудаги бир савол: «зулук ҳаром қонни тозалайди» деган ибора бор, шу фикрга қандай қарайсиз!

— Агар ҳаром қон бўлса, медицина зулугидан фойдаланса бўлади, чунки зулук тишламаслиги ҳам мумкин-да. Умуман, бу усул Шарқ табиботида қадимдан маълум. Зулуқнинг сўлаги таркибидаги гирудин деган модда қон ивишига тўсқинлик қилади, шу сабабли ундан даво мақсадида фойдаланилади. Бу — қонни тозалаш усули бўлиб, талоқ ва кўмиқда янги қон ҳосил бўлишига, томирларда қон ивиб қолмаслигига ёрдам беради. Шунда қон айланиши анча яхшиланиши мумкин, тўқималар эса, ўз навбатида, кислород билан кўпроқ таъминлана олади. Бироқ медицина зулугидан фойдаланиш эҳтиёткорликни талаб этади, врач маслаҳати ва тегишли мутахассис назоратисиз зулук солиш қатъян ман этилади.

— Энди, ҳомиладор ва эмизикли аёллар овқатланиши ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ҳомиладор ва эмизикли аёлларнинг рисоладагидек овқатланиши ҳам уларнинг меҳнат қилиши, дам олиши, фарзандларини тарбиялаши масалалари сингари жамиятнинг кечиктириб бўлмас муаммоларидандир. Чунки бу аёллар каби жамият ҳам эртанги авлодлар олдида жавобгардир. Чунки кўп жойларда, асосан республикамиз аҳолисининг 80 фоизи яшайдиган қишлоқларда овқат нон-чойдан иборат бўлган шароит ҳукмронки, биз бу ерда минг хил маслаҳат бермайлик, ўқувчиларимиз

## СОҒЛИҒИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

қулоғига кирмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаётганлиги камлик қилгандек, бор маҳсулотлар ҳам узоқ йиллар химиявий дориларнинг беҳисоб қўлланиши оқибатида оларини олиб бўлди. Ҳатто она сутиди ҳам топилмоқда. Шуларни ўйларкансан киши, республикамизда болалар ўлимининг юқорилиги, носоғлом болалар дунёга келаётгани, чала туғилшлар сабаблари аниқ бўлади қўяди.

Аёл ўз моҳияти эътибори билан она, фарзандини не машаққатлар ила дунёга келтиради, тунни кунга улаб вояга етказади. Шундай экан, авлоди соғлом бўлиши учун уларни оғир ишлардан озод этишимиз керак. Аёлларимиз шундагина ўзи ва фарзандлари соғлиғига қарайди, бола тарбияси билан шуғулланишга вақт топади. Бундан жамиятимизга фақат фойда келади. Ахир, Япониядек жаҳонда энг тараққий топган мамлакатда аёллар асосан бола тарбияси ва уй-рўзгор юмушлари билан шуғулланиб, эркаклар эса ишлаб чиқаришда жуда юқори самарадорликка эришишмоқда-ку!

Биз учун эса, ҳозир энг муҳим вазифалардан бири — халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришилса, қайта қуриш янада дадилроқ илдамлаган бўлур эди.

## ҲАВАСКОР ФАНТАСТ- ЁЗУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Едингизда бўлса, 1977 йил февраль ойида «Фан ва турмуш» журнали республикамизда фантастика соҳасида қалам тебратувчи ижодкорларнинг илк бора бошини қошуштириб, редакция ҳузурида Ёш фантастлар Советини ташкил этганди. Бир неча йил мобайнида Совет республика бўйича кўплаб ижодкорларни кашф этиб, уларнинг асарларини элга танитди, бу билан ёш ўзбек фантастикаси ривожига баҳоликўдрат ҳисса қўшди.

Бироқ 80-йиллар бошида Ўзбекистон Ёзувчилар союзида Саргузашт ва фантастика совети тузилгани муносабати билан «Фан ва турмуш» редакцияси ҳузуридаги Ёш фантастлар совети тўлалигича Союзга ўтди. Лекин бир неча йилдан кейин Саргузашт ва фантастика совети ҳам турли сабабларга кўра тарқалиб кетди.

Фантастика адабиётимиз учун исбатан янги соҳа эканлигини, бу борада ёш ижодкорларга тажриба етишмаслигини, улар йўл-йўриқ, маслаҳатга эҳтиёжманд эканликларини, қолаверса, редакцияларнинг барида ҳам бу соҳага бирдек хайрихоҳ муносабат

йўқлигини назарда тутиб, «Ёшлик» журнали бултўр баҳорда редакция ҳузурида Фантастика клубини ташкил этди. Ёзда эса, Бутуниттифоқ ёш фантаст-ёзувчилар уюшмасининг Тошкентда ўтган семинаридан кейин республика Ёзувчилар союзи ҳузурида Уюшманинг Ўзбекистон бўлими тузилди.

Бинобарин, ҳаваскор фантаст-ёзувчилардан ижод намуналарини аввало Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг область бўлимларидаги ўртоқлар ҳукмига ҳавола этишларини илтимос қиламиз. Улар маъқуллаганидан кейингина асарларни бевосита фантастлар муҳокамасидан ўтказиш учун «Ёшлик» журнали редакциясидаги фантастика клубига [700113, Тошкент-113, «Правда» газетаси кўчаси, 60-уй] ёки Бутуниттифоқ ёш фантаст-ёзувчилар уюшмасининг Ўзбекистон бўлимига [700000, Тошкент, ГСП, Пушкин кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи] юбориш керак. Ҳар иккала ташкилотда «Фан ва турмуш»нинг вакили бор, у муҳокамадан ўтган асарларни журналда эълон қилиш учун танлаб олади.

БУНДАН КЕЙИН РЕДАКЦИЯ ФАНТАСТЛАР МУҲОКАМАСИДАН УТМАГАН АСАРЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚМАЙДИ, ШУНИНГДЕК, ФАҚАТ УЗ БУЮРТМАСИ БИЛАН БАЖАРИЛГАН ТАРЖИМАЛАРНИГИНА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

РЕДАКЦИЯ.





# ЖУНА ДАВИТАШВИЛИ

## Мўъжизалари

Фильм муаллифларининг фикрига кўра, мен ролин ижро этаётган Юна унга учраб қолган ёш Ҳусайнга қўл ёрдамида муолажа қилиш санъатини ўргатиши лозим эди. Бу саҳна шаҳар ташқарисида жойлашган, моҳир декораторлар ўрта асрлар шифохонасига айлантириб юборган қадимги Даҳбед масжидида суратга олинди. Бир маҳал режиссёр бемор ролига мос келадиган одамни ахтариб қолди.

— Келинг, мен қидириб кўрай, — дея таклиф қилдим. — Саломатлиги нисбатан қаттиқ шикастланмаган биронтасини топсам, шу баҳона бир одамга ёрдамим ҳам тегиб қолар. Елғондакам муолажа ўрнида ростокам муолажа билан банд бўлсам, ўзим ҳам табиийроқ кўринардим балки...

Элёр маъқуллаб бош ирғади ва мен қўлларимни кўтарганча, оммавий саҳналарда иштирок этувчи одамлар орасидан ўта бошладим. Бир вақт кекса кишининг ёнида тўхтадим-да, ёнида ўтирганлардан:

— Бу одамнинг қулоғи оғирми! — деб сўрадим.

Атрофдагилар фикримни тасдиқлашганидан сўнг, қўлларимга келаётган сигналларни ўқий бошладим:

— Бу киши саксонни қоралаб қолибди. Гаранглигига анча бўлган. Йигирма йил нари-берисда. Аввал чап қулоғи, кейин ўнг қулоғи эшитмай қолган. Унга баландроқ овозда айтинглар-а: ҳайрон бўлмасин, мен ҳозир уни сал-пал даволашга уриниб кўраман. Шояд гапларимизни эшита бошласа...

Шундан кейинги томошани бир кўрсангиз эди! Ҳамма томондан чолнинг иккала қулоғига ўзбекчалаб бир нималарни қичқира кетишди. У бояқиш эса ҳар кимга бир ағраяр, ҳазилвонларга зарда қилишни ҳам, «чўпчак»ка қулиб қўя қолишни ҳам билолмай, каловланиб турарди. Ахир мана йигирма йилдики қулоғи том битган, бақириб гапиришмаса балони ҳам илғамайди. Мен эса чолнинг теварагига тўпланган одамларга кичикроқ «лекция» ўқиш имкониятини бой бермадим.

— Бу кишининг эшитиш қобилиятида жиддий нуқсонлар йўқ кўринади. Шунчаки қаричилик асорати, эшитиш нервлари заифлашиб кетган, холос. Ҳужайралару тўқималарга аввалги қувватини қайтаришга бир уриниб кўрай-чи...

Шундай деб, кўрсаткич бармоқларимнинг учини чолнинг қулоқлари ичига тикдим. Хулласи калом, қирқ беш минутлар ўтиб режиссёр келганида ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Чол икковимиз бемалол гаплашиб ўтирардик, ёш Ибн Сино ролининг ижрочиси Фуқрат Файзиев эса бизга тилмочлик қиларди. Чолнинг гаранглигига ўрганиб қолган «Ибн Сино» овозини баландлатган пайтлари чолнинг пешонаси тиришиб кетиб:

— Э, намунча бақирасан-е, эшитаяпман-у ахир! — дерди-ю лекин — тарки одат амри маҳол — ўзи ҳам бақириб гапирарди.

Ешлар қарсак чалиб юборишди. Қариялар эса пичирлаб аллақандай фотиҳа ўқий бошлашди... Ана мўъжиза-ю, мана мўъжиза! Кимсан Ибн Синонинг ўзига табобатни ўргатган аёл ҳамманинг кўзи ўнгида мўъжиза яратди-я! Яна қаерда денг — масжидда-я! Яна қайси кун денг — жуман қиёматда-я! Э, қурбонлиққа қўй сўйса арзийдиган мўъжиза бу!..

Мен қулиб қўя қолдим: қанақасига мўъжиза бўлсин бу — йиллар мобайнида яратиб келаётган муолажа усулим иш берди, холос. Оддий нарса, ҳеч бир илоҳий жойи йўқ. Аммо лекин илмий консультантлар муолажа усулимга

(Боши ўтган сонда)



ишонишмади ва гаранг чолни даволаш саҳнасини фильмдан қирқиб ташлашни маслаҳат беришди.

...Бир кун кечқурун алламаҳалда, ярим тунмиди-ей, эшик кўнғироғи журъатсизгина чалиниб қолди. Бағримдаги ўғилчамни уйғотиб юбормаслик учун оҳиста ўрнимдан турдим-да, бориб эшикни очдим. Остонада ҳали ёш, лекин пажмурда гавдали, кўзлари йиғидан қизариб кетган бир аёл турарди. Аввал ҳеч қачон кўришмаган бўлсак ҳам у менга исмиини айтиб мурожаат қилди:

— Жуна, ёрдам беринг менга! Уғлим ўлим тўшагида ётибди. Ёнида ўтирган врачларнинг айтишича, сўнгги умид — сиз экансиз, холос. Боламнинг омон қолиши ёлғиз сизга боғлиқ энди...

Мен тезгина кийиндим-у икковимиз уйдан чиқдик. Аёл яқин орада тураркан, лекин йўлда ўзи ҳақида кўп нарса гапириб беришга улгурди.

— Биласизми, — дерди у қоронғида қўлимдан тутишга уриниб, — эрим билан севиб турмуш қурмаганмиз. Узингизга яхши маълум, Грузияда ҳозир ҳам катталарнинг сўзини икки қилиб бўлмайди баъзан. Лекин эндиликда, ўғлим туғилганидан кейин бу — менинг оилам, менинг олашим. Мабодо болам ўлса, мен учун ҳамма нарса барбод бўлади...

Мен индамай борардим, шу тобда нимаям деб юпатардим уни. Уйга кирганимизда ҳамманинг нигоҳи менга қадалди, ҳамма мўъжиза кутарди. Беморнинг ёнига аста яқинлашдим. Бола бечора аранг нафас олар, юзлари мурданикидек оқариб кетганди.

— Упкаси шиша бошлаган кўринади. Биз энди ҳеч қандай ёрдам қила олмаймиз, — дея шивирлади врачлардан бири.

Улаётган бола бирдан кўзини очди. Кейин шунақанги бир илтижо билан қарадики, беихтиёр мен ҳам табиатдан менга ёрдам беришини сўраб илтижо қила бошладим. Болага қўл теккиздим-да кейин индамасдан, мумкин бўлган жамки қўл ҳаракатларини бажаришга киришдим. Шўрлик онау врачларнинг бари ҳаракатларимдан кўз узмай туришган бўлса-да, ҳеч бировининг нигоҳини сезмай узоқ вақт, астойдил ишладим. Лекин айни вақтда бола ўлаётганини сезардим, шу босқ ҳам ишимни тугатганимдан сўнг, индамай эшикка қараб йўл олдим. Она бояқиш умид билан ортимдан отилди:

— Айтинг-чи, Жуна, болам омон қоладими!

Ҳеч нима деёлмадим у бечорага. Қоп-қоронғи ҳовлига чиқдим, чор-атрофни Тбилисининг зим-зиё туни қоплаган, осмонда чарақлаётган йирик-йирик юлдузлар орасида митти юлдузчалар базўргина жимир-жимир қилиб турарди. Улардан бири ҳадемай сўнадиган. Юрагим зирқираб, томоғимга алланима тикилиб келаверади денг.

Кўз ёшларимни тутиб туролмадим ортиқ, ёрдам бе-

ришга мен ожизлик қилган ўша бетоле боланинг тенг-қури — ўғилчамни тезроқ кўриш илинжида қадамимни тезлатдим. Тезгина ечиндим-у унинг ёнига чўзилдим. Уйқу-даги, бадани иссиқина Вахо безовталаниб хўрсинди ва кўзларини очди, лекин мени кўриб жилмайди-да тикма-чокдай қўлчалари билан бўйнимдан кучоқлаганча, яна ухлаб қолди. Мен эса алланималарим бутун борлигим билан пичирлаганча, уни бетиним эркалаганим-эркалаган эди.

Вахо, чамаси, аллақачонлар еттинчи тушини кўрарди, менинг эса киприкларимга ҳеч уйқу қўнмас, унинг жажоки-гина вужудини ҳануз бағримга босганча ётардим. Ногаҳон, ёнимда ўғлим эмас, балки ўша кўқариб кетган, бўғилиб бораётган бола ётгандек, у менга нотаниш ўша уйда эмас, балки шу ерда — менинг ёнимда ўлаётгандек туюлиб кетди. Вахони бағримга босганча, қонини тезроқ қизитишга уринардим, гўё ўша бахтсиз болага айланиб қолган ўғлимдан мени ташлаб кетмаслигини ўтинардим.

Ташқарида зим-зим тун ҳукмрон, бу ерда эса — менинг қўлларим орқали — бамисоли қуёшнинг илиқ нурлари, юлдузларнинг шуъласи, камалак ёғдуси, ёмғирининг шивирлашию япроқларнинг штирлаши — хуллас, инсонни ҳаёт билан боғлаб турувчи, унга куч-қувват ато этувчи нимаики бўлса, ҳаммаси ўтиб турарди. Вақт туйғусини аллақачон унутгандим, менинг ҳаётим ҳаёлан кичкинтойнинг ҳаётига қуйилиб борар, юрагим унинг юраги уришига кўмаклашар, мен эса митти инсоннинг вужуди қандайдир нурафшон қудратга тўлиб бораётганини ҳис этардим, холос... Кейин эса болам — энди бу яна Вахо эди — менга худди бир пайтлардагидек «Биламан — мени қутқариб қоласан...» дегандек бўлди.

У ёнига ҳеч нимани эслаёлмайман, кўзларимда ёш билан ўхлаб қолибман.

Эрталаб эса телефон қўнғироғининг кескин жаранглаши уйғотиб юборди. Кечаги аёлнинг энтиккан, ҳаяжонли овози эшитилди:

— Жуна, раҳмат сизга! Уғлимнинг аҳволи яхши, энди врачларда ҳам умид уйғонди...

Кичкинтойнинг олдига бир неча кун босим келиб турдим, уни ўз ўғлимдек меҳр билан даволадим. Кейин эса мукофотига улкан гулдаста кўтариб қайтарканман, бу оила ҳар қалай бузилиб кетмаганидан қувонардим...

Мен ўз ишларимда ҳамиша даволашда гўё гипноз ёки инонтиришдан фойдаланишим тўғрисидаги ҳар хил миш-мишлар асоссиз эканлигини исботлашга уринардим. Бунинг болалардаги ғилайликни даволаш мисолида яққолроқ кўриш мумкин, деб ўйлайман.

Олдимга чақалоқларни, кичик ва катта ёшдаги болалар, ҳатто ўсмирларни олиб келишарди — биронтасини даволашдан бош тортмаганман. Бу нуқсонни бартараф этишнинг махсус усулини ўша кезлардаёқ ишлаб чиққандим, ғилайликка қачон ва қандай таъсир кўрсатишни билардим.

Хўш, ташқаридан қараганда бу қандай кўринади! Ҳузуримга ёш болани олиб келишди дейлик, нуқсон кучайиб кетмаслигини бартараф этиш учун менга санокли лаҳзалар кифоя. Яна бир неча лаҳза, баъзан бир минутдан камроқ вақт гўё боланинг юзларини силаган бўламан, лекин кўзларига тегинмайман. Еттинчи сеансга борганда эса, одатда, ғилайликдан асар ҳам қолмайди. Бахтли ота-оналар кичкинтойларини менга ҳар тарафлама кўрсатиб севинишади:

— Қаранг-а! Энди унинг кўзлари ҳам маникидек!

Ҳатто ҳамманикидан яхшироқ, дейман шунидей кезлари ва келгуси гал ҳам ғилайликни муваффақиятли даволай олишимни биламан. Мен одамларни бундан оғирроқ нуқсонлару дардлардан ҳам халос қила оламан. Лекин шу ўринда айнан ғилайликни даволаш натижалари хусусида атайин сўз очдим.

Негаки, бу мисолда қўл ҳаракатлари ёрдамида даволаш самараси яққол кўриниб турибди. Чақалоқлар, ёш болалар инонтиришга ёхуд гипнозга берилмаслиги аллақачонлар исбот қилинган. Ғилайликни инонтириш усулида даволаш эса умуман мумкин эмас. Қолаверса, бу нуқсон ҳеч қимда ўз-ўзидан тузалиб кетмаган ҳали. Демак, яккаю ягона хулоса чиқариш мумкин, холос: бунинг психоген ва на психотерапевтик таъсир деб бўлади.



## СИРЛИ ХОДИСАЛАР СОЛНОМАСИ

...«Видеокундалик» тутганман, унга тез-тез мурожаат қилиб тураман. Тажрибаларимнинг ҳаммаси суратга олинган бўлиб, улар кассеталарда сақланади. Зотан, бутун борлиқни унутиб ишлаётган пайтимда кўп нарсаларни эътибордан четда қолдиришим ёхуд шунчаки пайқамаслигим мумкин. «Видеокундалик»да эса стоп-кадрдан фойдаланиб, ҳамма нарсани майда-чўйдасигача назардан кечириш, бафуржа ўйлаб кўриш, нималарнидир аниқлаб олиш ва ҳатто кичик кашфиётлар қилиш ҳам мумкин.

Мана, шу кассеталардан бири. Икки ёшида жароҳатлангандан кейин мутлақо кўрмай қолган олти ёшли араб қизини қандай даволаганимни ассистентим яхшилаб суратга туширган экан. Ота-онаси қизчани кўплаб мамлакатларда, жумладан АҚШ ва Филиппинда ҳам талай врачлар қўлида даволатишган, лекин муолажалар ҳеч қандай наф бермаган. Менинг олдимга олиб келишганда эса унга ёрдам бера олишимни қўлларим орқали сездим.

Чиндан ҳам қизчанинг кўзлари очилди! Мен янглишмаган эканман. Бу воқеа шохидларнинг барига қандай таъсир кўрсатгани ҳақида, эҳтимол, ўзим гапирмаган маъқул эди. Одамлар йнглашар ва фақат битта — «мўъжиза» сўзини такрорлашарди. Мен эса шунчаки, улар билан биргаликда қувонардим, холос.

Қизалоқ хилма-хил нарсаларни фарқлаётгани, дастурхонимдаги юлдузлар тасвирини жажоки қўлчалари билан бирин-кетин кўрсатаётгани видеоёзувда аниқ кўриниб турибди...

Мана бу видеоёзув ҳам ундан камроқ ҳаяжонлантирмаси керак. Йнгирма ёшли йигит товушларни ва инсон нуқсини илк бора эшитиб, ўзи ҳам гапиришга уринаяпти, ҳали унчалик аниқ бўлмас-да менинг исмиمنى айтаётганини сезиш қийинмас... Унинг овозини бутун вужудим билан эшитаяпман, ҳанузга қадар эшитаман.

Улкан меҳнатим эвазига яралган шу хил ҳар бир «мўъжиза» мени ҳамиша ларзага солади. Бунга ҳеч кўника олмаман.

Ака-укалар, Женя ва Андрюша Анохинлар ҳақида жудаям-жудаям гапириб бергим келаяпти. Катта ўғил соғлом туғилиб, онасида ҳеч қандай хавотир уйғотмаган. Лекин тилга кирадиган пайти келганда бола чурқ этмаган. Маълум бўлишича, у туғма соқов экан. Онанинг дард-дунёси қоронғи бўлиб кетади, аммо яна фарзанд кўришга аҳд қилади. Иккинчи ўғил ҳам соқов бўлиб туғилади. Боляқиш она бошини қай тошга урсин! Дардини ичига ютади-ю, бироқ умид узмайди. Бирон мўъжиза рўй бериб қолишига кўз тикиб, сабр-тоқат билан кута бошлайди. Фарзандларининг сокинлик оламига кириш учун она бечора кар-соқовларнинг имо-ишора тилини ўрганади ва уларга эртактлар айтиб бера бошлайди. Эртактлар эса ҳамиша узоқ кутилган мўъжиза билан тугайди. Ахийри бир куни кичик ўғли сўради:

— Ойижон, қачон сеҳргар келиб, акам икковимизни даволайди! Наҳотки ҳамма эртактлар ёлғон бўлса!

— Кутавер, ўғлим, — деди шўрлик она, — у албатта келади.

Лекин ўзининг юрак-бағри эзилиб кетди.

Шу зайлда йиллар ўтаверди. Катта ўғил улғайди, қалбида муҳаббат гунча ёзди. Унинг севгани гўзал бир қиз бўлиб, афсуски, у ҳам кар-соқов эди. Айнан шу кезлари бу оила менинг муолажа усулимдан хабар топиб қолади. Ҳузуримга учовлон — ака-ука ва она биргалашиб келишди. Ака-укаларни текшириб чиқиб, уларга ёрдам бера олишимни ҳис қилдим:

— Уриниб кўрайлик-чи!

Даволаш имконияти борлигини аниқ билардим! Мендан яна «мўъжиза» талаб қилинарди. Бошқаларда йўқ қобилият соҳибидан талаб ҳам катта бўлар экан. Хуллас, тиним билмай ишлайвердим. Эртактлардаги сеҳргар келишини орзиқиб кутган кичик ўғил тилга кирган кунни бир умр

унута олмайман. У биринчи сўзини менга қарата айтди, мени «она» деб атади. Шу биргина сўзнинг ўзиёқ узоқ йиллар яшаб, бетиним ишлашга арзир эди. Ака-укаларнинг иккови ҳам тилга кириб, бемалол гапира бошлади.

Лекин ҳаётда бахт билан қайғу ҳамиша ёнма-ён юради. Шифо топган катта ўғил кўп ўтмай яна ҳузуримга келиб, севган қизига ҳам ёрдам беришимни илтимос қилди. Тўғри, у мени огоҳлантириб қўйди: қизнинг онаси врач бўлиб, ҳеч қанақа «мўжиза»га ишонмас, ҳатто ака-укаларнинг тузалиб кетишини ҳам қандайдир бир тасодиф деб билар экан. Шунга қарамай, мен йигитнинг раъйини қайтара олмадим.

Очиғини айтганда, ҳар нарсага шубҳаланиб, ҳадиксираб қаровчиларни жиним сўймайди, ўйлашимча, бунга тўла ҳақим ҳам бор. Лекин, ҳар қалай, қизнинг онаси билан учрашишга розилик билдирдим, ака-укалар шифо топиши учун озмунча қийналдимми ахир! Дёлнинг ўзи ҳузуримга келди. Аввалига у ишонқирамагандек, сергакланиб ўтирди-ю кейин бирданига йиғлаб юбориб, барига-барига ўзим айбдорман, аниқроғи, тигдан бўлак ҳеч нимага ишонмаслик одатим айбдор, деб иқроф бўлди. Умид деярли йўқлигини билатуриб, у қизини аллақачоноқ икки марта операция қилдирган экан. Эндиликда эса умид деган нарсанинг ўзи қолмабди. У-ку менга ишонишга тайёр-а, ҳатто, гарчи тан олишга қўрқаётган бўлса-да, ишонаяпти ҳам, бироқ қизига бу ёрдам берармикан энди...

Кар-соқов қиз гурурли экан, йигит бояқиш қанчалик ўтинмасин, ундан воз кечиб кетди.

Бу фожиа ҳақида мен поэма яратдим. Унда донишманд қариялар яқин кишиларига ҳадемай ўлишлари ҳақида фақат томирларидаги қон совиётганини ҳис қилишгандагина гапиришлари тўғрисида ёзганман. Умуман, биз ниҳоятда кам ҳаёт кечиримизни ўйласам, кўйиб кетаман. Томирлардаги қонимиз иссиқ бўлганда-ку биз етиш ёшда ҳам куч-ғайратга тўлиб, ўйнаб-кулиб юрардик, яна камида чорак аср умр кўришимизга бемалол ишона олардик.

Иссиқ қон — бу узоқ умр ва жамики аъзоларнинг бир маромда ишлаши истиқболдир, бу эшитиш ва кўриш нервларининг уйғонишидир, бу бир текис уриб турувчи юракдир. Мен сенга, азиз ўқувчим, иссиқ қон, бинобарин, сихат-саломатлик ва узоқ умр тилайман... Поэмамнинг мазмуни шу, ҳаётимнинг мазмуни шу. Лекин, ҳар қалай, ака-укалар ҳақида нима учун ҳикоя қилдим ўзи! Бунга шундай жавоб бераман:

— Мен учун ишларим ҳам, ҳаётим ҳам ўзаро узвий боғлиқ. Ишларимда ҳам, шеърларимда ҳам, оламини англашимда ҳам мен доимо ўзлимча қоламан.

Мен ўз тажрибаларимни баён қилдим. Шундай баён қилдимки, гўё уларнинг бири иккинчисига уланиб келаётгандек. Аслида эса улар оламини англаш йўлидаги тик пиллапоёллар ва машаққатли довлонлардир — жуда бўлмаганда менинг тақдиримда. Ана энди орқага бир назар ташлашга уриниб кўрайлик. Мен нималарни истагандим ўзи! Авваламбор, шифобахш таъсирим қандай бўлмасин бирон объектив тарзда қайд этилишини, яъни, буларнинг бари ғайритабиий эмас, балки табиий ҳодиса, бошқача айтганда воқелик эканлиги ҳаммага яққол аён бўлишини истагандим.

Кейин эса қўл ҳаракатларимнинг физиологик моҳиятини аввало ўзим тушунишга, сўнг бошқаларга тушунтиришга қурбим етганча уриндим. Ана шу зайдда фикрлай бориб, менинг усулим — қонни иситиш усули эканлигини, қон эса организмнинг нормал ҳаёт фаолияти учун асос эканлигини тушуниб етдим. Олимлар биологик объектларнинг физик майдонини топиши ҳамिशалик орзум эди, негаки масофадан туриб шифобахш таъсир кўрсатиш (бошқача айтганда — «қўл тегизмай массаж қилиш») усулини талай олимлар «биомайдон» тушунчаси билан боғлашади, бу тушунча эса муайян даражада шартлидир, лекин шунга қарамай, реал асосга эга эмас.

«Биологик объектларнинг физик майдонлари» атамасини ўртага ташлагандан кейин ўзим «биологик объект» ролини ўйнашга, яъни тажриба менинг устимда ўтказилишига рози бўлдим. Ва ниҳоят, орзум ушалди: ўша физик майдонлар аниқланди.



Жуна Давиташвили айна пайтда ажойиб шоира, хушвоз хонанда, фантаст-ёзувчи ва моҳир рассом ҳам.

Муолажа усулимни сир сақлашга ҳеч қачон уринмаганман, кимки уни эгаллаб одамларга наф келтиришни хоҳласа, ўргатишга ҳамиша тайёрман. Эндиликда врачлардан шогирдларим кўп. Улар усулимдан операция асоратларининг олдини олишда, операция чокларининг битишини тезлаштиришда, қон кетишини тўхтатишда ва ҳоказоларда фойдаланишмоқда... Эндиликда менинг усулим бир қатор касалликларга қарши курашда ёрдам берувчи диагностик, профилактик ва даволаш воситаси сифатида амалиётда борган сари кенг қўлланаётир...

Ҳозирги вақтда тўплаган тажрибаларимни мумкин қадар кўпроқ медицина ходимларига ўргатиш мақсадида Уқув маркази ташкил этиш ҳаракатидаман. Ишончим комилки, бу орзум ҳам рўёбга чиқади...

Ахир, инсоннинг ҳали фанга номаълум, ҳали англаб етилмаган хусусиятлари нақадар кўп, резерв имкониятлари нақадар улкан! Масалан, олис масофага телепатик нигоҳ ташлаш ҳақида ҳозир нима биламиз ўзи! Мен эса оламини англашнинг ҳали сирли бу соҳасида ўтказилган бир қанча тажрибаларда қатнашувимга тўғри келган. 1984 йил октябрида АҚШнинг Бэй Рисерч институти билан СССР Фанлар академиясининг назарий проблемалар бўлими ҳамкорлигида кўплаб минг миль масофада телепатик кўриш бўйича иккита тажриба ўтказилди. Ҳар нарсага шубҳаланиб қаровчиларни олдиндан огоҳлантириб қўяй: тажриба физик ҳодиса мавжудлигини исботлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, балки телепатик нигоҳни намоиш этишини кўзда тутгани, холос.

Расел Тарг билан Элизабет Тарг менга Сан-Франциско шаҳридаги иккита жойини «кўриш» ва тасвирлаб беришни таклиф этишди. «Кўр-кўрона» ўтказилган ҳар иккала тажриба Москвада видеоплёнкага ёзиб олинди. Элизабет Тарг олдимга қўйган дастлабки вазифага кўра, мен Сан-Францискода уларнинг ходими Кейт Харари борадиган жойини олти соат аввал тасвирлаб беришим керак эди. Қисқаси,

Кейт Харари ўзининг Сан-Францискода маза қилиб уйқуни уриб ётган бир пайтда мен Элизабетга у олти соатдан кейин уйғониб, тасодифий сонлар генератори ёрдамида танлайдиган жойни тасвирлаб берардим. Ваҳоланки, Харари ўз шаҳрининг, мен етти ухлаб тушимда ҳам кўрмаган шаҳарнинг қизқарли, лекин унча яхши маълум бўлмаган олти жойидан хоҳлаганини танлаб, ўша ерга бориши керак эди.

Тажриба мобайнида мен қандай аҳволга тушганимни тасвирлаб бериш мушкул, қарийб мумкин эмас. Элизабетнинг саволларини элас-элас эшитар эканман, кўзларимни кафтим билан тўсиб олганча, йироқ-йироқ масофалар қаршимдан нур тезлигида ўчиб келаётганини, қандайдир нарсалар ғира-шира шаклга кираётганини кўриб турардим. Элизабет шундай деди:

— Эртага Сан-Францискодаги дўстимиз қайси жойда бўлишини биз билмаймиз. Марҳамат қилиб ўша жой ҳақида ўйланг, нималарни ҳис этаётганингиз, нималар кўри-наётгани тўғрисида гапиринг.

Мен ўзим ҳам таниёлмаган бўғиқ овозда жавоб қила бошладим:

— Аллақандай майдончани кўраяпман... У йирик бинолар олдида жойлашган. Бинолардан бири гумбаз шаклида... Йўқ, аниқроғи учбурчакка ўхшайди (ўша бинонинг шаклини қоғозга чизиб кўрсатдим ва шундан кейин «кўрганларим»ни яққолроқ ифодалаш учун бошқа нарсаларни ҳам чизиб бордим). Бино олдидан кенг ва узун йўл бошланган, кейин у бурилади... Бу йўл айлана!

Сўнгра Элизабет мендан бу жой юқоридан ёки Кейт туриши мумкин бўлган нуқтадан қандай кўринишини сўради.

#### Давоми. Боши 7-бетда

ТошДУ биология-тупроқшунослик факультетининг доценти, эколог-орнитолог Д. Ю. Кашкаров «Майна зарарлими?» деган саволга қуйидагича жавоб берди: — «Майна ўз ареалини ўзи кенгайтирмақда, бунда инсоннинг иштироки йўқ, бу табиий жараён, шунинг учун ҳам биз унинг экологиясига аралашшга ҳаққимиз йўқ, лекин уни ҳар тарафлама кузатишимиз, ўрганиб боришимиз лозим. Майнани мутлақо зарарли дейишга ҳам ҳаққимиз йўқ, чунки ҳали ҳеч ким исбот қила олмаган. Тўғри, баҳорда улар олча, гилос, тут, узум ва бошқа меваларга ҳужум қилади, аммо уларни ҳар бир ҳўжаликда ҳайдаш, меваларни эса муҳофаза қилиш мумкин».

Мен «Хўш, майна бошқа қушларнинг уяларини тортиб олаётганига нима дейсиз?» деб савол бердим.

«Ҳа, бу тўғри, лекин табиат доимо қарама-қаршилиқ ва зиддиятлардан иборат. Шу зиддият туфайли қанчадан-қанча турлар йўқолиб, ўрнига янгилари пайдо бўлади, биз бунга ҳам аралаша олмаемиз,» — деди олим.

Кейинги вақтда олиб борган кузатишларимиз майнанинг ўзига хос қобилиятини очиб берди. Бу қуш турли шароитда уя қура олар экан. Масалан, жарлик деворлари, қоялар тирқишлари, кўп қаватли иморатларнинг ёриқ ва қавакларида, бетон устунларнинг бўшлиқлари ва ҳатто ишқомларнинг металл кувурларига ҳам уя солаверади.

Майна турли нарсаларни аралашига еб кетаверади. Масалан, ўсимлик меваси, уруғи, дони, ҳашарот, ўлимтиқлар, турли овқат қолдиқлари ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам майна ҳеч вақт оч қолмайди ва турли шароитда яшаб кетаверади. Бунинг устига майна бир йилда 2—3 марта тухум қўяди. Шу тариқа у йилдан-йилга кўпайиб тор ареалга сиғмайди ва ўз ареалини кенгайтиришга мажбур.

Хуллас, мен тўқсон учта тушунча ёрдамида ўша жойнинг майда-чуйда тафсилотларини ҳам тасвирлаб бердим. Масалан, «динг қулоқли ва йирик кўзли ҳайвоннинг ён томондан кўринаётган боши» ва «оппоқ кат» кабилар шу жумладан... Элизабет билан суҳбатимиз тугаганидан кейин, Москва вақти билан ярим тунга бориб, америкаликлар Сан-Францискога қўнғироқ қилишди ва Харари ярим соат мобайнида 4-номери объектда бўлганини аниқлашди. Шундан сўнг тажрибанинг Москвадаги ташиқлотчилари 4-номери конвертни очиб, унда... 39-причалдаги болалар отўйини тасвирланган отриткани кўришди. Динг қулоқли ва йирик кўзли ўйинчоқ от ҳам, оппоқ кат ҳам ана шу отўйинда эди. Мени ўшанда ҳам, кейин, америкалик олимлар бу тажриба билан муваффақиятли ўтган иккинчи тажрибани статик анализ қилишганида ҳам қизғин табриклашди.

Бу тажриба ҳақида қисқагина ҳикоя қилдим, бошқа манбаларда у муфассалроқ ва илмий мулоҳазалар билан тасвирланган. Мен учун эса бу ўринда бошқа нарса муҳимроқ — шу нарсага яна бир бор имон келтирдимки, башарият инсон организмнинг энг яширин сирларини очиш арафасида, мисли кўрилмаган равнақ ва эзгуликлар бахш этувчи буюк кашфиётлар арафасида турибди.

Рустам ОБИДОВ  
таржимаси.

ТАРЖИМОНДАН. Жуна Давиташвилининг «Қўлларимни тинглайман» номли қиссаси тўлиқ ҳолда «Физкультура и спорт» нашриётида босмадан чиқди. Таржима қилиниб, Югославияда чоп этилди. Яқин орада бу қиссани ўзбек тилида ўқишингиз ҳам мумкин.

Майна — ажойиб қуш. Майналар жуда аҳил ва гала-гала бўлиб яшашади. 5—10 та бўлиб бирга овқатланади ва хавф-хатардан бир-бирларини жуда яхши ҳимоя қила олади. Шаҳар атрофидаги дала ва боғларда, қишлоқларда минглаб ҳашаротни еб, уларга қирон келтиради.

Кўпинча, қўй, сигир, от каби уй ҳайвонлари устига кўниб турган қушга кўзингиз тушади. Шунда майна улар танасидаги турли қон сўрувчи паразитларни, каналарни териб еяётган бўлади. Демак, майна чорва моллари учун жуда катта санитарлик вазифасини бажаради. Умуман, зараркунанда ҳашаротларни еб келтирадиган фойдаси меваларни еб келтирадиган зиёндан юз чандон ортиқдир. Агар бошқа ҳашаротхўр қушлар ўлкамизда фақат баҳор ва ёз фаслларида учраса, майна йил давомида яшаб, ҳашаротларга қирон келтиради.

Майналар жуда яхши сайраш қобилиятига эга. Улар ҳамма қуш ва жониворларнинг овозини такрорлай олади ва худди тўти қушдек одам товушига тақлид қилади.

Қиш фаслида майналар галасидаги қушлар юз, ҳатто мингдан ортиб кетади. Шу вақтда улар оморлардаги галлага зиён келтирадиган ҳолатлар содир бўлади.

Бундан ўн йиллар аввал, Тошкентдаги катта бир заводнинг маъмурияти «Майналардан дод!» деб, ёрдам сўраб газета редакциясига мурожаат қилган. Газета редакцияси эса бу мактубни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Зоология ва паразитология институтига юборган.

Хатдан маълум бўлишича, майналарнинг ўнлаб галаси завод цехларига кириб, цехнинг шипидаги панжараларда тунар экан. Кечаси билан цехдаги дастгоҳлар устини ифлослантириб, тонгда учиб чиқиб кетишар экан. Эрталаб ишга келган ишчилар ярим соат дастгоҳларини тозалаш билан овоза эканлар. Завод маъмурияти ана шу ҳолатдан қутулиш учун ёрдам сўраган.

Бу иш билан институтнинг илмий ходими, биология фанлари кандидати Элмурод

Шерназаров шуғулланган. Аввало у заводга бориб, майналар тунаш учун келаётган вақтини аниқлайди, сўнгра бир тирик майнани олиб, унга азоб бериб, «дод-фарёд» овозини магнитофон лентасига ёзиб олади. Сўнгра мутахассислар завод томларига карнайлар ўрнатишган. Майналар завод территориясига учиб кела бошлаганда эса, карнайлар орқали қийноқдаги майнанинг овози эшиттирилган. Буни қарангки, учиб келаётган майналар орқага қайтиб кетган. Шу тажриба 2—3 марта такрорлангандан сўнг, майналар мутлақо завод территориясига яқинлашмади. Демак, Э. Шерназаров усулини қўллаб ҳўжаликларда майналар ҳўжумидан халос бўлиш мумкин.

Майна ўзи ареалини аста-секин кенгайтириб келаётган бир пайтда, уни кузатиш ўрнига баъзи илмий ходимлар ва қушсеварлар қисман қўпол хатоларга йўл қўйишган. 1947 йили Тошкент ҳайвонот боғи ходимлари бир неча майнани Термиздан олиб келиб кўпайтиришган. Уша вақтларда Тошкент ва Олмаота шаҳарларига 200 тадан зиёд майна қўйиб юборилган экан. Шундай қилиб, бу кишилар майнанинг табиий равишда кўпайишини тезлаштиришган.

Ҳозирги кунда қушлар билан савдо қиладиган кишиларнинг саъй-ҳаракати билан Ватанимизнинг турли чеккаларида майналар сотилмоқда. 70-йилларда Москва шаҳрида ўтган қуш савдоси туфайли, ҳозирги кунда пойтахтнинг баъзи боғлари ва атроф ўрмонларида учиб юрган майналарни учратиш мумкин.

Шундай қилиб, бу ажойиб қуш кун сайин ўз ареалини кенгайтириб бормоқда. Сўнги маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда майналар табиий ҳолатда Байкал атрофларига ва Семипалатинск шаҳрига қадар етиб борган ва яна шимолроққа интиляпти.

Абдулла АЮПОВ,  
ТошДУ биология-тупроқшунослик  
факультетининг катта ўқитувчиси.

**Б** улутлардан ҳам баландда эдик. Чавкартоғ чўққисига йўналган ёлғизоёқ сўқмоқ ён бағирлардан кўтарилиб бориб, чўққига туташ тизмага чиқади-да, яна давом этади. Тиклик оёқлардан мадорни олиб қўйган, сийрак ҳаво ва нишаб бўйлаб уч ярим соатлик кўтарилиш бир оз толиқтирди шекилли, забткорлик группасининг олдинма-кетин из солган тўртала аъзоси оғир-оғир нафас олар, бирпасгина ҳордиқ чиқариш учун қулайроқ манзилни мўлжаллаб борардик.

Чап томонда Қашқасувнинг мовий водийси ястаниб ётар, ундан нарида Искандар довони мағрур қад кўтариб турарди. Бу улугвор манзара шундай гўзал эдики, суқланиб томоша қиласиз, кўз узолмайсиз. Ҳу ана, биз курган чодирлар, улардан нарида тоғбегининг оқ уйи бамисоли гугурт қутичасидай мўъжазгина кўринади. Ям-яшил ўтлоқлар беқиёс бир жозоба касб этар, осмонда сузиб юрган оппоқ булутлар эса бу манзарага янада гўзаллик бағишларди.

Биз йўл олган тизманинг ўнг томонида бошқа бир манзара кўринади. Ана, Қизилмозорнинг қизил тупроқли ерлари алоҳида ажралиб турибди. Чандирдаранинг ваҳимали гувиллаши элас-элас эшитилади. Осмонда қуёш чарақлаб турса ҳам бизда салгина пастда, шундай ёнгинамизда булутлар қуюқлашиб борар, гўё бутун водий туманга бурканаётгандай таассурот туғиларди. Чап томонда ҳам туманлар қуюқлаша бошлади. Қуёш баркаши ғарбга оғди. Кўзлаган манзилимизга-ча ҳали бирон соатли йўл бор. Қопқора қуруқ тошли тоғ белида ўтирганча, бир оз нафасни ростлаб, тамадди қилиб олдик-да, яна йўлга отландик. Олдинма-кейин тизилишиб кетаяпмиз.

— Арвоҳ!!!

Ҳайқириб юборган — энг кейинда келаётган Қодир эди. У қўлини чап томонга узатганича Қашқасув водийсини кўрсатар, юзида кўрқув қотиб қолганди.

— Арвоҳлар! Оппоқ кийинган арвоҳлар!..

Ҳаммамиз туман қоплаган водийга қараб, антиқа, ҳам бир оз кўрқинчли манзарани кўрдик.

Оппоқ туман орасида элас-элас илғаса бўладиган даражада бир доира пайдо бўлганди. Унинг атрофида камалак ранглари жилваланар, ўртасида эса баҳайбат одамлар юриб келишарди. Йўқ, юриб эмас, гўё муаллақ тарзда, ҳаракатсиз... сузиб келишарди. Қор одамлар ҳақида ўқиганларим эсимга тушиб кетди. Ростдан ҳам қор одамлармикан улар? Унда нега туман орасида муаллақ туришибди? Устига-устак, янаям баҳайбат тусга кириб боришяпти... Хаёл эса тутқич бермайди. Узга сайёралик келгиндиларми?! Уз шакл-шамойилини ўзгартирадиган мавжудотларми?..

Оғиз очишга ҳеч ким журъат қилол-



## ТОҒДАГИ АРВОҲЛАР

масди. Туман ўртасида тобора катталашаётган улкан доира ичидаги баҳайбат одамларни ҳар биримиз жимгина кузатардик. Елкамдаги зил-замбил сафар халтани ерга тушира туриб, бирдан... ўзимни таниб қолдим! Уша ҳайбатли «арвоҳ»ларнинг бири менинг ўзим эдим!.. Лоп этиб «тоғ арвоҳлари» хусусида ўқиганларим ёдимга тушиб кетди.

Биз кўрганимиз табиатнинг ғаройиб ҳодисаларидан бири бўлиб, шунга ўхшаш ҳодисани Қрим метеорология станциясининг бошлиғи 1941 йилнинг феврилида кузатган. У метеостанциядан чиқаётган туман орасида қандайдир катта доғга кўзи тушади. Бир неча дақиқадан сўнг доғ маълум шакл ола бошлайди ва туман орасида бирдан баҳайбат одам пайдо бўлади. У доира шаклидаги камалак ёғдуси билан ўралган эди. Шарпа ўн минутлар чамаси кўриниб тургач, кейин шаклини ўзгартира бошлайди, сўнг туманга сингиб кўринмай кетади.

Фан тарихида ноёб саналадиган бу

табиат ҳодисаси Германиянинг Броккен тоғлари номи билан «Броккен шарпалари» деб аталади. Бу тоғда ора-сира улкан одамлар шарпаси пайдо бўлиб туради. Ҳар нарсага ишонувчан одамлар уларни «нариги дунёдан келганлар» деб билишади. Броккен тоғларида алвастилар ва жодугарларнинг чайлалари борлигига ишонишарди. Аммо, бу ғалати табиат ҳодисасининг изоҳи жуда оддий. У ҳам бўлса шуки, «тоғ арвоҳлари» — ўша пайтда тоғда юрган одамларнинг сояларидир.

Агар қуёш чиқаётганда ёки ботаётганда кимдир тоғ чўққисига чиқса, қуёшга қарама-қарши томондаги туманда ёки булутда чўққидаги одамнинг сояси акс этади. У, одатда, баҳайбат шаклли бўлади. Бундай «арвоҳ»ларни Сихотэ-Алин тоғларида инженер-геолог М. Цветов ҳам кузатганди.

«Броккен шарпалари»га учувчилар кўпроқ дуч келишади. Самолёт булутлар орасида учиб бораётганда сояси камалак рангли ҳалқа ичида сарғиш шарпа бўлиб кўзга ташланади.

Аммо нима учун «тоғ арвоҳлари» ҳар доим рангли ҳалқа ичида кўринади? Маълумки, туман ҳам, булут ҳам жуда майда буғлар — сув томчилари, муз кристалларидан иборат. Қуёш нури булут орасидан ўтаётганда ва рангли қисмларга ажралади. Шунинг учун ҳам тоғдаги соялар атрофида камалак рангли ҳалқалар пайдо бўлади.

Бундай ҳодисани оддий шароитда ҳам кўплаб кузатиш мумкин. Масалан, туманли кечада симёғочда ёниб турган лампа атрофида ёки шаршарада аксланган қуёш нурида ҳам камалак кўринади. Агар ўз бошингизнинг атрофида камалак рангини кўрмоқчи бўлсангиз, эрта тонгда, ҳали майсалардан шабнам кўтарилмай туриб, қуёшга тесқари туринг. Кейин майсазорга тушаётган соянгизни кузатиш — бошингиз атрофида рангли ҳалқалар кўринади. «Броккен шарпалари» ҳодисаси ана шу тарзда изоҳланади.

...Камалак рангли ҳалқа ичидаги улкан оқ одамлар — сояларимиз бизни ёнгинамизда, то булутлар қуршовидан чиққунимизга қадар кузатиб боришди...





Энди ҳақиқий арвоҳларга ўтсак. Ҳа, ҳа, тоғлардаги ажабтовур соялар эмас, балки қадимий қасрларда пайдо бўладиган росмана арвоҳларга, зотан, улар ҳам сирли ҳодиса сифатида ҳамisha қизиқиш уйғотиб келади-да.

Нафсиларини айтганда-ку сирли ҳодисаларга бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмаган. Масалан, тигиз ўтказиладиган жарроҳликка қизиқиш учар тарелкаларга ёки Лох-Несс кўлида яшовчи ғаройиб махлуққа қизиқиш билан алмашиниб туради. Чамаси, мўъжизага ташналик инсоннинг қонига сингиб кетган. Лекин айнан шу ўринда ғалати бир ҳолга дуч келамиз: баъзи кишилар ҳар қандай мўъжизага кўр-кўрона ишонишга мойил бўлгани ҳолда бошқалар изоҳлаш қийин бўлган ҳодисаларнинг барига суриштириб ўтирмай қарши чиқаверишади. Бу вазиятда ўртача йўл тутган маъқулроқ кўринади, акс ҳолда доғда қолиш ҳеч гап эмас. Масалан, ўтган асрда Франция академияси осмондан тушувчи тошлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқмаслик тўғрисида қарор қабул қилганди, чунки... осмонда тош бўлмас эмиш! Эндиликда эса Францияда метеоритлар бўйича комитет ишлаб турибди. Ҳар қандай илм-фан табиатдаги ғайриоддий ҳодисаларни ўрганишдан бошланади — қадимий ва ҳаққоний бу ҳикматни унутмаслик керак. Ленинградлик икки олим — фан кандидатлари, биохимик М. Вальчихина билан психотерапевт С. Гуревич ана шу қондага амал қилишади. Улар тушунмиш қийин бўлган ҳодисаларни физика, биология, математика қонунларига асосланган ҳолда изоҳлашга жиддий уринишмоқда. Қуйида журналхонларини бу олимларнинг арвоҳлар сирини очишга доир қизиқарли фаразлари билан таништирамиз.

## ОЛИМЛАРНИ ҚУВЛАГАН АРВОҲ

— Бир гал, Эстония бўйлаб саёҳат қилиб юрганмишда ярим вайрона бир қадимий қасрга дуч келиб қолдик, — деб эслайди С. Гуревич. — У қишлоқлару йўллардан чеккада жойлашган бўлиб, туристларга деярли номаълум экан. Бизни ёши бир жойга борган

# АРВОҲЛАР СИРИ



нозира аёл кутиб олди-да, сирли ва рутубатли заллар оралаб бошлаб кетди. Шунда ҳамроҳларимиздан кимдир арвоҳлар ҳақида сўраб қолди. «Биттаси бор бу ерда, — дея оддийгина жавоб қилди нозира гўё мушук тўғрисида гап кетаётгандек хотиржам оҳангда. — Суратлар галереясида икки марта учратувдим».

Бу гапга ҳеч ким ишонмади, албатта, аччиқланган нозира эса галереяга тунда бориб кўринилар бўлмаса, деди. Иккита олим талабгор чиқишди. Тунда улар шам ёқиб олишди-да, пайпаслаб, туртиниб, иккинчи қаватга бир амаллаб кўтарилишди. Аланга парлираб, деворларда баҳайбат соялар тебраниб, кўнгилга қўрқув соларди. Галерея эшиги гичирлаб очилишидан юраклар орзиқиб кетди. Олимларни муздек тер босди, қўллари қалтираб, қочшига шай туришарди... Шу пайт суратларнинг биридан оқиш, бешакл бир шарпа ажралиб чиқди-ю улар томонга юрди. Еши улғу, салобатли иккита олим эса... орқаларига қарамай қочиб қолишди. Улар нозира-

нинг хонасига отилиб киришганида қўрқув тўла нигоҳлариданоқ арвоҳга дуч келишгани аён эди.

Башарти синчиклаб ўтказа бошлаган тадқиқот ишимизга сабабчи бўлмаганида бу воқеани тафсилоти билан тасвирлаб ўтирмасдим.

— Шоҳидларнинг ҳикояларини эшитиб, — дея суҳбатга қўшилди М. Вальчихина, — адабий ва тарихий асарларни ўқиб чиққанмишдан кейин уч хил қизиқарли қонуниятга эътибор бердик. Авваламбор, маърифатли замондошларимизнинг арвоҳлар тўғрисидаги ҳикояси юзлаб йил олдинги одамларнинг ҳикоясига айнан ўхшаш бўлиб чиқди. Мана сизга М. Лермонтовнинг қаҳрамон арвоҳ билан карта ўйнайдиган «Штосс» номли фантастик қиссасидан бир парча. «Бу нима ўзи!» — деди кўрқиб кетган Ларин чап томонига қараб. Унинг ёнида оқиш, ҳарир-бир нима ҳилпираб турарди».

— Гоголь, Брюсов, Одоевскийда ҳам айнан шу хил тасвири учратиш мумкин, — дея давом этади Мария Дмитриевна, — инглиз адабиёти-ку тўлиб кетган улarga. Хуллас, биринчи белги — ғира-шира кўринувчи шаффоф бир нима. Иккинчи белги шуки, арвоҳлар ҳамisha муайян жойларда — қасрлар, суратлар галереяси, рассомлар устахонасида ва айниқса қадимий суратлар атрофида учрайди. Ва ниҳоят, учинчи белги: арвоҳлар доимо заиф ёғду — шам, кўмир чўғи, ёниб битаётган машъалда шуъласида кўринади.

Гоголь «Портрет» асарида шу нарсага эътибор берган — хона ой ёғдусига тўлганидан кейингина суратдаги қариянинг юзлари жонланиб кетади. Назаримизда, арвоҳлар сирини очай-очай деб турардик. Бироқ кейинроқ, голография музейида бўлганимиздагина ярқ этиб бир фикр туғилди: биз арвоҳлар голографик тасвир бўлиши керак, деб фараз қилдик.

— Лекин кимнинг тасвири! — ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

— Одамники.

## ИЗОҲИ... ФИЗИКАДА

— Организм электромагнит тўлқинларнинг кенг спектрида нурланади, — деб ҳикоя қилади Мария Дмитриевна. — Бизни иссиқлик диапазони-га яқин диапазондаги, частотаси  $10^{11}$  герц бўлган тўлқинлар қизиқтириб қолди. Бу барча ички аъзолар — буйрак, юрак, ўпка ва ҳоказолардаги зарядланган ҳужайра мембраналарининг тебраниш частотасидир. Улар ўзаро уйғунликда, ёки, физиклар тилида айтганда, когерент тарзда тебранади. Аслида-ку, когерент нурланмиш бизга кўпроқ техникадан маълум — бу лазер нуридир. Лекин голографик тасвири айнан шу нур яратади-да. Шундай экан, нега энди одамни микротўлқинли диапазонда ишловчи лазерга қиёслаб бўлмасин! Тўғри, кўппроқ, лекин яққол ўхшатмиш.

# ҒАЛАТИ БАҚАЛАР

СУРИНАМ ПИПАСИ ёки индамас бақалар уруғи думсиз амфибиялар туркуми, пипасимонлар оиласига мансуб бўлиб, 12 турни ўз ичига олади. 8 тури Африка ва 4 тури Жанубий Америка, жумладан Гвиана ва Бразилиянинг тропик зонасида кенг тарқалган. Энг каттасининг бўйи бир қаричча, урғочилари эркагидан анча катта бўлади. Пипаларнинг ҳаёти сувда ўтади, бироқ баъзи турлари ёмғир ёққан пайтда қуруқликка чиқади.

Уларнинг қўшилиши ёфингарчилик ортиб, ўрмонларни сув босган даврга тўғри келади. Бу иш ўйиндан бошланади. Сув тубида ётган «куёв» пипа «келин»нинг ортидан келиб қучоқлаши биланоқ «келин»нинг уст териси кўпчиб-қавариб чиқади. Бу ҳол уларнинг чархпалак бўлиб суза бошлаши учун ишора ҳисобланади ва бир суткагача давом этиши мумкин. Уйин айни авжига чиққанда «келин» ўзининг уруғ йўлини орқасига қайтариб қўйиб, кейин 3—7 та уруғ тўқади, «куёв» бу уруғларни унинг юмшаган устки терисига бамисоли ёпиштиради, бунга 10—15 секунд вақт кетади. Сўнгра бақалар тўхтаб, бир ярим соат дам олади, кейин яна шунча вақт чархпалак бўлиб айланишади, бу ҳол бир неча бор такрорланади. Ниҳоят, эркак пипа ўзини четга олади, урғочисининг устки териси шишади.



## ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

Олимларнинг фикрини тушуниш учун голограмма нималигига тўхтаб ўтайлик. Бундай қараганда, у куйдирилган оддий фотопластинканинг ўзи. Катта қилиб кўрсатилган тақдирдагина унда ўта ингичка чизиқлар — ҳар бир миллиметрда минглаб йўллари кўриш мумкин. Уларда буюм ҳақидаги жамки маълумот кодлаштирилган бўлади. Энди пластинкани ёритиш кифоя — буюмнинг ўзидан мутлақо фарқланмайдиган ҳажмий тасвири вужудга келади. Модомки одам лазер каби когерент тўлқинда нурланар экан, демак, голограмма ёза олиши ҳам мумкин. Тўғримасти ахир!

— Лекин нимага ёзади! Арвоҳлар фотопластинкалар ихтиро этилмасидан анча олдин ҳам бўлган-ку ахир!!

— Лекин голограммалар фотопластинкалардагина эмас, балки ҳароратга сезгир материалларда вужудга келиши ҳам мумкин-ку! Тўғри, ёзув сифати паст бўлади, бироқ электромагнит нурланиш бари бир из қолдиради. Юқорида бу нурланиш иссиқлик нурланишига яқин дедик, тузилиши иссиқлик таъсирида ўзгарувчи материаллар ана шу нурланишни тутиб қолади. Масалан, тез қурийдиган мойли плёнкалар, лаклар, бўёқлар, сурат солинадиган матога шимдирилувчи хилма-хил моддалар ва

Уруғлар урғочи бақанинг устки терисида ривожлана бошлайди. «Тирик бешик»ка айланган она бақа икки ярим ой мобайнида сувда шу тахлитда сузиб юради, балчиқ ковлаб озиқ излайди, фанимларидан ўзини асрашга интилади. Шу давр ичида унинг устки терисида 40—100 тача эмбрион секин-аста ривожлана бошлайди: уларнинг бир ривожланиш босқичидан кейинги босқичга ўтиб, бақачага айланишидан иборат жараён онанинг устки терисидаги катакчаларда кечади. Ниҳоят, «текинхўр» бўлиб яшаш бақачаларнинг жонига тегади. Улар катакчаларнинг «қопқоғи»ни очади, лекин ташқарига чиқишга шошилишмайди, хавф-хатар туғилгудек бўлса, дарҳол «қопқоғи»ни бекитиб, жимгина ўтиришади. Бир неча кундан кейин эса катакларни бутунлай тарк этишади.

Устки териси ишдан чиққан урғочи бақа шундан кейин пўст ташлайди, терисидаги катакчалардан асар ҳам қолмайди, аммо терисини ажин босади, ҳар галги пўст ташлаганда эса ажин кўпаяверади...

ДАРВИН РИНОДЕРМАСИ деб аталувчи қурбақалар эса Чили ва Аргентинанинг жанубий районларида яшайди. Бу кичик, қирратумшук қурбақанинг катталиги атиги 3 сантиметр кела-

ди. Урғочиси бирор зах жойга, масалан, йўсин устига 20—30 та уруғ қўяди, ўзи кетиб қолади. Уруғлар ёнига бир неча (баъзан битта) эркак қурбақа келиб, шу ерда қолади, уруғлардан кўз узмайди, эмбрионларнинг ривожланишини кузатади. 10—12 кун ўтгач, уруғлардаги эмбрионлар жонланиб, қимирлай бошлайди. Шунда эркак қурбақалар худди буйруқ берилгандек бараварига уруғларни юта бошлашади, лекин уларни жигилдонига урмай, балки тиллари билан итариб, товуш халтачасига, яъни резонаторга жойлашади (қурбақа ана шу резонатор туфайли сайрай олади). Шундан кейин эркак ринодермалар бошқа



Дарвин ринодермаси номли қурбақа.

ҳатто қон шу жумладандир. Қотиллик юз берган жойда қон яхшилаб ювиб ташланмагунча арвоҳлар тез-тез пайдо бўлиб тургани ҳам бежиз эмас.

— Наҳотки голограммалар юзлаб йил сақланиб қолса!

— Бу хил ёзувни фақат кучли қиздиришгина йўқотишга қодир. Қадим замонлардаёқ оловни тозаловчи деб билганлари ҳам шундан эмасмикан мабодо!

## ҚҶРҚУВ ЯРАТУВЧИ МЎЪЖИЗА

— Хўп, голограмма ёзилди ҳам дейлик. Лекин уни қайта тиклаш учун нима қилиш керак!

— Башарти арвоҳларга ишонмасангиз, уларни ҳеч қачон кўра олмайсиз, — Гуревич саволга очиқ жавоб бермай, гўё бошқа нарсга тўғрисида ўйлаётгандай қиёфада, лекин ишонч билан гапирди. — Совуққон, босиқ-вазмин, ҳамма нарсани аввалдан биладиган кишилар дайдиб юрувчи шарпаларга ҳеч маҳал дуч келишмайди. Арвоҳларни фақат, ниҳоятда кучли руҳий қўзғалиш ҳолатидагина — ғазаб, қўрқув, изтироб, ҳаддан зиёд қувонч туфайлигина кўра олиш мумкин. Бироқ тасаввур кучайиб кетишида эмас бу ўринда гап, асло. Гап шундаки, одам организмидаги биохимиявий

жараёнлар доимо бир маромда кечмайди, бинобарин, электромагнит нурланиш ҳам ўзгариб туради. Одам одатдаги, хотиржам ҳолатида ҳам мос келадиган материалда голограммасини қолдира олади. Лекин ниҳоятда хиралиги учун уни ҳеч ким ҳеч қачон кўра олмайди. Аниқ голограмма эса бутунлай бошқа гап. Бунинг учун жамки аъзоларни гўё муайян «оҳанг»да «созлаш» керак. Бошқача айтганда, организмни алоҳида бир ҳиссий зўриқиш ҳолатига келтириш зарур. Фақат ана ўшандагина ҳароратга сезгир сатҳда яққол, аммо ҳозирча кўринмайдиган из қолади.

— Ҳаётда бу тахминан шундай юз беради, — дея изоҳлашади олимлар. — Айттайлик, рассом илҳом оғушида, бутун борлиқни унутиб ижод қилаяпти. Лекин мато сатҳига бўёқлар бир текис тушмайди, натижада юпқа қатламлар тезроқ, қалин қатламлар секинроқ қурийд. Вужудга келган ғадир-будир сирт эса алоҳида бир ҳиссий зўриқиш ҳолатидаги рассом тарқатган электромагнит тўлқинларни ўзига сингдириб олади. Орада юзлаб йил ўтади ва сурат олдида бошқа бир одам пайдо бўлади. У санъат асаридан шунчаки баҳра олаётгани йўқ, балки арвоҳлар ҳақида кўплаб даҳшатли воқеаларни эшитган, боз устига



Сурниам пипаси номли бақа.  
У уруғни устида кўтариб юради.



жойлардан ҳам шу тарзда уруғ тўплайди. Уларнинг ҳар бири оғзига 10—20 та уруғ жойлаши мумкин. Ҳар бир уруғни ютишгани сайин резонаторлари резинадек чўзилиб, кенгайверади. Эркак қурбақа ичига тушган уруғларда итбалиқлар етила бошлагач, резонатор янада кўпроқ кенгайиб қорин бўшлиғини эгаллайди. Итбалиқлар уруғларидаги сариқ моддани сарфлаб, товуш халтачаси, яъни резонаторнинг деворчасига орқаси билан ёпишиб олади ва қурбақа организми ҳисобига озиқлана бошлайди. Вақти-соати келиб, етилган қурбақачалар ҳаёт йўлини... «ота»сининг оғзидан чиқишдан бошлайди — «ота» оғзини ланг очади, «болалар» эса резонатордан аввал оғиз бўшлиғига мустақил равишда ўтишади, ундан тил остига тушишади, сўнг бирин-кетин ёруғ дунёга сакраб чиқишади.

Тўғри, эркак қурбақа уруғларни турли вақтда ютганлиги сабабли, уларнинг резонаторда ривожланиши бир хил кечмайди, бири олдинроқ, бири кейинроқ ўсади. Қурбақачалар резонатордан батамом чиқиб бўлгач, у кичраяди ва эркак қурбақанинг товуш қобилияти тезда тикланади, кейин бемалол «сайрайверади».

Хуллас, пипа номли бақа ва Дарвин ринодермаси номли қурбақаларда насл қолдиришда эркаки ва урғочиси ўртасидаги вазифалар турлича.

Тилов ЁДГОРОВ,  
ЎзССР ФА Зоология ва паразитология  
институтини катта илмий ходими,  
биология фанлари кандидати.

## ВУЛҚОН НИМАЛАРГА ҚОДИР

Вулқон ҳодисаси фақат вайронгарчилик келтирибгина қолмай, балки яратувчилик қудратига ҳам эгадир. Гавайи оролларида яқин бир жойда, чуқурлиги 900 метрча келадиган вулқон оғзи бор. Бу, сувлари мавжланиб турган, осилиб қотиб қолган лава сумалаклари ва «алвон тилам» [темир оксид] тўшалган шийпонли афсонавий бир гўша бўлиб, у ерда энг бесўнақай балиқлар яшайди.

АҚШнинг Скриппс номли Океанография институтини олимлари унча катта бўлмаган сув ости кемасида шу вулқон оғзига тадқиқотлар олиб бораётган эдилар. Улар бу ердан улкан моллюска ва найсимон қуртларни топшиш умидида эди. Чунки бундай жониворлар одатда ер ости иссиқлик манбаларидан топилиб туради. Олимларнинг омади юришмади, улар жуда кўп миқдорда ис газини бўлган ва олтингугурт эритмасидан ҳоли муҳитга дуч келишди. Мазкур муҳит жуда кўп турдаги жониворлар учун зарарли ҳисоблангани ҳолда, экологик системанинг ҳалати ривожланишига имкон беради.

ярим тунда қўрқувдан дир-дир титраб турибди. Натижада резонансга ўхшаш бир нима, расом нурланишининг частотасига айнан мос келувчи ўзига хос нозик созланиш вужудга келади. Глограмма жонланади.

— Башарти ҳамкасбларимиз қаср бўйлаб саёҳат қилиб юрганларида аввалдан қўрқинмаганда эди, ҳеч нима нурланишми тўлдирди. Натижада улар бир-бирига қўшилиб, тасвири тезроқ «уйғотади». Сирасини айтганда, арвоҳини қуёш чарақлаб турган кунда кўриш ҳам мумкин. Лекин бунинг учун ёруғлик нури светофилтрдан, айтайлик, антражгли ойнадан ўтиши керак. Ана ўшанда куппакундузи ғира-шира кўринувчи, парпираб турган оқиш доғ — кимнингдир қадимий тасвири, бизнинг қуиларимизгача сақланиб қолган хира голограмма пайдо бўлади. Шаманлар билан фолбиллар арвоҳларни қандай қилиб қақирини билишган кўринади. Уларнинг туморлари одамнинг ўзаро уйғун нурланишини фокусга жамлаб олувчи материаллардан ясалган. Ош тузи кристаллари, айрим металлларнинг юмшоқ қотишмалари, табиий материаллардан сільвин, флюорит ва бошқалар шу жумладан. Улар гўё фотоаппарат линзалари каби тасвири тиниқ қилиб кўрсатади.

Ленинградлик олимларнинг гапларини эшитиб турарканман, бутун дунё арвоҳларга тўлиб кетгандек туюлди назаримда.

— Жудаям бунчаликмас, — дея хотиржам қилишди мени олимлар. — Тиниқ голограмма ҳосил қилиш, ҳар қалай, ниҳоятда қийин. Унинг сифати ўзгариб турувчи кўплаб олимларга боғлиқ. Хулласи калом, арвоҳга дуч келиш — ноёб бир тасодиф. Лекин эндиликда, арвоҳлар қай тарифка пайдо бўла олишини билмасак ҳам, ақалли тахмин эта оларканмиз, бу бахтли тасодиф деб бемалол айтаверишимиз мумкин.

РЕДАКЦИЯДАН. СССР ФА Радиотехника ва электроника институтининг биологик объектларни радиофизик усулларда тадқиқ этиш бўлими раҳбари, физика-математика фанлари доктори Э. Годик бу фараз билан танишиб чиққач, уни қуйидагича шарҳлади:

— Арвоҳлар голографик сароб бўлиши мумкинми? Лекин одам нурланиши когерент эканлигини дунёда ҳеч ким исботлаб бергани йўқ ҳали. Фараз эса бошдан-оёқ айнан шу тахминга асосланади. Арвоҳларнинг табиати хусусида менинг ҳам ўзимга яраша тусмолим бор. Улар алоҳида бир руҳий-ҳиссий ҳолатда кўзга кўринувчи нарсалар бўлиши керак, ҳойнаҳой. Кимнинг фикри ҳақиқатга яқинроқлигини тажрибада синаб кўришга эса, афсуски, ҳозирча ожизмиз. Ленинградлик олимлар С. Гуревич билан М. Вальчихиналарнинг ишларидан хабарим бор. Одатдан ташқари тарзда мушоҳада юритувчи бу олимлар қутилмаган фаразларни биринчи бор ўртага ташлаётганлари йўқ. Лекин бу фараз, менимча, унчалик тўғрмас.

НИМА ДЕРДИК, ИЛМИЙ ҲАҚИҚАТ ҲАМ БАҲСЛАРДА ТУФИЛАДИ.  
(«Неделя» ҳафталигининг 1988 йил 43-сонидан олинди.)

# СЕҲРЛИ РАҚАМЛАР

Тилимизда рақамлар билан боғлиқ ибора ва тушунчалар жуда сероб. Лоақал «уч» сони ишлатилган мақолларини бир эслаб кўринг-а! «Ер қондаси уч, учдан кейин пуч», «Бирдан икки яхши, иккундан уч» каби иборалар кундалик турмушда тез-тез такрорланиб туради ва учлик ўзига хос «қонда»га айланиб қолгандек бўлиб туюлади.

Бу ғаройиб рақам, айниқса, ўзбек халқ эртактларини «ўзиники» қилиб олганга ўхшайди: уч оғанини ботирларнинг борса келар, борса хатар, борса келмас деб аталувчи уч йўлдаги саргузаштлари, кенжа ботирга учта оғир вазифа топширилиши, ботирнинг ялмоғиз кампир билан уч марта олишуви, нуруний чол берган уч нарса — ойна, тароқ ва игнанинг ғаройиб хислатлари тасвири нечоғлик қизиқарли бўлса, қахрамоннинг уч дев ёки уч бошли аждаҳо билан олишувиغا бағишланган эртактлар шунчалик мароқлидир.

«Етти» рақами билан боғлиқ мақоллар ҳам талайгина: «Еттининг ҳақи етти дарёни қуритар», «Еридан айрилган етти йил йиллар», «Етти ўлчаб бир кес» каби. Ҳар гал шундай мақолларга дуч келганда нега энди айнан «етти» деб ўйлаб қоласан, юши. Тўғри-да, «етти» ўрнига бошқа рақамни қўйиб, масалан, «тўққиз ўлчаб, бир кес» деган маъқул эмасми! Ахир саккиз ёки тўққиз марта ўлчаб, шомилмасдан, обдон ўйлаб кўрилса, янаям яхши бўлади-ку!

Лекин бундай ҳолатларда ҳам «етти» рақами аънаваний

тарзда қўлланилган. Бу рақам халқ оғзаки ижодиётида, маросим ва урф-одатларимизда, жонли сўзлашувда қўлланиладиган айрим ибора ва тушунчалар тарюбига шу қадар сингиб кетгани, уларни сираям бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Боболаримизнинг қадимий тасаввурлари маҳсули бўлган «сеҳрли» сонлар ҳақида турли хил афсона ва уйдирмалар ҳам тўқилган. Халқимиз турмушига назар ташласак, удумларимизда 3, 4, 5, 7, 9, 20 ва 40 каби рақамларга кўпроқ дуч келамиз. Рақамлар билан боғлиқ турли ирим-сиримлар, хурофий тушунчалар ва аънаваларнинг моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш бундай эътиқодларни йўқотиш, янгича маросимларимизнинг афзалликларини тўла намойиш қилиш имконини беради. Чунки «бахтли» ва «бахтсиз» рақамлар, «оғир» ва «яхши» кунлар мавжудлигига ишонувчи айрим содда кишилар ҳатто ҳозир ҳам учраб туради.

Айрим рақамларнинг турмушда ўзига хос аънава тарзида қўлланилиши, айниқса, ёшларга ғалати туюлиши табиий. «Сеҳрли» рақамлар билан боғлиқ мифологик эътиқодларнинг пайдо бўлишига ва халқимиз тасаввурида тимсоллаштирилган сонларнинг ғаройиб бадийи оламига чуқурроқ назар ташласангиз, ғарб мунажжимлари ва руҳонийларининг «хосиятли» ва «бехосият» рақамлар ҳақидаги уйдирмаларининг асоси нақадар пучлигига амин бўласиз.

## «ХОСИЯТСИЗ» РАҚАММИ?

Одамлар қадим замонлардаёқ айрим рақамларни «омадли», «хайрли» деб ҳисоблаб, кўпроқ қўллашга ҳаракат қилишгани каби, баъзи соннинг «бехосият қилиқлари»дан андак чўчиброқ туришган. Европа мамлакатларида ана шундай «қарғиш олган» рақамлардан бири — «шайтон дюжинаси» номи билан танилган ўн уч рақами ҳақида ҳам хилма-хил афсоналар кенг тарқалган.

Ғарбий Европадаги капиталистик мамлакатларда 13 рақамини имкони борича қўлламасликка ҳаракат қилишаркан. Уй, идора, кўча ёки ҳовли, кинотеатр номерларида бу рақамни учратиш қийин. Чет эл меҳмонхоналарида 12<sup>а</sup> номерли хонани кўрган сайёҳ ажабланади, албатта. Чунки «ўн уч» рақамининг «афти»ни кўришга юраги бетламаган меҳмонхона мутасаддилари «бахтсиз» сон ўрнига ана шу номерни илиб қўйишган. Ғарбда ҳатто энг эътиборли оилаларда ҳам меҳмон кутаётган уй бекалари ҳеч қачон 13 кишига мўлжаллаб дастурхон тутамайдилар. Тўй-ҳашамларда, тантанали йиғинларда ҳеч қим стол атрафида ўн учинчи бўлиб ўтиришни истамайдилар. Гўёки зиёфат чоғида даврага ўн учта меҳмон йиғилиб қолса, ўша хонадонда бирор-бир кўнгилсиз ҳодиса рўй берар эмис. Шунинг учун Нью-Йоркда ўн тўртинчи меҳмонни етказиб бериш вазифасини бажарувчи махсус идоралар ҳам бўлгани маълум. Хуллас, капиталистик мамлакатларда одамлар бу рақамдан «узоқроқ юришни» маъқул кўришади. Улар автобус, самолёт, пароход ёки театрнинг ўн учинчи номерли ўриндиғига ўтиришдан чўчишар, натижада, ўн учинчи номер туфайли тез-тез англашилмовчиликлар бўлиб тураркан.

Англияда эса уй номерини англатувчи «13» рақамини ўз эшикларидан олиб ташлашни талаб қилган бир неча минг кишининг шикоят шаҳар маъмурияти томонидан кўриб чиқилгани маълум. Хуллас, 13 рақами билан боғлиқ бундай хангомаларни кўплаб келтириш мумкин.

Англияда ҳукуматнинг махсус фармонида кўра, рақамлар билан боғлиқ иримларга қарши курашиш учун «ўн учлар клуби» очилгани ҳам белгиз эмас. Чунки 13 рақами атрофида тўқилган афсонаю ривоятлар инглиз ёшларининг онгини заҳарлаши кўпчиликни ташвишлантирган экан.

Ҳар ҳолда, «ўн уч» рақами бу «лаънат тамғаси»ни қандай қилиб орттирди экан? «Шайтоний рақам» чиндан ҳам бехосиятми? 13 рақамининг бахтсизлик аломатига айланган қолмишга қадимги аждодларимизнинг сонлар ҳақидаги ибтидоий мифологик қарашлари сабаб бўлган. Чунончи, қадимги яҳудийларнинг афсонавий

тасаввурларига кўра, бу рақам «ўлим» маъносини англатувчи сўз билан алоқадор деб ҳисобланган. Чунки ўтмишда кўпгина халқларда бўлгани сингари, яҳудийларда ҳам ҳар бир рақам муайян ҳарф билан ифодаланган. Тасодифни қарангки, қадимги яҳудий тилида қўлланилган «М» (мем) ҳарфи билан 13 рақами ифодаланган экан. Бунинг устига «ўлим» маъносини билдирувчи «мем» сўзи ҳам шу ҳарф билан бошланган. Хурофий қарашларнинг таъсири ниҳоятда кучли бўлган қадимги замонларда 13 рақамининг «хосиятсиз» сўз билан алоқадорлиги эътибордан четда қолмаган, албатта. Шу-шу «ўн уч» рақами бахтсизлик, ёмонлик, омадсизлик рамзига айланиб қолган. Ун учта меҳмон йиғилган даврада кўнгилсизлик рўй беради деган сафсаталарнинг келиб чиқиши ҳам ана шу қадимий мифологик қарашларга боғланади.

Қадимги Шарқ манбаларида эса бу ғалати рақамнинг маъноси яна бошқача изоҳланади. Бобиллик математикларнинг фаразига кўра, ўзи ва бирдан бошқа бирортаям сонга бўлинмайдиган бу «мохов» рақам санок системасидаги шерикларидан шуниси билан алоҳида ажралиб турган. Ҳисоб-китоб илми унчалик тараққий этмаган ўша замонларда 13 рақамининг бу хусусияти одамларга ғалати туюлган бўлса керак.

Бу рақамни «шайтон дюжинаси» деб аташларининг ҳам боиси бор, албатта. Маълумки, ўтмишда Хитой, Бобил ва кўпгина бошқа жойларда биз ҳозир амалда қўллайдиган ҳисоб-китоб системасидан тубдан фарқ қилувчи санок усули — дюжина, яъни ўн иккилик усули қўлланилган. Ун икки рақамга асосланган бу санок усулига кўра, нарса ва ҳодисалар биз ҳозир кўникиб қолганимиздек, ўн-талаб эмас, балки ўн икки талаб саналган. Шунинг учун дюжина ҳисоби қадимги Римда, Бобил, Хитой ва бошқа жойларда омад рамзи сифатида алоҳида эътиборга молик бўлган. Бу «бахтли» рақамдан кейин келадиган сон — «ўн уч» эса бундай яхши хислатларга эга эмас эди. Бунинг устига қадимги афсоналарда ёмон отликқа чиқарилган ўн учнинг сира «иши юришмаган», шундай қилиб у бора-бора бутунлай омадсизлик тимсолига айланди-қўйди. «Омадли дюжина»дан кейинги рақамни одамлар «шайтон дюжинаси» деб атай бошлашган.

Буни қарангки, Ғарб дунёсида анча-мунча кўнгил хираликларига сабабчи бўлган «ўн уч» рақами Шарқ халқлари учун қадимдан яхшилик аломати сифатида ардоқлаб келинган экан. Утмишда Эрон шоҳлари саройида ўтказилган наврўз байрами тантаналари ўн уч кун давом этган. Ҳозирги кунга келиб гарчи Эронда ҳам наврўз ҳамма жойдагидек бир кун байрам қилинса-да, аммо янги йилнинг ўн учинчи кунига алоҳида аҳамият берилади. Уша кун эронликлар «синзда бедор» байрамини ўтказадилар. Ям-яшил қирларга, шаҳар атрофларига сайлга чиққан қизлар илк кўклам чечакларидан гулдаста тузиб, халқ кўшиқларини куйлайди. Келинчақлар келгуси йил шу маҳал кўлимда гўдак бўлсин, деб яхши ният қилади. «Ун учинчи кун» байрами янги йил тантаналарини яқунлайди.

Қадимги корейслар, Тибетда яшаган бошқа баъзи эллар ҳам ўн уч ойлик йил ҳисобини қўллашган. Ун уч рақами ўзбек халқ

ижодиди ҳам анъанавий тарзда қўлланилади. Эртак ва дostonларда ўн уч ёшли қаҳрамонлар образи жуда кўп. Алпомишнинг тутинган дўсти Қоражонни ҳаммиша ўн уч ҳамроҳи жангу жадалларда қўллаб туришган.

«Шайтоний рақам» ҳақидаги хурофий қарашлар капиталистик турмуш иллатларидан бошқа нарса эмаслигини куйидаги фактлар ҳам тасдиқлайди. Аслида бошқа сонлардан сираям фарқи бўлмаган «ўн уч» рақами ғарблик иримчилар аюханнос солганларичалик «бахтсиз» эмас экан. Шу рақам туфайли бахтини топган ёки омади юришган кишилар «шайтоний рақам»дан жуда-жуда миннатдор эканликларини баён этишган. Олимларнинг айтишларича, машхур совет математиги Н. Г. Чеботарев ярим ҳазил, ярим чин қилиб, ўн уч рақами унинг учун омад калити бўлганлиги ҳақида сўзлаб берган. Чунки у биринчи бўлиб немис олими Д. Гильбертнинг ўн учинчи масаласини ечиш бахтига муяссар бўлган. Бунинг устига Н. Чеботаревнинг шахсий ҳаётида ҳам энг бахтли дақиқалари ўн уч рақами билан боғлиқ экан: 1927 йилнинг 26 февралига эътибор беринг-а, иккита ўн уч! У шу куни фан доктори илми даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган, худди ўша числада уйланган ҳам!

Машхур совет кўшиқчиси, СССР давлат Академик Катта театрининг солисти Тамара Синявская учун 13 рақами энг хосиятли сон саналади. Чунки айнан ўн учинчи числада у конкурс синовларидан муваффақиятли ўтиб, Катта театрга қабул қилинган.

Совет спортининг шарафини ҳимоя қилган таниқли хоккей устаси Борис Михайлов 13-номери спорт майкасини кийиб, СССР терма командаси ва Марказий Армия спорт клуби хоккейчиларини команда капитани сифатида муз устига бошлаб чиққанида ҳеч қачон «шайтоний рақам»нинг қарғишига учраган эмас. Аксинча бу спортчимиз кўп йиллар ишқибозлар олқишига сазовор бўлиб юрди. Шунингдек, ғарбий германиялик машхур чарм тўп устаси Г. Мюллер ҳам 13-номерда майдонга тушган. Истеъдодли шахмат устаси Г. Каспаров эса жаҳоннинг ўн учинчи чемпиони бўлганлиги ҳаммамизга маълум.

1986 йилнинг 13 мартда Союз Т-15 космик кемасида совет космонавт-учувчилари Л. Кизим ва В. Соловьевлар самога парвоз қилишган ва узок муддатли учидан сўнг омон-эсон заминга қайтиб тушишган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хусусан, академик Қори-Нисёзний машхур «ўн уч қалдирғоч»нинг устози эканлигининг ўзи бу рақам унчалик ёмон эмаслигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш корхоналарида йил охирида ўн учинчи маош берилишидан ҳеч бир илгор ишчи ва хизматчи нолимаса керак.

«Бахтсиз» ва «бахтли» сонлар ҳақидаги иримлар пуч ҳаёлдан бошқа нарса эмас, зеро одам ўз бахтини автобус билетининг номеридан эмас, балки меҳнатидан, истеъдодидан, ақл-заковатидан излаши керак.

## РАҚАМ «СЕҲРИ» НИМАДА?

Юқорида кўриб ўтганимиздек, одамлар минг йиллар давомида турли хил сонларга алоҳида эътиқод қўйиб анъанасини яратиб келган. Хўш, бу рақамларнинг нима сеҳри борки, қадимги Бобил маданиятидан тортиб, то Шимолий Америка ҳиндуларигача, Сибирда яшаган қадимги элатлардан тортиб Океания ва Филиппин оролларида истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолигача — барчаси рақамларни қўллашда ўзига хос турғун анъаналарни яратиб келган! «Сеҳрли» рақамларнинг ғаройиб олами билан чуқурроқ танишганимиз сайин уларда ҳеч қандай илоҳийлик аломати ёки ғайри табиий сир йўқлигига, бу сонлар қадим замонларда яшаган аждодларимизнинг ибтидоий тасаввурлари билан боғлиқ ҳолда анъанага айланганига ишонч ҳосил қиламиз.

Қадимги одам само ёриткичларининг системали ҳаракатини, ёмғир, қор, шамол, олов, ер қимирлашлари каби турли табиий ҳодисаларнинг асл сабабини билмаган. Шу боис инсон ўзи ақли етмаган, сабабини англаб ололмаган табии ҳодисаларининг сирини билишга доимо интилиб келган. Табиат кучлари олдида ожиз бўлган қадимги одам ташқи оламга сеҳр-жоду йўли ила таъсир кўрсатиш мумкин деб ўйлаган. Шу тариха сеҳр-жоду қудратига ишоншига асосланган қадимий эътиқодлардан бири — магик тасаввурлар пайдо бўлган. Диний қарашларнинг илк шакллари саналган магия жаҳоннинг асосий динлари таълимотларининг шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнаган, ҳатто турмушдаги кўпгина ирим-сиримлар, хурофий анъана ва удумлар орқали магик тасаввурлар қолдиқлари бизнинг кунларгача етиб келган.

Рақамларда қандайдир илоҳий куч борлигига ишониб оқибатда «бахтли» ва «бахтсиз» кунлар, етти йил меҳру оқибатдан маҳрум бўлиб қолиш ёки етти йилгача уйланмасликдан чўчиб, столнинг бурчагига ўтирмаслик каби одатлар вужудга келган.



## СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Рақамлар билан боғлиқ хурофий анъаналарнинг қолдиқлари яқин кунларгача халқимиз орасида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, илгарилари иримларга ишонувчи кишилар орасида «чақалоқ чилласи», «келинлик чилласи» деган гаплар бўларди. Чилла — қирқ кунлик муддат бўлиб, бунда чақалоқ ёки келиннинг ёмон кўздан, ёвуз руҳлардан асраш мақсадида қирқ кун ичида муайян ирим-сиримларга риоя қилганлар. Чиллалик даврида бирон сабаб билан бола касалга чалинса ёки янги келин тушган хонадонда нохушлик рўй берса, бунинг ёмон руҳлар хуружи, яъни чилла анъанасининг бузилишидан деб билганлар. Аслида гигиена билан боғлиқ халқ қарашлари асосида пайдо бўлган чилла сақлаш анъанаси 40 рақами ҳақидаги хурофий тасаввурлар билан ўраб-чирмаб ташланган.

Айрим магик маросим ва удумларда эса рақамлар хайрли, хосиятли рамаз сифатида қўлланилади. Шарқ халқларининг одатига кўра, кўклам байрами — наврўзда ўзига хос еттиликларга амал қилинади. Деҳқонлар наврўз арафасида махсус идишларга етти хил доғли экин уруғини экиб қўйиб, доғларнинг унинг чиқишига қараб келаси йилда олинадиган ҳосил чўғини чамалашга ҳаракат қилишган. Ҳатто сосонийлар даврида Эрон шоҳлари саройида наврўз дастурхонини етти кеса, етти пиёла, етти хил неъмат билан безатиш анъанаси бўлган. Хоразмликлар илк баҳор чоғида етти хил дондан — буғдой, жўхори, гуруч, мош, ловия, тарих ва арпадан «наврўз гўжа» пиширишса, афғон қишлоқларида номи «с» ҳарфи билан бошланадиган етти хил неъматдан наврўзнинг энг азиз таоми «ҳафт син», яъни «етти с» тайёрланади. Йил янгиладиган бу ажиб тантаналарда хосиятли деб тасаввур қилинган рақам — еттига риоя қилиш келаётган йилнинг баракали, осойишта, тўкин-сочин бўлишига умид билдиришди. Одамлар илк кўклам байрамида етти рақами қўллansa, бу соннинг «сеҳрли» қудрати йилнинг серҳосил келишига таъсир кўрсатади, деб ўйлашган. Бу удум асрлар давомида қўлланилиши натижасида, аста-секин анъанага айланиб қолган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, наврўзда 7 рақами яхшилик рамази сифатида қўлланилган бўлса, аёллар тилида «еттининг кўрай» (ўлгандан кейин ўтказиладиган «еттиси» назарда тутилмоқда), «еттинга кирмай, гўрингдан етти тикан кўкарсин!» каби қарғишларда хосиятсизлик тимсоли вазифасини бажарган. Шунинг учун аждодларимиз айрим рақамларни анъанавий миқдор белгиси сифатида қўллагани сингари, баъзи сонларнинг шум қадамдан ҳайқиб, турли иримларни ҳам яратишган.

Рақамлар ҳақидаги халқ қарашларининг шаклланишида диний эътиқодларнинг ҳам аҳамияти катта бўлган. Утган асрда Урта Осиёда бўлган машхур сайёҳ ва олим Херман Вамбери Бухорода бўлганида Баҳоваддин мазори шайхларидан бир қанча афсоналарни ёзиб олган. Улардан бирида ҳикоя қилинишича, Баҳоваддин «етти» рақамини жуда яхши кўрган эмиш. Гўё у етти ойлик вақтида туғилган бўлиб, етти ёшида «Куръон»ни ёд билган, 70 ёшида эса қаза қилган эмиш. Шунинг учун пирга сиғиниб келган зиёратчи мазор шайхларига етти марта назр-ниёз беришсагина, уларнинг тоат-ибодатлари тангри даргоҳида қабул бўлармиш.

Бунинг қарангки, нафси қақалак отган шайхлар «етти» рақами ҳақидаги анъанавий халқ қарашлари асосида Баҳоваддиннинг ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилувчи афсонани тўқишган ва рақамлар сеҳрига ишонувчи авом халқни алдаб келишган. Албатта, Баҳоваддиннинг «еттилик»лардан иборат ҳаёт йўли уйдирмадан бошқа нарса эмас. Чунки «етти» рақами Баҳоваддин туғилмасидан минг йиллар бурун ҳам «сеҳрли» рақам сифатида анъанавийлашиб улгурган эди. Археология фанининг маълумотларига қараганда, ҳатто тош асрида яшаган қадимги аждодларимиз ҳам ой фазаларининг ҳар етти кунда алмашинувини, етти сайёра ва етти қароқчи юлдузларини яхши билишган, шунинг учун улар турмушда етти кунлик вақт ҳисобини қўллашган. Бинобарин, Баҳоваддин мазорининг шайхлари ҳам диний афсонани яратишда «етти» рақами тўғрисидаги халқ қарашларидан фойдаланишган.

Асрлар ўтиши билан «сеҳрли» рақамлар билан боғлиқ халқ қарашлари ҳам такомиллашиб, ўзгариб, янгилашиб бораверган. Ҳозир ҳеч ким рақамларда инсонга бахт ёки бахтсизлик, яхшилик ёки ёмонлик, фойда ёки зарар келтирадиган, баъзан касалликдан фориғ қилса, гоҳида бало-қазага рўбарў қиладиган ғайри-оддий куч борлигига ишонмайди. Чунки «сеҳрли» рақамлар ҳақидаги анъанавий тасаввурлар инсоният табии кучлари олдида ожиз бўлган олис замонлар маҳсули эканлиги ҳаммамизга аён.

Маматқул ЖУРАЕВ,  
филология фанлари кандидати.

# Зиyou



Утган йилнинг саратонида Тошкентнинг тўрт тарафига бир овоза тарқалди: Тахтапулдаги «Оталар чойхонаси»да аския, қизиқчилик давраси бўлармиш! Уша кун боғга ташриф буюрганлар ҳайратдан ҳангу манг бўлиб қолишди. Таъмирланиб бир чиройига ўн чирой қўшилган чойхона ўз ҳашамати билан ҳаммани лол қолдирди. Мингдан зиёд одам сизгадиган саҳнига дастурхон тузалган, ошпазу чойпазлар елкасига оқ сочиқ ташлаб, қамишдан бел боғлаб меҳмонлар хизматида бўлишди. Андижон, Наманган, Қўқон, Қарши ва бошқа шаҳарлардан келган кулгу дарғалари, аския, телеминиатюра усталари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ҳажвчи шоиру носирларга гал төгмайди, денг. Ҳамма-ҳамма — умри лабораторияда ўтадиган кимёгарлару юртимизни фақат самодан кўрадиган фазогир лочинлар ҳам шу ерда. Фақат илмий лаҳжада сўзлашадиган, макро, микро, лазер, мазер, спектроскопия, синхрофазотрон каби сўзларга ўрганиб қолган фан соҳиблари ҳам соф ўзбекча хандаларга ичкибдилар шекилли, силкиниб-силкиниб, тебраниб-тебраниб кулишмоқда. Одамларнинг юзлари, кўзлари қувончдан порлайди. «Кулинг, дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», Юсуфжон Қизиқ Шакаржоновнинг ушбу тилаги бугун том маънода жаранглайди.

Шу-шу бўлди-ю, Тошкентнинг Тахтапул мавзеида жойлашган «Оталар чойхонаси» гавжум бўлиб қолди. Ҳали қарасангиз Мулла Тўйчи Ҳофизга бағишланган оқшом, ҳали қарасангиз «ҳанузгача келинчак» Тамарахонининг ижодий кечаси, яна бир борсангиз Юсуфжон Қизиқ кунлари ўтаяпти.

Тиниб-тинчимаган одамларей, шу чоп-чоп замонда қаердан вақт топишаркан, дейман. Эрталаб автобусга шосасан, Езги вақтга ўтилгандан буён маҳалладаги ошга чиқолмайсан, иш-

хонада иш энди қиёмига етганда мажлисчалар чиқиб қолади, яна ишга шўнғиб кетасан, кимдир кўнғироқ қилиб қулоғингни қоқиб қўлингга беради, ўзингга келиб олгач, яна ишга киришасан, иш, иш, иш!

Шаҳарнинг нариги чеккасидаги боғда эса яна кулгу, қаҳ-қаҳа! Лекин, барибир вақт топиб мароқланиб-заъқланиб кулганга не етсин! Шу бонсдан ҳам ушбу ҳордиқ оқшомларини уюштираётган Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари илмий-методик маркази ходимлари, энг аввал унинг бўлим мудирини, этнограф олим Билал Аминовга, шаҳар ижрокомига, таъмирчи усталарга, қолаверса, чойхона қурилишидан кўз-қулоқ бўлиб турган ўртоқларга тасанно айтсак арзийди.

Айтишларига қараганда, Бундан беш-олти йил бурун Билал ака Аминов «шаҳримизда кулгу кошонасини бунёд этсак», деган орзусини оққа тушириб идорама-идора қатнай бошлайди, матбуотда бонг уради, бемалол тўраларнинг уйку босган кўзларини уқалайди, юзларига сув пуркайди ва ниҳоят «Оталар чойхонаси»нинг қайта жонланишига муваффақ бўлади. Ана шундай гаплар.

Билал Амин билан боғ кезамиз.

— Эй Мулла Хандон, булар ҳали хамир учидан патир холос, — дейди ҳамроҳим юзлари қувончдан ял-ял ёниб. — Режаларимиз жуда катта. Боғни янада кўркамлаштириш, ўзгачероқ жиҳозлаш ниятимиз бор. Кўзга ташланадиган жойга Насриддин Афанди ҳайкалинини ўрнатамиз, токи боғга кирган кишининг кайфияти чоғ бўлсин, деймиз. Кейинчалик уни ёлғизлатиб қўймаслик учун Чарли Чаплин, Аркадий Райкин, Юсуфжон Қизиқ, Алдар Кўса ва Шум болага ҳам ҳайкал бунёд этамиз.

Билал ака боғ чаккасидаги сой бўйига бошлади.

# Қошонаси

— Мана бу шоввага қаранг, — дейди у. — Сув узра осма йўл курса қандай яхши бўлади. Қолаверса қайиқ сайлини ташкил этиш мумкин. Ана шавку, мана шавқи! Ана гашту, мана гашт! Унг тарафингиздаги мана бу майдончада эса кичкинтойлар учун эртақлар шаҳарчаси бунёд бўлади. Алпомиш, Паҳлавон Маҳмуд, Аҳмад Полвон, Ҳожимуқонлар куч синашади, камондан отиш, қиличбозлик, кураш, тортишмачоқ мусобақалари ўтади.

— Келинг, энди бир пиёла чой ичайлик, — деб ҳамроҳим «Оталар чойхонаси» томон бошлади. Қирқ устунлик бу муҳташам иморатнинг ҳар ер, ҳар ерида «Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», «Кулгу жон озиғи», «Беринг сайқал кулгудин қолса кўнгил кўзгуси занглаб» ёки «Кулоқ солмас бўлдим ҳар турли хо-хо-хога», «Беҳуда кулмагинг надур ёш каби шоқур-шоқур» қабилидаги ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар ёзиб қўйилган. Ҳаммаёқ озода, саранжом-сариншта, гиламлар, поёндозлар, кўрпачалар тўшалган, лўлаболишга ёнбошлаш ҳам ўз ихтиёрингизда!

— Шу деворга дутор, танбур, доира осиб қўйсак, машқини олган, завқли кишилар хоҳлаганча хиргойи қилишса, кўнгил ёзишса, — дейди Билол ака чойни қайтариб. — Чунки талантлар ҳалқ ичидан чиқади. Ҳа, имкониятларимиз катта. Ахлоқ-одоб мавзусида суҳбатлар ташкил этамиз, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Абдулла Авлониининг «Туркий гулистон» асарлари асосида. Бундай тадбирларни ўтказишга истаганча манба топилади, маънавий ва маданий меросимиз хазинасини ишга сола билсак бўлгани.

Биз яна боғга чиқдик.

— Мана бу ерда «кулгу шифохонаси» ташкил этилади, — дейди ҳамроҳим, қатор уйчаларга ишора қилиб, — шифохона дид билан жиҳозландики, ташриф буюрганлар хонага кир-

ган заҳоти кайфияти созлана бошлайди. Бу ерда ҳеч қандай дори берилмайди, уколнинг ҳам ҳожати йўқ. Хона шинамлиги, ним ёруғлиги оромбахш таъсир этмай қолмайди. Рангли телефильмлар, слайдларда энг гўзал табиат манзаралари намойиш этилиб, асабларга малҳамдек ёқадиган мусиқа эшиттирилади. Сўнгра, мезбонингиз — психолог мутахассис кайфиятингизни кўтариш учун ўз маҳоратини ишга солади. Бу ерга келган киши албатта димоғи чоғ бўлиб чиқади. Умуман, видеотекамизни бойитиб бораверамиз, «Насриддин Афанди саргузаштлари», «Насриддин Бухорода», «Ер-Ер» сингари ажойиб бадиий фильмлар, «Майсаранинг иши», «Олтин девор», «Парвона», «Тошболта ошиқ» каби спектакллар, кулгу билан боғлиқ барча телекўрсатувларни видеокассетага ёзиб борамиз. Истаган кўрсатувни қўйиб кўраверасиз. «Оталар чойхонаси — кулгу қошонаси»да ўтказилган барча тадбирлар ҳам лентага тушириб борилади. Хулласи калом, майин куйлар тинглаб, ажойиб аскияларни эшитиб, сўлим табиат гўшаларини тамошо қилиб чарчоқлардан халос бўлиб чиқасиз.

Суҳбатдошим билан хайрлашар эканман, хаёлимга «Оталар чойхонаси»да бир хаёлпараст пайдо бўлибдида, — деган фикр келди. Лекин бу орзулар амалга ошишини истардим. Зеро, ўтган бир йил ичида ушбу ташаббускорнинг сайи-ҳаракати билан ўтказилган завқли тадбирлар ҳам шундан далолат беради.

Бўш келманг, Билол Маҳмудович!

Мулла ХАНДОН,  
«Фанда — ханда» бўлимнинг махсус  
мухбири.  
Тошкент, 1-апрель.

Бахтиёр ТУРАЕВ фотолари.



Ииллар ўта борган сари ўтмиш меросимиз ёзма ёдгорликлари ўстида тадқиқот олиб борувчи мутахассислар сони камайиб бораётганлиги сир эмас. Илм-фаннинг турли тармоқлари тарихига оид манбаларни ўрганувчи кадрларни тарбиялаб вояга етказиш маънавий меросимизга бўлган муносабатнинг бир кўринишидир.

Ўтмиш ва меросга муносабат ҳар бир халқ ва миллат маданиятининг даражасини кўрсатувчи муҳим белгилардан биридир. Бу эса минг йиллик маънавий меросимиз ўз аксини топган эски ўзбек ёзуви ва тилини ўрганиш зарурлигини талаб этади. Шу мақсадда биз Тил ва адабиёт институтида бир йилга мўлжалланган «Эски ўзбек ёзуви» курсини жорий этганмиз. Газеталарда шу хусусда эълон берганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа муддат ичда имло ҳамда тилимиз тарихи билан қизиқувчилардан юз-

лаб хат олдик. Улар ўз мактубларида республика Фанлар академияси, хусусан Тил ва адабиёт институти коллективининг ташаббусини қўллаб қувватлаган. Лекин пойтахтдан узоқда эканликлари сабабли курсга қатнаш имконияти йўқлигини айтиб, матбуот орқали эски ўзбек ёзуви ҳақида маълумот сўрашган.

Кўпчилик қизиқувчиларнинг истакларини инobatга олиб, халқ удуми ва миллий урф-одатларимизни кенг тарғиб қилаётган, тилимиз гузаллиги ва жозибасини амалда кўрсатиш учун эътиборли ишларни амалга ошираётган ва шу сабабдан муштарийларнинг умумхалқ ҳурматини қозонган ушбу журналда эски ўзбек ёзувини ўргатиш бўйича туркум мақолалар бериб боришни лозим кўрдик.

Сиз журналнинг ушбу сониде мазкур туркумнинг илк мақоласи билан танишасиз. Дарсларни илмий ходим Раҳимбой Ж у м а н и ё з о в олиб боради.

## БИРИНЧИ САБОҚ

Тарихдан маълумки, юксак маънавиятга, бой маданиятга эга ҳар бир халқнинг ўз ёзуви мавжуд бўлган. Жаҳон халқларининг тиллари каби ёзувлари ҳам ўзига хосдир.

Афсуски, ижтимоий-сиёсий шароит, моддий-маънавий вазият тақозосига кўра кўпгина халқларнинг ёзуви, тили нутилиб кетган. Истеъмомда бўлмаган тил ҳам, ёзув ҳам шубҳасизки, ўлимга маҳкуmdir. Урта Осиё (Мовароуннаҳрда) мавжуд бўлган қадимий ёзувлар — хоразм, оромий, сўғд, ўрхун-енисей ва уйғур хатининг тарихий қисматини ана шунга мисол қилиб кўрсатиш мўмкин.

Араб босқинчиларининг Урта Осиёда узоқ вақт ўрнашиб қолиши оқибатида ана шу минтақада араб ёзуви ҳукмрон бўлиб қолди. Давлат ва жамият ҳаётига доир барча ишлар араб ёзуви негизига амалга оширила бошланди.

Маълумки, араб хатларининг турлари ҳам беҳисоб. Улардан энг машҳурлари эса маъқалий, кўфий, насх, муҳаққак, настаълиқ, сулс, райҳоний, тавқеъ, риқоъ, шикаста, таълиқ деб юритилади. Бу ёзув турларининг ҳар бири ўзига хос. Кўфий ва сулс хатлари ёзилиши ва ўқилиши жиҳатидан бирмунча мураккаб. Улар кўпинча, меъморий ёдгорликлар пештоқиға, ёдгорлик лавҳаларига битилган. Настаълиқ нисбатан осон ўқилади ва ёзилади. Шунинг учун ҳам Урта Осиё халқлари ана шу имлони расмий ёзув сифатида қабул қилишган. Настаълиқ хати аслида икки хил, яъни насх ҳамда таълиқ хатларининг ўзаро бирикувидан юзага келган. Демак, биз машғулотларимизда асосан настаълиқ хати ва унинг ёзма ҳамда босма шакллари хусусида сўз юритамиз. Айни пайтда ўқувчиларнинг ўқиш ва ёзиш малакасини ошириш мақсадида вазифа сифатида машқ ва топшириқлар бериб борамиз.

Эски ўзбек алифбосидаги ҳарфларнинг таърифини баён этишдан олдин араб ёзувиға хос умумий хусусиятлар тўғрисида сўз юритиш зарур. Бу алифбо жами 28 та ҳарфдан иборат. Эски ўзбек ёзувида эса ҳарфлар сони 32 тадир.

Маълумки, кўпинча муайян бир тилдаги товушларни ифодаловчи ҳарфлар иккинчи бир тилга тегишли бўлган айрим товушларни ифодалашга қодир эмас. Табиийки, бундай ҳолларда иккинчи тилга тегишли ҳарфларни қабул қилиш зарурати туғилади. VII асрдан бошлаб араб алифбосини ўз ёзуви сифатида қўллаб келувчи форслар араб алифбосига ўз тилларидаги айрим товушларни ифодаловчи

чиртта ҳарфий белги қўшганлар. Булар **پ** (пе), **چ** (чим), **ج** (же), **گ** (гоф) ҳарфларидир. Шу

сабабли араб-форс алифбосида ҳарфлар сони 32 тага етган. Эски ўзбек ёзувида ҳам узоқ даврлардан бери ана шу ўттиз иккита ҳарф истифода этиб келинади.

Араб ёзувининг асосий хусусияти шундаки, хат ўнг томондан чап томонга қараб ёзилади ҳамда ёзувда бош ва кичик ҳарфлар ўз ифодасини топмайди. Шунингдек, унли товушлар ёзувда акс этмайди ва ҳарфлар ўзаро боғланиш-боғланмаслигига кўра икки хил бўлади. Шундай қилиб амалий машғулотга ўтамиз.

**ا** (алиф) араб алифбосидаги энг биринчи ҳарф бўлиб, муайян вазифаларни бажаради. Ажралиб ёзилувчи ҳарфлар қаторига киради, яъни ўздан олдин келган ҳарфга қўшилиб, кейингисига қўшилмайди. Шунинг учун ҳам ёзувда икки кўринишда акс этади: алоҳида **ا** ҳамда уланган шаклда (**لا**).

1) Ёзувда-а унлисини ифодалайди. Масалан: **ا** -ака, **انا** -ана.

2) **ا** (алиф) сўз бошида **ا** мадд белгиси билан келганда **ا** -о ҳарфини ифодалайди. Сўз ўртаси ва охирида келганда кўпинча мадд белгиси тушиб қолади. Контекст мазмуни ва сўзнинг маъносига қараб -о тарзида ўқилаверади. Масалан: **آت** -от, **بابا** -бобо.

3) **ا** сўз бошида келиб -и, -э, -у, -ў унли ҳарфларини ифодалашга хизмат қилади. Масалан: **ایت** -ит, **ایل** -эл, **اچ** -уч, **اوت** -ўт.

Алиф араб хатларининг туриға қараб чўзинчоқ **ا** ёки ёйсимон **ا** шаклда ёзилади. У **ل** (лом) ҳарфи билан уланган ҳолда келса кўпинча қия шаклда, сўл томонга оғдириб ёзилади: **لا, لا**. Хаттотлик санъати қоидаларига кўра, алифнинг юқори қисми остки қисмига нисбатан йўғонроқ бўлади. Чунки, қалам юқоридан пастга томон юритилганда қоғозга чуқурроқ ботади: **ا**

1-топшириқ. Алиф ҳарфининг алоҳида ҳамда боғланган шаклларида ёзилишини уч қатордан ёзиб чиқинг.

2-топшириқ. Мадд белгилари алиф ҳарфини уч қатордан кўчириб ёзинг.





# ПАРВОЗ

**Б**ола ғалати жониворнинг суратини чизиб ўтирарди. Жонивор ердаги биронта ҳайвонга ўхшамас, қандайдир самовий кўринишга эга бўлиб, кўзлари чуқур қайғуга чўмган нисон кўзларидек маънос боқарди. Касалманд болаларга хос бўлган бу дардли нигоҳини бола қандай қилиб ғалати махлуқнинг кўзларига кўчира олгани кишини ҳайратга соларди.

Бола бутун вужуди билан чизарди... Жонивор нимаси биландир оҳуга ўхшаб кетади, фақат бу оҳунинг қанотлари бор. Қанотлари негадир қушларникига ўхшамайди, тўрт бурчак бўлиб, икки чекка қисми пастга томон оғиб туради. Бола жон-жон деб жонивор билан учиб кетарди-ю, онасини ёлғиз қолдиргиси келмайди-да... «Мен сен билан уча олмайман», дейди у жониворга қараб.

Ғалати оҳунинг кўзлари катта очилиб кетгандек бўлади: «Нега!», деб сўрайди у ҳайратланиб.

«Агар сен ёлғиз ўзинг зерикаётган бўлсанг, ака-ука, опа-сингилларингнинг суратини чизиб қўйишим мумкин». Шундай деб бола яна суратлар чиза бошлайди...

Тунда унинг кўз ўнгига ўзи чизган суратлар жонланиб кетади. Бола улар билан суҳбатлашаверади, суҳбатлашаверади, ҳатто уйқуси қочиб кетади...

— Камол, нега ухламай ўтирибсан!

Онаси хавотирланиб кафтини ўглининг пешонасига босади, кейин ташвиш билан сўрайди:

— Иссиғинг йўқми? Бирон еринг оғримаяптими? Чирокни ёқайми?

— Уйқум ўчиб кетди, ойна, мана, ётаяпман, ҳозир ухлаб қоламан.

— Ақллим менинг, ёта қол...  
Онаси яна Камолнинг қўлидан ушлаб уйқуга кетади. Она-бола бир уйда ётишди, дадаси эса айвонда... Қаттиқ хуррак отиб ухлаяпти. У худди қафасдан чиқишга уриниб пишқираётган йўлбарсга ўхшайди. Дадасининг кўзлари айниқса ичиб келганида ваҳший ҳайвонларникидек совуқ боқади...

Эрта тонгдан у яна суратлар чиза бошлайди. Дафтариди оҳусимон ҳайвонларнинг сони ошиб боради. Мана бу, ўзи дастлаб чизган сирли оҳунинг отаси, унинг қанотлари катта. Мана буниси она оҳу... Она ва ота оҳуларнинг чиройли бурама шохлари бор. Ота оҳунинг кўзи ваҳший ҳайвонлар кўзига ўхшамайди, у она оҳуга жудаям меҳрибон, болаларига ҳам... Нарироқда, ўтлоқда бир неча қанотли оҳулар гоҳ дарахтга сакраб, гоҳ пастга шўнғиб, бекинмачоқ ўйнашади. Камол уларга атайлаб катта қанот чизган, керак пайтда улар ўз душманидан қочиб, осмонга учиб кетишлари учун...

Камол эса ёлғиз, қанийди онаси ҳеч бўлмаса иккитагина ука олиб келса...

— Ҳадеб бир хил ҳайвонни чизаверар экан-да, бу нима ўзи! Рассом бўладиган одам тайёр нарсаларга қараб, тикилиб ўтириб ўрганади. Ана, машинами чизиб кўр-чи, мен қойил қолай.

Дадасининг оғзидан келаётган ачимсиқ исдан Камол ўқчиб юборай дейди, ўзини четга олади.

— Нега қочасан! Қани айт-чи, ким яхши! Онангми, менми!

Ҳар кунни эрталаб шу аҳвол.

Ҳар кунни дадаси ишга кетишини орзиқиб кутади. Бугун ҳам дадаси шу саволини уч марта такрорлади:

— Ким яхши, онангми, менми!

Камол «миқ» этмай ўтирарди. Нима десин ахир! «Онам» деса юзига тарсаки тушади. Лекин у ёлғон сўзлай олмайди, шунинг учун индамай ўтираверади, ўтираверади...

Дадаси бадтар тутади:

— Ҳов бола, бирон кам-кўстинг йўғ-а, ҳаммасини, оғзингдан чиққан ҳамма нарсани олиб бераяпман. Нега гап сўрасам тилинг айланмайди!

Камол иккиланиб жавоб қайтарди:

— Менга... менга иккаловингиз ҳам яхши.

— Йўқ, сен тўғрисини айт, кимни кўпроқ яхши кўрасан!

— ...

— Яна безрайиб қолдингми! Ҳе онангга тортмай ҳар нарса бўл!

Дадаси ишга кетди.

Камол аквариумга яқинлашди. Турли рангдаги майда балиқчаларга тикилиб узоқ хаёл сурди. Яна кўз ўнгига ўша машъум воқеа жонланди...

Қишнинг совуқ кунлари эди. Кўча эшик қўнғироғи узоқ ва қаттиқ жиринглади. Камол уйқули кўзларини ишқаб дик этиб ўрнидан турди-ю, ойисини уйғотди:

— Туринг, дадам келдилар, эшикни оча қолинг тезроқ.

Онаси юпунгина кийиниб ташқарига отилди. Камол дилдираганча онасининг кетидан югуриб чиқди. Дарвоза илғаги шарақлаб тушиши билан дадаси ичкарига кирди-ю, Ҳусноранинг юзига тарсаки қўйиб юборди.

— Ойимни нега урасиз! — деди Камол дадасининг яна уришига шайланган қўлига ёпишиб.

Шу лаҳзада дадасининг кўзига қараган Камолнинг эти увушиб кетди. Бу кўзлар ваҳший ҳайвоннинг кўзларидек совуқ эди. Бирдан юзю қулоғи аралаш тушган шапалоқдан Камолнинг кўзларида олов чақнаб кетди. У зим-зиё тунда тубсиз жарликка шўнғиётгандек ҳис қилди ўзини...

Камол ўзига келганида юмшоқ ўринда ётар, онаси кўзларидан дув-дув ёш оқизганча, унинг пешонасини ушлаб ўтирар, нарироқда отаси хўрайиб турарди. Камол кучли бош оғриғидан кўнгли беҳузур бўлиб, яна ўзидан кетди.

Икки ҳафта касалхонада ётган ўшанда. Қиш кунлари бўлишига қарамай, дадаси бозорнинг энг сархил меваларини шилдироқ пакетда олиб келар, онаси уларни ювиб, арчиб қўлига тутқазар, Камол иштаҳа билан еб оларди-ю, кейин кўнгли алланечук ғашланарди. Шу олмаю ноқлардан тотиб кўрганига ўз-ўзини койир, онаси ва ўзига шунчалар азоб берган отаси билан ҳануз бирга яшаётганларига ажабланарди.

Ўшанда, дадаси зарб билан тарсаки қўйиб юборганида Камолнинг боши темир дарвозанинг қиррасига бориб урилган, бош суюғи дарз кетган экан...

Шундан бери Камол ғалати тушлар кўради. У ўзи суратини чизган қанотли оҳулар билан учиб юради. Кундузи қандай ҳаёллар суриб, қандай орзуларга берилган бўлса, ҳаммасини тушида кўради. Бу туш ҳам эмасдир, балки у ҳақиқатан ҳам икки оламда яшаётгандир. Мияси қаттиқ чайқалганида ҳали ҳеч бир инсонга насиб этмаган хислатлар пайдо бўлгандир унда. Инсон руҳияти асрлар оша ўзгариб борапти, балки ундаги хислат яна минг йиллардан кейинги авлодга хос бўлган хислатлардир... Лекин Камол бу ҳақда ўйлашдан ожиз эди, у ўзидаги ўзгаришларни табиий равишда қабул қилаверарди...

Камол тунни ёқтирарди. Кундуз кунлари унга зерикарли, ниҳоятда узун туюларди, чунки кун бўйи деярли ёлғиз эди-да. Қаникул бўлишига қарамай кўчага кам чиқар, болаларга қўшилмас, ҳатто болалар ҳам Камолни унутиб юборишгандек эди.

Онаси уйда иш тикар, буюртмаларни вақтида битказиб бериш учун тикув машинасига кўксини берганча, уч-тўрт соатлаб бош кўтармай ўтирарди.

Ўглининг беозорлигидан у мамнун, гоҳ расмлар чизиб, гоҳ аквариумдаги балиқларига тикилганча қотиб ўтирадиган ўғлига вақтида овқат бериб турганидан кўнгли тўқ эди.

...Камол балиқларига кўз узмай тикилиб ўтирарди.

Уларга маз-за, деб ўйларди Камол, сувда сузиб юраверишади, юраверишади... Ана, танаси қип-қизил, ўзи шаҳ-

зодаларга, балиқларнинг шаҳзодасига ўхшаб кетадиган қиличдор балиқ. У ҳамisha мағрур сузиб юради, белидан ўсиб чиққан «қилич»и ҳеч қайси балиққа озор бермайди... Ана телескоп балиқ, кўзлари бўртиб турганидан унга шунақа ном беришган шекилли.

Агар мен қиличдорга айланиб қолсам-чи, дея хаёлидан ўтказарди Камол, аквариум ичида эркингина сузиб юрардим, балиқлар олами нақадар тинч. Уларнинг ҳеч бири бақириб-чақирмайди...

Боланинг ич-ичидан хўрсинишга ўхшаган бир нима отилиб чиқди. Бутун танаси бўйлаб енгил титроқ турди. Ва худди шу лаҳзада у ўз вужудини ҳис қилмай кўйди... Гўё шалоп этиб сувга тушиди-ю, сузиб кетди... Сув ўтлари орасидан сирғалиб ўтиб, телескоп балиққа яқинлашди, у билан ўйнашгиси келди. Кўзлари бўртиб чиққан балиқ эса ўзини беҳаловат тутар, оғиргина гавдаси билан аквариум тубидаги тошчаларни у ёқ-бу ёққа суриб, чувалчанг изларди.

Қиличдор балиқ ҳам очиққанини сезди. Оранда балиқ чимдиб турган нозик чувалчангнинг бир учидан узиб олди-да лиқ этиб ютди. Жаҳли чиққан оранда уни қувиб кетди. Қиличдор сув ўтлари панасига ўтиб олиб, оғзини каппа-каппа очиб тураверди. Кейин сув ўтларининг майин япроқларига лабини текизиб, шимиб кўрди, таъми ёқмади. Айри думи ва белидаги ўткир қиличчини жилпанглатиб, яна суза бошлади. Зерикди. Балиқларнинг ҳеч бири унга эътибор қилмасди.

Онасининг овозидан Камол бир сесканиб ўзига келди.  
— Камол, Камолжон, ухлаб қолдингми! Кела қол ўғлим, овқатинг совиб қолди.

Камол мошхўрдани узоқ кавлаб ўтирди.  
— Ол ўғлим, тушлик бўлди-ку, қорининг очмадимми! Эрталаб тузукроқ нонушта ҳам қилмагандинг...

Шу пайт Камолнинг миясига ажойиб бир фикр келиб қолди. Нима учун у дадасининг онгига таъсир қила олмайди! Мана, бир лаҳза бўлса-да балиққа айланиб кўрди-ку, балиқлар оламида бир лаҳза яшаб кўрди. Ана, қиличдор балиқ аквариумнинг шиша деворидан Камолга тикилиб турибди, балки у ҳамон Камол руҳиятининг таъсиридадир! Камолнинг онги, руҳияти маълум вақт ичиде балиқларга кўчди ва яна ўзига қайтди. Демак у тушида руҳи билан парвоз этаётган экан-да... Унинг руҳий парвози балки чегара билмас! Кечаси тушида кўриб, кундузи суратларини чи-заётган беозор жониворлар самовотнинг қайсидир сайёрасида яшаса-чи! Камол ҳақиқатан ҳам ўзга оламларга бир лаҳзада кўчиб ўтишга қодирмикан! Ёки ўзининг учқур хаёлларини ҳақиқатдек қабул қилишга ва бунга бошқаларни ҳам ишонтира олишга қодир ички бир энергияси бормикан! Узи чизган, ўз хаёлида жонланган самовий мавжудотлар билан суҳбатлашди-ку тушларда!..

Камол дадасининг ишдан қайтишини орзиқиб кута бошлади. У нафақат кутди, балки дадасини хаёлан чақирди ҳам.

Шу куни дадаси эрта қайтди. Онаси ошхонада кечки овқат ҳаракатида куймаланарди, Камолга ялинди:

— Ўғлим, эшикни оча қол.  
Камол дарвозани очди. Дадаси машинани гаражга ҳайдаб кириб, ўғлини чақирди:

— Камол, сенга зўр нарса олиб келдим, бу ёққа кел. Камол дадасининг кўзига тикилганча яқинлашаверди. Дадасининг қўлида ўзига аталган қоғоз қутичадаги совға-

ни сезиб ҳам нигоҳида қилт этган ўзгариш бўлмади. У қаттиқ тикилиб келаверди. Бирдан дадасининг қўллари қалтираб кетди. Қоғоз қутича ерга тушиб, ичидагилар ҳамма ёққа сочилди. Шундай забардаст одам машина ўриндиғига беҳол суянганча, кўзларини юмиб, хаёлга чўмди. Бўлган воқеалар хаёлимиди, тушмиди, фарқлай олмасди... Камол эса ҳамон дадасининг кўзларига тикилиб тураверди...

...Ҳуснора жажоки Камолнинг дўмбоқ қўлларидан ушлаб, эмизаяпти. Гўдак қорни тўйди шекилли, бу ёғига ўйинга берилиб, дадасига қарайди, қийқириб кулиб яна кўкракка ёпишади...

— Дадаси, ўғлингизни бирпас кўтариб туринг, озгина кир ювиб олишим керак...

Забардаст қўллар гўдакни авайлаб кўтаради... Камол кўзлари порлаб, дадасига тикилиб тураверди. Дадаси эса хаёл сурарди:

...Негаям собиқ синфдоши Шоҳидани учратиб қолди. Ёшлиқда берган кўнгилми! Шоҳиданинг енгилтаклигини биларди-ку, лекин воз кеча олмайди. Ҳуснора кундан-кунга кўзига совуқ кўринадиган бўлиб қолди, ҳатто ўғлини илгаригидек суймайди. Шоҳиданинг икки етимчаси эса бунга «дада»лаб суйкалишади. Онаси ўргатиб қўйганми, уларнинг дарду фикри пул. «Дада, пул беринг, дадажон, пул беринг».

Ўз ўғли Камол эса қимматбаҳо ўйинчоққа ҳам қайрилиб қарамас келмайди. Нега, нима учун! Наҳотки қаттиқ урганини эсидан чиқара олмаяпти! Ие, нега у менга бундай тикилиб қолди!

— Ҳуснора, бу ёққа чиқсанг-чи! Ўғлинг ғалати бўлиб кетаяпти.

Қўлида капгир билан Ҳуснора югуриб чиқди. Камол, бутун вужуди кўзга айлангандек, отасига қаттиқ тикилиб турарди. Энди Ҳуснора ҳам ташвишланиб қолди:

— Вой дадаси, нега унинг кўзлари катталашиб кетди! Камол, ўғлим, сенга нима бўлди, жоним!

Камол ҳамон отасининг кўзларига тикилганча чайқалиб тураверди.

— Ўғлим, жон Камол, менга қара! Ота кафтини Камолнинг кўзларига яқинлаштириб, тепага, пастга ҳаракатлантира бошлади.

Ота-онаси каловланиб турганда у бўй баробар ўзини ташлаб юборди. Кўзлари ола-кула бўлиб, оёқ-қўлларни тиришди-ю ҳолсизланганча, чўзилиб қолди.

Бола ўзининг покиза тўйгуларини отасининг онгига кўчириш учун зўр бериб уриниши тўфайли бор қувватини — ички энергиясини сарфлаб бўлганди.

Фарзанд дардида куюниб кетган ёш ота-она бир лаҳза ҳамдардлик билан бир-бирига тикилиб қолди.

Оёқ-қўлларни шалвираб ётган болани отаси уйга олиб кирди-да, авайлаб ўрнига ётқизди. Онаси ўкраб юбормаслик учун кафтини лабига босиб, ўғлига термуларди.

Бола бир отасига, бир онасига мажолсиз қараб олди-да, нурсиз кўзларини аквариумдаги балиқларга тикди. Бутун бадани бўйлаб ички титроқ турди, шайтонлаётгандек яна кўзлари олайиб кетди. Кейин худди балиқларга ўхшаб оғзини каппа-каппа оча бошлади.

...Қиличдор балиқ аквариум ойнасидан оғзини каппа-каппа очганча, бир-бирининг елкасидан суяб, фарзандларининг дардига шерик бўлолмаганларидан ўкиниб, кўз ёши тўкаётган икки вужудга ҳайрат билан тикилиб турарди.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 4 (414) 1989 г. На узбекском языке.

Қўлёзма ва расмлар қайтарилмайди.

Техредактор Абдувоҳид ТўРАЕВ  
Бадий редактор Уста ВАЛИ

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти

Адреси миз: 700000, Тошкент ГСП(П), Гоголь кўчаси, 70-уй.

Теришга 16.02.1989 йилда берилди. Босишга 31.03.1989 йилда руҳсат этилди. Р—08625. Қоғоз 60×90<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма л. 4,0. Нашриёт ҳисоб л. 5,0. Шартли рангли намуналари 10. Тиражи 371471 нусха. Буюртма № 176. Нашр № 4281. Баҳоси 40 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени елкасидан суяб, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин проспекти, 41-уй.

© «Фан ва турмуш»



Совет-Италия ҳамкорлигидаги «Совпластитал» корхонасида халқ истеъмол моллари, гулли полиэтилен пакетлар ва эсдалиқбон буюмларни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Пластмасса буюмлар эндиликда халқ хўжалигимиздагина эмас, рўзгоримизга ҳам кенг кўламда кириб келди. Идиш-товоқлар, ўйинчоқлар, уй-рўзгор анжомлари, шахмат-шашкаю яна талай спорт анжомларини пластмассасиз тасаввур этиш қийин.



Мазкур корхона яқинда яна бир қатор буюмлар ишлаб чиқара бошладик, улар истеъмолчиларни ниҳоятда хушнуд этди. Жумладан, эндиликда ҳар бир хонадонда худди жонлидек ял-ял товланиб турадиган анвойи сунъий гуллар, дарахтлар шакли-шамойилию ранги билан кўрган кўзларни қувонтиради.

Муқованинг мазкур саҳифасидаги суратларда «Совпластитал» корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан айрим намуналар акс эттирилган.



● «Шалола» ансамбли ўзининг қувноқ ва шўх ўйинлари, халқимизнинг қадим-қадимдан қонига сингиб кетган миришкорлик, соҳибкорлик, ҳунармандчилик меҳнати ўз аксини топган қўшиқ ва лапарлари билан етти иқлимга доврўф таратди.



● Республикада хизмат кўрсатган артист Рушана Султонова эса Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измаилова каби ўтюррак санъаткорларнинг изланишларини давом эттираётган раққосалардан дир.

И. ЯРУЛЛИН фотолари.

● Хоразм воҳасининг бой маданияти, ўзига хос лирикаси, халқ қаҳрамонлари талқини эса «Орази-бон» ансамблининг чиқишларида намоён бўлмоқда.

**ФАН. ТУРМУШ**

ISSN 0134—4560

индекс 75421

Баҳоси 40 тийин

